

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎЛАНБОЙ ОРТИҚОВ

ФАЛСАФА
(ЭТИКА)

(барча бакалавр таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган)

Андижон - 2020

ТЎЛАНБОЙ ОРТИҚОВ

ФАЛСАФА

(ЭТИКА)

Қўлланма юксак ахлоқийликка зид бўлган ёлғончилик, хасад, кибр, бошқаларни менсимаслик, ҳаёсизлик, чақимчилик, бахиллик, ғийбатчилик, ҳақорат, ғазаб, мунофиқлик, адоват каби қатор салбий, ҳамда ширинсўзлик, тилга эҳтиёткорлик, ихлос, ростгўйлик, ҳаё, иффат, риёсизлик, ҳалоллик, сабрлилик, омонатга садоқат, раҳм-шафқат, олийҳимматлик, шукроналик, кечиримлилик, адолатпарварлик, тавозелик, меҳрибонлик каби ижобий хусусиятларни фалсафий баҳолаш, изоҳлашга бағишланган. Қўлланма ўқувчи-ёшлар, т алабаларга ва ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи мураббийларга мўлжалланган.

Тақризчилар:

Муҳиддин Назаров

**Андижон машинасозлик институти доценти,
фалсафа фанлари номзоди**

А.Эгамбердиев

**Андижон Давлат университети доценти,
фалсафа фанлари номзоди**

СЎЗ БОШИ

Талабалар эътиборига ҳавола қилинаётган фалсафа (этика)дан тайёрланган қўлланма Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган намунавий дастурнинг “Ахлоқнинг пайдо бўлишига оид диний, илмий карашлар таснифи”, “Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов”, “Оила номуси ва шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар маъсулияти”, “Ажралиш ва унинг ахлоқий камолатга салбий таъсири”, “Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни”, “Соғлом турмуш тарзининг баркамол авлод ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти”, “Оммовий маданият”нинг ёшлар дунёқарашига таъсири”, “Замонавий ахлоқий тарбияда космополитизмга мойиллик”, “Амалий этиканинг назарий асослари” каби қисмларига мос келади. Ўқув қўлланмасида “Зикр ва ахлоқ”, “Ғийбатчилик ва ифвогарлик”, “Раҳмат ва шафқат”, “Ҳаё ва ҳаёсизлик” “Иффат”, “Ихлос ва тилга эҳтиёткорлик”, “Қиморбозлик ва ўғрилик”, “Чақимчилик ва адоват”, “Ёлғончилик ва ростгўйлик”, “Хасадгўйлик ва ичиқоралик”, “Фосиқлик ва бахллик”, “Сабрлилик ва сабрсизлик”, “Олийжаноблик, ширинсўзлик, тилга эҳтиёткорлик”, “Таъма, ҳақорат, диёнат”, “Ғазаб ва қаноат” каби мавзулар орқали ахлоқ ва ахлоққа зид масалалар ҳам ўрин олган. Ўқув қўлланмасида гўзал ахлоқнинг сифатлари баён қилиниб, мутафаккирлар меросидан кенг фойдаланилган. Имом Бухорий, Имом Термизийларни ахлоқ ҳақидаги муҳим хулосалари ҳозирги ёшлар учун зарурдир. Ўқув қўлланма Олий ўқув юртларида Фалсафа (этика, эстетика, мантик) предметини ўқитишда фойдали манба бўлади деган умиддамиз.

ОЛИЙЖАНОБЛИК, ШИРИНСЎЗЛИК, ЗАҲАРХАНДАЛИК.

Кўплаб уламолар эътирофича ислом яхшилик дини, эзгулик ва энг яхши фазилатларни инсонда бўлишлигини хоҳлайдиган ва тарғиб қиладиган диндир. Аввало, халқимиз бу сифатларни энг қадимдан бошлаб эъзозлашини эсласак, исломнинг юртимизда устивор бўлиши худди узукка кўз кўйилганидек ҳолат эканлигини ҳис қилса бўлади. Исломгача устувор дин бўлган Зардуштийликда ҳам эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал-учлиги ўзининг чиройли ифодасини топган эди. Зардуштийлар эътиқоди туфайли ахлоқ , илм, эзгулик юртимизда илдиз отди ва ривожланишга сабаб бўлган эди. Зардуштийлик одамларнинг бир-бирларига ёрдам беришлари, самимий ва ўзаро ҳурматда бўлишлиги заруратини тарғиб этган эди. Кейинчалик, Марказий Осиё тамаддуни туфайли Кўплаб аллома-мутафаккирлар етишиб чиқди. IX-XV асрлар эса Марказий Осиё тарихидаги юксалиш ва тамаддун чўққиси сифатида эътироф этилган.

Моюда сурасининг иккинчи оятида “Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва хаддан ошиш ёўлида. Ёмонлик ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилмангиз”, - дейилган. Ушбу кўрсатма бутун инсониятга айтилган буйруқ эди. Инсониятнинг фақат эзгулик йўлидан бормоқлиги яна бошқа кўплаб яхшиликларга сабаб бўлади. Миллий ғоя ва миллий мафкурамиз таркибида ижтимоий ҳамкорлик деб аталувчи қисм ёки ғоя мавжуд. Бу нафақат инсонларнинг ўзаро муносабатлари, балки жамоалар, бирлашмалараро ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, деганидир. Яхшилик ва эзгулик, яхшилик ва тақводорлик йўлидаги ҳамкорликни тангри ўз каломида баён қилмоқда. Демак, миллий ғоямизнинг бу ерда ўхшашлиги, яъни каломдан келиб чиқадиган ўхшашлиги, мавжуд экан. Қуръон душманчиликдан ва ёмонликдан қайтармоқда. Душманлик эса ошкора золимликдир. Яхшилик нима? Яхшилик аслида одамларга фақат саодат келтириш йўлидаги ҳамкорликдир. Навоий ўз даврида “бир хаста кўнгилга шодмонлик бахш

этмоқлик, вайрон бўлган Каъбани қайта тиклаб қўйганнинг савоби кабидир”, - деган ўхшатишни берган эди. Олийжаноблик бирор бир ёрдамни, тасалли, маблағни, ширинсўзни ўзидан ташқари бошқаларга раво кўришликдир. Ҳамма нарса фақат ўзимда бўлсин, демоқлик очкўзликдир. Мазмунан, яхши инсон, иймон соҳиби тақводорликдан ташқари олийжаноб ҳам бўлиши керак экан. Олийжаноб одам химматли, кўнгли очиқ инсондир. Комиллик даражаларига интилувчи одам яхшилиқни ўзига ва бошқаларга, хатто энг аввал бошқаларга сўрайди. Фақат сўзда яхшилиқнинг ўзи етарли эмас. Унга молиявий, иқтисодий, жисмоний яхшилиқларни ҳам қўшиш керак. Бу маънавий сифат жамият аъзолари орасида ўзаро хурмат ва эҳтиромни зиёда қилади. Худбинлик бунинг зиди: кишини безътибор қилади, обрўсини тўқади, одамлараро ғазаб ва нафратни зиёдалаштиради. Олийжаноблик, доимо, саодатни чақиради. Бошқаларга фидоий бўлмай туриб, инсон олийжаноб бўла олмайди. Масалан, дори воситаси, ширин овқат, яхшилиқларни аввал шу нарсага мухтожларга беришни хоҳлайди. Агар ўзига етмай қолса ҳам, майли, - дейди.

Ҳашр сурасининг 9 ояти, “гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб ўзгаларни ийсор – ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафсининг сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топқучи зотлардир” деган маънога эга ҳам бошқаларни ўзларидан устун кўядилар. Кимки худбинликдан сақланган бўлса катта ютуққа эришган бўлади”, деган маънога эга. Бир киши Пайғамбар хузурига келиб овқат сўради. У ўз ҳонадонидан сўраб кўрсаки, ҳеч вақо йўқ. Шунда ул зот саҳобаларга юзланиб “ким Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўлишни хоҳлайди”? “- деб савол қилди. Абу Талҳа исмли саҳоба “мана мен” - деди. Шунда аввалги оч кишини меҳмон қилишни ул зот Абу Талҳага буюради. Саҳоба ўз хотинидан уйда нима борлигини сўрайди. Уйда болаларга тайёрланган овқатдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Улар, яъни эр-хотин келишиб, Расулуллоҳнинг меҳмонини меҳмон қиладилар. Болаларни эса бир амаллаб ухлатиб, овқатни меҳмонга беришди. Шунда юқоридаги сура нозил бўлди: Қарангки, бу ҳолат исломнинг жамият манфаатини ўз

манфаатидан устун кўйишни тарбиянинг асоси қилиб кўядиган таълимот эканлигига далилдир.

Ислом қадриятларидан бири ширинсўзликдир. Оилада дағал ва кўпол сўзлар устивор бўлса, ҳар куни жанжал ва тўполон бўлиб турса, болалар тарбияси қай аҳволда қолади? Жанжалнинг охириги топган манзили бўлган кўйди-чиқдиларгача етиб бораётган оилаларни таҳлил қилсангиз, ўша жанжаллар умуман арзимаган баҳонаи-сабаблар туфайли келиб чиқаётганига амин бўласиз. Оилада эрнинг ўз ўрни бўлиши ва оила бошлиғи доимо яқунловчи сўзнинг эгаси бўлишлиги олтин қоида эмасми? Албатта, у адолат томонида қолгани яхши. Хотин бир гапдан қолса нима бўлади? Жанжал босилади. Ёки эр кўчага, биз озга чиқиб кетса аёл ҳам эс-хушини топиб олган бўлармиди? Шу боис оқилона жамият ёки оқилона оилани кузатсангиз, у ерда секин гапиришади. Ҳар бир нарсани бир имо билан тушунадилар. Бир художўй кўшним, доимо хотини ва болаларига, қизларига “овозинг кўчага чиқмасин” деб танбеҳ берар эди. Кўшнилари уялишни, ҳаё қилиш зарурлигини доимо уқтирар эди. Чунки у олимлар суҳбатида жуда кўп бўлган. Ўзи саводсиз бўлсада, Қурон ва ҳадислар маърифатини яхши кўрар эди. У киши қирқ йил аввал оламдан ўтди. Ўғиллари вояга етди, меҳнат қилдилар ва ота айтганидек ховли-жой эгаларига ҳам айландилар. Тарбия илмида барчага (ёшидан қатъий назар) ширин сўз бўлиш талаб қилинади. Бир сўз билан айтилса, сўз билан даволаш ҳам мумкин, ўқ теккандай касал қилиб, ётқизиб кўйиш ҳам мумкин. Ширин сўзлик билан дўстлар кўпаяди, аксида эса, бор бўлган дўстлар ҳам тил захридан қочиб қоладилар.

Туркман шоири Маҳтумқули:

Маҳтумқули сира топмади омон,
Ёмон тилнинг захри тиглардан ёмон,
Ёмон тил олдида захри кўп илон
Чақсада бир чивин чаққанча бўлмас, -

деб ёзган эди. Демак, сўз ухлатади, сўз яралайди, сўз даволайди. Сўз оғаниларни юз кўрмас қилади. Яхши сўзлар, мулойимлик, халимлик билан

инсон обрўга эришади, дўстлари кўпаяди. Муқаддас китобда тангри “Бандаларимга айтилки, улар энг гўзал сўзлардан сўзласинлар” (Исро, 53), - деб уқтиради. Кўпол ва беҳаё сўзлар эса шайтоннинг таъсири дейилган. У орага душманлик ва адоватни солиб туради. “Ва одамларга яхши сўзлангиз” (Бақара, 83). “Юрганинга ўртача юргин ва овозингни паст қилгин” (Лукмон, 19). Одамлар ўзаро сўзлашганларида очик юзли бўлсин, кўпол бўлмасинлар. Расулуллоҳга қарата Аллоҳ: “Аллоҳ берган раҳмат туфайли уларга мулойимлик қилдинг. Агар кўпол ва қаттиқ бўлганинга эди, улар атрофингдан тарқалиб кетар эдилар”(Оли-имрон, 159). Демак, инсон доимо муомалага эътиборли бўлсин, яхши сўзларни сўзласин. Ислоом манбалари буюк ахлоқ ва одоб экан.

Араб мақолида “Калом-ур-рожиули, мезонул ақлиҳи”, яъни, инсонни сўзларига қараб, унинг ақлига баҳо берадилар, дейилган. Инсон сўзлаган сўзига эҳтиёт бўлишининг сабаби гапирилган гапдан унга ёмонлик қайтиши эҳтимоли бор, гапирилмаган гап эса хали ичида қолади ва ундан хавф-хатар йўқ.

ИСЁНҚОР ҚАЛБ ВА МУСАФФО ҚАЛБ

Бағрикенглик қаерда жойлашган? Дунёни ҳеч кимдан қизғанмаслик нима? Шукур қилиб яшамоқлик қалбий хотиржамликка сабаб бўладими? Мутафаккирлар асарларида қалб мусаффолиги, қалбий нотўғри ҳислат ва ғоялар ҳақида маълумотлар учрамайди. Иймон бирор таълимотга қаттиқ ишонмоқлик бўлса, унинг жойлашадиган манзили инсон қалбидир. Инсон ўз қалбига қулоқ солиши керак, деймиз. Сабаби қалб инсонни алдамайди ва химоялайди. Қалбига қулоқ солмайдиган одамлар кўпчиликни ташкил қилади. Баъзан бирор ишни бошлашимиздан олдин бирор одам тўғрисида ёмон фикрга борганимизда қандайдир ички туйғу бизни “бу қанақаси”, “уят эмасми”, деб ўша ишдан, нотўғри фикр ёки хулосадан қайтаради. Қайтариқлар қалбимизнинг исёнларидир. Ҳидоят, гўзал ахлоқ, эзгулик сари

кадам қўйсак қандайдур ички мамнуниятни сезамиз. Қалбимиз хурсанд, “хайриятэ, барака топ” демоқчи бўлади. Моғор босган қалб сўзини ишлатувчилар анчагина. Аслида қалбнинг доимий уйғоқлиги унинг доимий назоратчи эканлигига этибор қилмайдиган одамга, тушуниш учун саъйи ҳаракат қилишни тўхтатиб қўйган одамга нисбатан “моғор босган қалб” иборасини қўллаймиз. Демак, қалб нидосини у ҳақир санаб, уни менсимайдиган, унга кулоқ тутмайдиган одамга нисбатан ўша терминни қўллаймиз. Демак, қалбимизга нисбатан “моғор босган” - сўзини ишлатиш адолатсизликнинг ўзидир. Муҳаммад (с.а.в)нинг болалик пайтларида савдогарлар карвонида туя етакловчи бўлиб ишлаб Шом мамлақати сафарларида қатнашганини кўпчилик билади. Йўлдаги черковда яшовчи Баҳиро исмли яҳудий роҳиб карвондаги бола билан учрашиб саволлар беради. Амакиси Абу Толибнинг руҳсати билан у томонидан болага иккита савол берилди. Лот ва Уззо исмли бутлар ҳақида сўралганда ул зот бутларга нафрати баландлигини билдирди. Иккинчи саволда: Қандай ухлайсан, дейилди. Савол атрофдагиларга ғалати туюлди. У зот: кўзларим ухлайди, лекин қалбим уйғоқ, рухим уйғоқ, - деган жавобни берди. Одамлар бири-бирига маънодор қилиб қараб қўйишади. Ўзингиз ўйлаб кўринг: қалб қачон дам олади? Албатта, юрак ҳеч дам олмайди, доимий ҳаракатда. Юрак тўхташи мумкин эмас, агар у ҳол юз берса, ўлим етиб келди, деган гап. Аллоҳ ҳам мангу уйғоқ зотдир. Ўз вақтида Ғаззолий таъкидлаганидек дил, рух, жон бир хил нарсаким, қалб ҳам улардан ташқарида эмас. Ғаззолий таърифида “ва жумлаи баданнинг подшоҳи дил - қалбдир. Ва ҳамма аъзои бадан дилнинг лашқаридир. Ва бадан ҳамма ахволда анинг тобеидур. У бизнинг саъйи-ҳаракатларимиздан ё рози ёки норози ҳолатда бўлади. Демак, қалб бизга эмас, биз қалбимизга бўйсунимиз керак. Агар бирор иш қилиб турганимизда, қалбимизда фақат ўша иш бор, бошқа гап, сўз, ўй, ҳаёл йўқ бўлса, қалбимиз биз бажараётган ишга ҳозирланган бўлади. Масалан, намоз ўқиб турган кишининг қалбида намоздан бошқа нарса бўлмаса, қалби ҳозир бўлган бўлади. Айниқса, ибодат пайтида бизлар ёлғиз Аллоҳ билан ҳозирлу-

нозирликда қолишимиз керак бўлади. Шайх Муҳаммад Содиқ намозда қалб ҳозир бўлишининг уч омилини баён қилган:

1. Намозда фотиҳа сураси ва зам сура қилинаётган каломни мазмунини билиш ва тушуниш қалб ҳозирлигига олиб келувчи омиллардан биридир. Ҳаёлни олиб қочадиган нарсалардан узилиш жуда муҳим. Бу ерда ташқи омил, қулоқ ва кўзни машғул қилувчи нарсалардир. Масалан, радио овози, телевизор овози, ташқаридаги одамлар овози кабилар. Кўзни сажда нуқтасидан узмаслик, керак. Кўз расм-нақшлардан узоқда бўлиш, иложи бўлса меҳроб гулсиз, нақшсиз, оддий бўлгани маъқул. Ички нарсалар, яъни ҳаёлни олиб кетадиган нарсалар анча кучли бўлади:

Дунё ғами, ечилмаган муаммо, бошга тушган савдо. Мана шу уч нарса Намозда хушуъ ҳолати бўлишига ҳалақит беради. Хушуъга олиб келувчи омиллар: барча ишларни битириш, намозга яхши тайёрланиш, охиратни эслаш, ҳозир мени худо кўриб турибди, деб ўзини хокисор ҳисоблаш, дунё ташвишларидан ҳол и бўлишдир. Хушуъ - намоз ўқиётганидан қувонишдир.

2. Аллоҳнинг таъзимини эслаш ҳам қалб ҳозирлигига сабаб бўлади: Улуғлиги ва азамати, ҳайбати, ҳавфини ҳис қилади. Буни сезган одамнинг қалби Аллоҳда бўлади.

3. Умидворлик. Айнан у қўрқувдан устун туради. Шу сабаб ўқиган намоздан умидвор бўлиш керак. Булардан ташқари, намозга оид амалларда ҳам қалб ҳозирлигини ҳосил қилиш мумкин. Абу Хурайрадан ривоят қилинган ҳадисда Муҳаммад (с.а.в)деди: “Вақтики мусулмон банда таҳорат қилса, яъни юзини ювганда кўзи билан қилинган хатолари тўкилади, икки кўлини ювганда эса қўли билан қилган хатоси тўкилади, сувнинг сўнги қатраси билан эса барча хатолари тўкилади. Вақтики икки оёғини ювса ўша сувнинг охирги қатрааси билан икки оёғи билан қилган хатолари тўкилади”. [01,67]. Бу ҳадисни имом Муслим ҳам ва имом Термизий ҳам ривоят қилишган. Қарангки таҳорат ҳам катта ибодатлардан экан. Чунки таҳорат пайтида инсон Аллоҳ билан боғланадида ҳар бир аъзосини ювганда “илоҳо ушбу аъзолардан содир бўлган гуноҳларин тўкилган бўлсин”, - деб сўрайди.

Шу боис таҳорат пайтида чалғимайди, бошқалар билан гаплашмайди. Шоша-пиша чала таҳорат ҳам ибодатни нуқсонли бўлишига олиб келади. Боз устига таҳорат кичик хато ва гуноҳлардан фориғ бўлиш учун имкониятдир, қулай вақтдир.

Азонни тингламоқлик ила қиёмат саҳросидаги хайқирикни эслайди, савол-жавобни ҳаёлидан ўтказди. Намозда покиза кийим кийганда одамлардан уят жойларини тўсгани ва энг асосийси тангри олдидаги шармандалиқдан тўсинаётганини ҳис қилади. Ўша шармандалиқдан тавба, ҳаё уят ҳамда умидворлик тўсишини ҳаёлимиздан ўтказамиз. Қибла - Байтиллоҳ томон юз буришдир. Ўша томонга юзланганда “ҳозир мен Аллоҳ билан мулоқот қиламан” - деб атрофдаги ҳар қандай нарса, икир-чикирларни унутамиз. Ҳаёлан ердан узилиб безавол зот билан боғланамиз. Икки қўлни кўтариб “Аллоҳу акбар” дейишимиз билан унинг улуғлиги ва хайбатини ҳис қиламиз ва тилимизда айтган бу сўзни дилимиз билан тасдиқлаймиз. Кейин тилимиз билан “Аъзу биллаҳи”ни айтамыз, яъни Аллоҳдан шайтон васвасаси, алдови хуружидан паноҳ тилаймиз. Қироъатни маъносини тушуниб ўқиганга нима етсин. Ўтмишда яшаб ўтган салафи солиҳлар (яъни, худога етишган зотлар) шу даражада намозга киришганларки, қироатнинг маъносини чуқур ҳис қилиб, хушидан кетганлар, ҳатто жон таслим қилганлари ҳам бўлган экан. Намоз ибодати рукусида худога бениҳоя тавозуни ва бош ерга текканда унинг олдида ҳеч ким эмаслигимизни ҳис қилишимиз лозим. Тасбеҳ, дуо, такбирларни юракдан чиқариб бажарилса қандай яхши. Ибодатга интилувчи ундан улкан руҳий мадад олувчи ва ўзини хокисор сановчи қалб мусаффо қалбдир. Бекордан бекорга намоз тарбияловчидир, деб айтилмаган, намоздан намознинг фарқи бор. Намоз учун савоб берилади ва ҳамма ҳам намоз ўқийверади, дейишимиз мумкин. Бу албатта сиртдан айтилганда шундай. Аслида ихлос ва хушу қандайлигига қараб ажр ва савоб берилар экан. Ким уни жойига қўйиб, баланд ихлосда бажарипти, савобни ҳаммасини олибди. Муоз ибн Жабал исмли саҳоба “Кимки ўнгу сўлида ким турганлигини билса намози намоз эмас” – деган.

Банда намозини ўқиб бўлганидан кейин қанчасини эслаб қолса, савобда шунча қисмигагина эга бўлади. Бир оила бошлиғи ўғлига шом намозидан чиқаётганлар ичидан намоз ўқиганларни эҳсонимизга бошлаб келгин, деди. Ўғли улардан қачон ва қайси ракатда қайси зам сурани ўқиганларини сўраб, тўғри жавоб берганларинигина бошлаб келди. Отаси “нега жуда озчилик” - деди. Ўғли: “фақат шуларгина намоз ўқиди” деди [3(1),70].

Қалб ҳозирлиги кимда амалга ошган бўлса, намоз ўқувчидан талаб қилинаётган фарз бажарилган бўлади. Намознинг намоз бўлиши талаблари ичида қалбнинг тайёрлик ҳолати намознинг руҳи ҳисобланар экан. Юқоридаги фикрлар ибодатга тегишли бўлсада қалб мусаффолиги Аллоҳга бағишланган ибодатдан бири десак бўлади. Одамларга тавозеъли бўлиш, ҳалол бўлиш, рост сўзлаш ғийбат-бўхтондан узоқ бўлиш, барча ҳаракатим Аллоҳга маълум, ундан уяламан, ҳаё қиламан деб яшаш ҳам мусаффо қалбнинг белгиларидандир. Мусаффо қалб инсонни чалғитмайдиган, алдамайдиган қалбдир, унинг соҳиби ўз қалбига хиёнат қилмаслиги керак. Қалби билан доим маслаҳатлашуви керак бўлади. Рисоланинг бу қисмидаги сўзлар, хулосалар Шайхнинг “Рухий тарбия” китобига тегишлидир.

МАҒРУРЛАНИШ ВА ВИҚОР

Мағрурланиш деб инсоннинг ўз куч-қудрати, амали, қурган иморати, болаларининг кўплиги, ўғил фарзандига ва мол дунёсига ўзи маҳлиё бўлишига айтилади. Инсон бу дунёга ялонғоч ҳолда келди, яшади ва юқоридаги нарсаларни худо бергани учун қўлга киритди. Мағрурланиш шайтоннинг иши, тавозе ёки камтарлик раҳмон иши, дейди халқимиз. Камтарлик соҳиби бўлишга қаноат ҳам киради. Қаноат бошига мусибат ёки зиён етганда ҳам, бахт куши қўнганда ҳам сабр қилувчи одамнинг фазилатидир. Кибр ва ғурурдан келиб чиқувчи мағрурланишни зиди виқордир. Кибр ва ғурурдан, манманликдан ўз нафсини сақламоқликнинг номини виқор деб аталади. Виқор ахлоқ ва ҳикмат юзасидан энг аҳамиятли,

инсон учун зарур хулқлардандир. Викори йўқ одам нобакор бойга, мутакаббир инсон эса иллат тўла девонага ўхшаб кетади. Қадр ва эътибори баланд инсонда виқор юқори бўлади. Викори баланд одам кибр ва ғурурга яқин йўламайди. Уч нарса кишини хор, халқ орасида беътибор қилади. Ҳатто у илм ва мол-давлат эгаси бўлса ҳам. Улар **-мағрурланиш, манманлик, такаббурликдир.** Ўз-ўзини осмонда деб билувчи ва риёкор одам виқорсиз ҳамдир. Ёмон хулқлардан холи, иши ва сўзи тўғри, шафқати баланд, марҳаматли, миллат дарди билан яшовчи, қалби пок, шерюрак инсон виқорли ҳам ҳисобланади. Виқор соҳиби, албатта, кибрдан ва ғурурдан холи, инсонийликка мадор, ватанига ифтихор, инсонлар ахлига хомий ва дастёрдир. Номус, ор,сабот, қаторида турувчи виқор кейинги 30 йил ичида эътиборсиз қолгандек. Йигиту-қизда виқор сифатларини шакллантирсак ҳақиқий юртпарвар инсонларга эга бўламиз. Нажот икки нарсада (тақво ва ният) бўлгани каби ҳалокат ҳам икки нарсада (ноумидлик ва мағрурланишда)дир. Ғурурнинг тескариси ва зиди инсон ўзини ҳақир ҳисоблашидир. Ривоятларда умрининг 70 йилини ибодат билан ўтказган одам ҳақида ҳикоя бор. Ўша инсон ҳар ҳафтанинг олти кунида рўзадор бўлар эди. Бир куни у худодан йўл қўйган ҳатосини ва ҳожатини сўради. Ҳожати раво бўлмади. Шунда, у ўз нафсини койиди, гуноҳ ишлар қилганликда айблади. Унга фаришталар орқали етказилдики, ўзини ҳақир санаганининг ўзи етмиш йиллик ибодатдан афзалдир. Расуллулоҳ ҳам мағрурланишдан қайтарганлар. Чирой-чимматга мағрурланиш кўпинча аёлларда учрайди. Ташқи гўзаллик туфайли ҳам, ички гўзаллик билан ҳам мағрурланмаслик лозим. Саҳобалардан бири: “Тавбанинг чиройли бўлиши гуноҳларингни билишинг билан, амалингни тўғри бўлиши, мағрурланишдан воз кечишинг билан бўлади” - деди, Яна бир саҳоба: “Кечаси ухлаб қолиб пушаймон ҳол да тонг оттиришим, кечани ухламай, мағрурланиб тонг оттиришдан афзалдир”, - деди. Аллоҳга яқин бўлиши учун эса ғурурни синдириш лозим бўлади, унинг учун ўша инсон:

1. Шукур қилиб, нафсига мағрурланмайди;

2. Аллоҳ неъматларидан ибрат, хулоса чиқаради ва қилган ишига мағрурланмайди;

3. Амали (ибодати) қабул бўлмай қолишидан жуда кўрқади, хавфсирайди, нафсига мағрурланмайди;

4. Қилган гуноҳларини эслайди. Гуноҳи савобидан оғир келишидан кўрқади;

Олим бўлиши учун ҳаракат ва худодан кўрқиш, илмсиз қолишига эса амалига мағрурланиши кифоя қилади. Имом Журжоний ўз китоби “Тарифот” да ғурурни нафси хавосига мослик ва табиатига мойилликдир, деб таърифлайди [3,401]. Бошқа бир ислом алломаси ғурур хатони тўғри деб хаспўшлашдир, деган.

Фотир сурасининг 5-оятида: “Эй инсонлар! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, сизларни дунё ҳаёти сира алдаб қўймасин. Яна алдамчи (шайтон) алдаб қўймасин!” - дейилган. Мулк сурасининг 20-оятида “(Эй мушриклар!) Раҳмондан ўзга сизларга ёрдам берадиган қўшнингиз ким экан ўзи?! Кофирлар фақат мағрурликдадирлар” дейилган. Мен зўрман, менга ҳеч ким бас кела олмайди – деб ўйлашлик ғурурга кетишдир. Баъзилар ўзаро суҳбатда иккинчисига, фалончини мен ундай дедим, мен бундай, дедим – деб тушунтиради. Бу билан, у ўзини ҳаммадан зўр ва ақлли эканлигини исботламоқчи бўлади. Бу ҳолат айниқса, ўсмир ва балоғат ёшидан ўтганларда кўпроқ кузатилади. Айрим ҳонадонлар ўз фарзандларини ғурурга кетиб қолганини ҳатто тушунмайдилар ва ташвишга ҳам тушмайдилар. Расуллулоҳ (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадис Абу Хурайра (р.а.) орқали ривоят қилинган (Термизий ривояти): “Охирги замонда дин ва дунёни бирваракайига талаб келувчилар чиқади. Тиллари шакардан ҳам ширин. Қалблари худди бўриларнинг қалбларидек. Аллоҳ: “Мен ила ғурурга кетдиларми ёки менга журъат қилдиларми? Бас, ўзим қасам ичиб айтаманки, албатта ўшаларнинг бошларига уларнинг ўзларидан фитна юбораман”, - дейди. Тўғри, дин ила дунёни талаб қилишга ўтганларнинг ҳаммаси ҳам хайрон қолдирадиган фитнага дучор бўлавермайдилар. Дин билан, у орқали дунё талаб қилишга

яқин йўламаган яхшидир. Шайх Муҳаммад Содик ғурурни етти зарарини санаб ўтади:

1. Мағрурланиш нафси бузуклик ва ичи қораликка далил бўлади.
2. Ғурурга кетиш халокатга олиб борар экан.
3. Билимлилар, уламоларнинг ғурурга кетиши уларни амалдан чалғитади.
4. Ғурурга кетиш куфрга, туғёнга, фужурга олиб боради.
5. Бу дунёда ҳасрат, охиратда азоб кимга керак бўлса мағрурланаверсин.
6. Ғурур халқларни халок, одамларни бемор қилади.
7. Ғурурли одамда кибр тез томир отади.

Ғурурга кетишнинг кўп тарқалгани динни менсимасдан ғурурга кетишдир. Шайх ҳазратлари динсизларнинг ғурурга кетишларига бу дунё ҳаёти сабаб, - деган фикрда. Улар дунё ҳаётига маҳлиё бўладилар-да, охиратни унутадилар. Нақд-насиядан афзал деб ўзларини овутадилар: “бу дунё нақд, унга эришиш учун ибодат керак эмас. Нариги дунё эса насия, у ердаги яхшиликларни тинимсиз машаққатларни босиб ўтиш билан қўлга киритилади”. Яна бир ғурур тури гуноҳга ботган мусулмонларнинг ғурурга кетишидир. Худо меҳрибон, гуноҳларни кечираверади, даргоҳи кенг. Имонимиз бор, у етади- деб ёлғондан умид қилади. Бу ҳам ғурурдир. Учинчи тури ҳам савоб, ҳам гуноҳдан қайтмаганларнинг ғурурга кетишидир. Бу тоифалар учун ҳадислар бор. Расул Акрам (с.а.в): Доно нафсини тергаган ва ўлимдан кейинни кўзлаб амал қилган одамдир. Аҳмоқ эса нафси-хавосига эргашган ва худодан умидвор одамдир - деганлар. Хасан Басрий: Амал қилмай жаннатни талаб қилиш гуноҳлардан бир гуноҳдир - деган фикрни берган. Бу тоифа инсонлар бир сўмини садақа қилиб, одамларни ўн сўмини зулм ила қўлга киритган одамлардир. Бу жаҳолатнинг каттаси бўлиб, савоб-гуноҳни аралаштириб юрганлардир. Гуноҳлар қилишдан тавба қилган, ундан юз ўгирганлар улардан эмас. Илмли кўп, илмига амал қилмайдиганлар кўпчиликдир. Жаҳидлар ҳаракатининг вакили Абдулла Авлоний ўз миллати

хақида қайғуриб илм ўрганмакни вазифа қилиб қўяди ва илмгина инсонни жаҳолатдан қутқаришидан огоҳлантиради: “Илм инсон учун ғоят ва муқаддас бир фазилатдур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур. Савобни-гуноҳдан, ҳалолни-ҳаромдан, тозани-мурдордан айириб берур. Тўғри йўлга раҳномалик қилиб дунё ва охиратимизни чиройли қилур, Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидир. Илм бизларни маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтарур. Яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур. Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни ортдирур, жаноби Ҳақнинг азамати ва қудратини билдирур. Алхосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдир. Пайғамбаримиз: илмга амал қилувчилардан бўлингиз, нақл ва ривоят қилувчилардан бўлмангиз демишлар .

Илм бир дарё ичи тўлмиш дуру гавҳар билан,

Қиймату-қадрин қачон билғай они жохил илон!

Шунинг учун ўқимоқ, билмоқ замонларини қўлдан бермай вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмакка жонимиз борича саъи ҳаракат қилмоғимиз лозим. “Илм ўқимак ҳар бир мўмин эру-хотинга фарздур” демишлар. Ажабо Қуръонимиз, Пайғамбаримиз ўқингиз деб амир қилғон ҳолда, бизлар не учун ҳаракат қилмаймиз, қимирламаймиз, бошқа миллатларнинг ўғиллари, қизлари кеча демай, кундуз демай, ёз демай, қиш демай илм йўлида жонларини фидо қилиб, қовушиб, югуришиб, кўзларимизни қамаштириб турган бир замонда бизлар ҳамон уйқудан, ғафлатдан жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз. Пайғамбаримиз: “олим бўл, илм талаб қилувчи бўл, ёки илмни эшитувчи бўл, ҳеч бўлмаса шуларга муҳаббат қилувчи бўл бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан, демадиларму?” [1. 22-23]

Ўйлаймизки, Авлонийнинг юқоридаги сўзлари ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Лекин, ўша ўғитларни маҳкам тутиб, юртимиздан ҳам дунёвий илм, ҳам диний илм соҳиблари етишиб чикди. Илмли ёшлар кўпайди,

мамлакат қисқа вақт ичида жаҳон иқтисодиётида, маънавиятида ўз ўрнини топди. Гап ғурур ҳақида кетар экан, илмга амал қилмайдиганларнинг ҳукми қандай бўлади, деган саволга жавоб бериш керак. “Фотир” сурасини 28-оятида “Албатта, Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларгина кўрқарлар” - дейилган. Олимларнинг баъзилари шаръий ва ақлий илмларни эгаллаган бўладию, лекин, уларда илмга амал қилиш, гуноҳдан ўзини олиб қочиш йўқ. Менинг илмим худонинг ҳузурида баланд бўлса керак, сабаби 20 йил шу илм ўрганмоқдаман, деб ғурурга боради. Абдуллоҳ ибн Маъсуд дейди: Худодан кўрқиш илмнинг аломати бўлса, Аллоҳ ила ғурурга кетиш жаҳолатнинг аломатидур. Яна бир хил ғурурга кетган гуруҳ-илми ва амали бор, лекин ахлоқи бузуқ кишилардур. Уларнинг қалбларида ахлоқий нуқсон бўлади. Кибр, ҳасад, риё, шуҳрат ва мансаб кетидан югуришдек қалб касалликлари ин қурган бўлади. Ибодатига маҳлиё бўлиб ғурурга кетганлар деб фарз-вожибни ўз ҳолига ташлаб, нафл ибодатни чуқур бажариб хаддан ошувчилардир. Баъзан нафл рўзанинг ғурурига алданиб нафл рўза тутаётгани билан мақтанади. Лекин, у тоифа одамлар тилини ғийбатдан, қилиқларини эса риёдан ва нафсларини ҳаромдан асрамайди. Фарз-вожибни тарк этиб нафлни бажармоқчи бўладилар. Хаж ва бошқа нафл ибодатларда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Ғурурни уч нарса ёрдамида (ақл, маърифат, илм) билан даволаш мумкин. Бу ерда тажрибали устоз ёрдамга келади.

ИЛМ ТАЛАБ ҚИЛМОҚЛИК ВА ИЛМИГА АМАЛ ҚИЛМОҚЛИК.

Инсонга берилган нарсаларнинг гултожи илмга муҳаббат ва ўрганган илмига амал қилмоқдир. Устоз шогирдига илмдан-да бебаҳо нарса бера олмайди. Худди ота-она ўз фарзандига тарбиядан аълороқ мерос қолдира олмагани каби. Илм инсонни яхшилик, эзгулик томон етаклайди ва ўзгартиради. Инсонга яхшилик илм орқали сингдирилади. Илм олишда

мўъжиза юз бермайди, яъни илм олмоқлик машаққат ва кунт, ўзни фидо қилувчи саъи-ҳаракат билан амалга ошади.

Ҳўш исломдаги илмга нисбатан даъватда қайси илм назарда тугилади?. Фақат диний илмми?. Асло, бу шундай илмки, ҳар қандай билимсизликни йўқотади. Яъни ҳам дунёвий, ҳам диний! Баъзилар ўйлаганидек, маънавий юксалишга фақат ижтимоий-гуманитар фанларгина сабаб бўлмайди. Табиий-илмий, техника фанлари ҳам инсонни ўзгартиради, яхшилик томон судрайди. Илм сўзи араб тилида бирор нарсани бошқа бирор нарсадан ажратувчи сифат белгиси, деган маънони англатади. Таълим олувчининг илмдаги таъкидлашлар, такрорлашлар туфайли шахсияти ҳам ўзгариб боришини тушуниш қийин эмас. Араб олимларидан бири Ибн Манзур [3(1),29]: “Илм жохилликнинг акси бўлиб, у бир нарсанинг бошқалардан ажратиб турувчи томонларини билиб олишдир”, - деган экан. Журжоний эса “Илм воқеликка мувофиқ бўлган жазмли эътиқоддир”, - деган. Ғаззолий эса “Илм бир нарсани худди ўзидек идрок этишдир” - деган фикрни билдирган. Илм ва унинг маънолари баён қилинган оятлар сони 379 тадир. Ислом таълимотида Пайғамбар (с.а.в): Илмни Аллоҳ беради, мен эса тақсимловчиман, ҳолос,- деган, ҳадисда илмни илоҳий хилқат эканлиги баён қилинган.

Ўзбек халқида илмни сўраб-сўраб ўрганган олим, уялиб сўрамаган ўзига золим, деган нақл бор. Илмсизликдан уялмаслик лозим, аксинча, илмсизлигимни бировлар билиб қолмасин, деювчи нотўғри йўлдадир. А.Авлоний бобокалонимиз ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида “Илм деб ўқимақ, ёзмақни яхши билмақ, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмақни айтилур. Илм-дунёнинг лаззати, охиратнинг шарофатидур, у инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур” деб ёзган эди. Шунингдек, фақат бир томонлама, ё диний билим соҳиби, ё дунёвий илм соҳиби бўлмоқни танқид остига олган эди:. Диний киши бўлмақ учун улуми диния ўқимақ ила баробар ҳисоб, хандаса, тарих, ҳикмат, кимё, тиб, зироат илмлари каби фанний илмларни ҳам билмақ, чин олим бўлмақ лозимдир. Чунки бу илмларнинг иккиси ҳам

дунё ва охиратимиз, ҳаёт ва саодатимиз учун энг керакли нарсалардир. [1,22-23]. Расулulloҳ ҳадисларида: Илмга амал қилувчилардан бўлингиз, нақл ва ривоят қилувчилардан бўлмангиз, - деб огоҳлантирганлар. Абдуллоҳ ибн Маъсуд (саҳоба): “Икки очкўз ҳеч тўймайди: толиби илм ва дунё талаб қилувчи. Улар баробар эмаслар. Илм толиби худони розилигини зиёда қилаверади, аммо дунё талаб хаддидан ошишни”, - деди.

Яна ўша зот: “Сизлар амал қилиш замонидасизлар, бунда амал қилиш илм олишдан афзалдир, яқинда илм замони келади, илм унда амалдан афзал бўлади”, дедилар. Юнон файласуфи Демокрит “битта илмий исботу - далилни қўлга киритишим мен учун форс салтанатига ҳокимлик қилишдан аълороқдир” - деган. У яна “Коинотнинг ибтидоси атамалар ва бошқадан иборат. Қолган барча нарсалар фикран мавжуддир”. “Билишнинг икки кўриниши мавжуд. Уларнинг бири туйғулар воситасида билиш, иккинчиси тафаккур ила билишдир”.

Яна бир юнон файласуфи Антисфен (мил. авв. V аср) “Илмларнинг энг зарури ноқерак нарсаларни унутиш илмидир” – деб жавоб берган. Цицерон эса илм ҳақида: “Нодонлар орасида саодатмандлар, донолар орасида эса бахтсизлар бўлмайди”, - деган. Яна: “фалсафа фани ақлий маданиятдир, шубҳали нарсаларни – қўллаб қувватлашдан ўзини тийган файласуфлар доноларча йўл тутадилар” - деди. Сенека (4-65 й) илм ўрганиш ҳақида “Ўргатиш асносида ўрганаман”, “менимча дағалликнинг ҳам, журъатсизликнинг ҳам илдизи илмсизликка бориб тақалади”, - деб ёзди. Эйнштейн илм ҳақида гапириб “Аллоҳга бўлган имон илмий изланишларнинг энг улкан самарасидир”, - деган эди. Демак ҳақиқий илм кишиси худога ишонувчи бўлади. Париждаги тиббиёт факультети декани Витос (кимёгар) деди: Агар менинг иймоним биров бўлсада-сустлашганини сезсам, уни қувватлашим учун фанлар академиясига шошиламан, дейди [12,45]. Артур Шопангауэр биринчи бўлиб “рухий ҳаловат” атамасини қўллаган. “Энг олий даражадаги турфа ва давомий хузур-ҳаловат рухий ҳаловатдир, деб таъриф берган. Рухий ҳаловат туфайли ёзган асарингиздан

кўнглингиз тўлади. Бироз хотиржам тортасиз. Илм ўрганиб, кўз олдингизда янги ҳақиқатлар бўй кўрсатса бир олам рухий озуқа оласиз. Бу ҳолат ибодатингиз сўнгида ҳам ўзини билдиради. Шу боис бизлар доимо илм сари ва ибодат сари юзланишни ёқтирамыз. Фақат ибодат билан ёки фақат илм билан қолмоклик эса маъносиз, мантиксиз ҳолатдир. Шу боис кўплаб мутаффақкирлар ушбу икки буюк хилқатни ўзаро боғлиқликда деб тушунганлар.

Янгилик кашф қилган одам бу нарсани илғаб илдизига етиб борганида ва уни хал қила олганида эди, буюк яратувчига ишончи яна ортар эди. Сабаби бизни ўз паноҳига олгувчи ҳам, ўтга ташлагувчи ҳам унинг ўзидир.

Худосизлик инсон мохиятига, хотиржамлик изловчи қалбига, ҳатто яратилишига зид тушунчадир. Демак, қалбига қулоқ тутувчилардан кўра унга эътиборсизлар кўпчиликни ташкил қилади. Анас ибн Молик исмли саҳоба Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)дан эшитганини ривоят қилган: Ким илмни Аллоҳдан бошқаси учун талаб қилса, бу оламдан кетмасидан унга шундай илм келадики, у Аллоҳ учун бўлиб қолади. Ким илмни Аллоҳ учун талаб қилса, кундузлари рўзадор ва кечалари қоим туриши кабидир. Албатта, илм олинадиган эшик Қубайс тоғидек тиллани Аллоҳ йўлида садақа қилишдан яхшироқдир”, - дедилар. Яна бир саҳоба “илмсизлик кишига хусн эмас. Ким билган нарсасига амал қилса, у одамларнинг олимроғидир. Ким билган нарсасига амал қилмаса, у жохилдир. Шунинг учун ҳам олимнинг битта гуноҳи кечирилгунча, жохилнинг етмишта гуноҳи кечирилади, дейилган”. Одамларнинг қайсиси ёмон? Бу саволга Расулуллоҳ деди: “бузилган олим”, чунки олим бузилса, унинг бузуқлигидан олам бузилади.

Имом Ғаззолий ёзади:

Эй, мамлакатнинг тузи бўлган қорилар,

Туз айниса унга борми дорилар?

Ҳазрат Али (к.в): “Илм молдан яхшироқдир, илм сизни кўриқлайди, сиз эса молни кўриқлайсиз, илм нафақани поклайди, нафақа эса молни камайтиради. Уламолар дунё қанча турса илм шунча туради, уларнинг

жисмлари йўқолган бўлсада, мисоллари қалбларда сақланади”. Олим билан илм олувчининг ажри(савоби) тенгдир, одамларда икки тоифадан – олим ва таълим олувчидан бошқасида аълороқ яхшилик йўқдир [2, 415].

ИХЛОС ВА ТИЛГА ЭҲТИЁТКОРЛИК.

Ихлос сўзи “ҳолис бўлди” сўзига яқин маъно бериб, мусаффо бўлди, тоза бўлди каби таржимий маънолар ҳам касб этади. Бирор нарса (аралашган)ни тозалаш ёки унинг янги ҳолатини ҳолисланди, деб таърифлашга ҳам яқиндир. Ихлос аслида бирор ишни бажаришга сидқидилдан киришмоқлик, ўзини бахшида қилмоқликдир. Унинг зиди ишни кўл учида, лоқайд бажармоқликдир. Имом Кафавий: Ихлос мутлоқ зотнинг ёлғиз ўзини ибодат билан дил, тил ва амал мусаффолиги ила топмоқликдир, деган фикрни беради. Ихлос нарсани қандайдир ёқимсиз нарсадан ҳалос бўлишга ёрдам берувчи истак, саъи-ҳаракатдир. Оятларда динни ҳолис қилган ҳолатда ибодат қилиш буюрилган. Ихлоссиз ибодат - ибодат эмас. Ихлос ибодатнинг мағзидир. Бамисоли ибодат қилаётган одам худони кузатиб турибди, кўриб турибди деб ҳис қилиши керак бўлади. Дин масаласида инсон фақат яратганнинг динигагина ибодат қилиши зарур. Даосизм, буддизм, синтоизм каби, оташпарастлик, қуёшпарастлик каби, тотемизм, анимизм, аниматизм, магия, фетишизм каби ботил эътиқодларнинг ўзи ихлос қилишга лойиқ эмас. Шариат ҳам фақат унинг шарияти бўлиши керак. Тангри ҳузурида чин дин ислом ҳисобланади. Парвардигор ўз каломида ихлосли бандаларига алоҳида аталган ризқ, наим жаннатидан жой берилишини хабарини берган. Мухлис мўъмин бандалар учун маълум ризқ (мева- чева, ҳузурланган ҳолда пардали сўрилар ва эъзоз-икромда) берилиши исломнинг юксак даражада яхшилик тарафдори ва ёмонликка қарши дин эканлигидан далолатдир. Демак, ихлос билан қилинган амалнинг ажру савоби юқори бўлади. Бир хил ният билан қилинган бир хил амални бажарган кишиларни биттасига ўн ҳисса ва яна биттасига 700 ҳисса ёки

ундан кўп савоб ёзилиши ихлоснинг даражасига қараб бўлади. Ихлосни баланд қилган банда ибодат лаззатини топади, қалби ёки ичи нурга тўлади, мусаффо бўлади. Ихлосли инсон ваъз-насихат ва ибратлардан ўзига тезда фойда олади. Қолаверса, ихлос ҳам солих, одамга тангри томонидан бериладиган мукофот ва неъматдир. Ихлосли инсон хурсанд бўлгани яхши, чунки ҳадиси кудсийда яратганнинг ўзи “кимга муҳаббат қилган бўлсам, ўшани қалбига ихлосни жойлаганман”, - деган. Ихлосни гўё тангрини кўриб тургандек, ёлғиз ўзи унинг ўзига ибодат қилгандек бажармоқлик дуруст бўлади. Агар бизда ихлосга озгина рағбат бор бўлса, бунга қувонишимиз керак, чунки, биз унинг диққат эътиборида эканмиз. Бунинг акси бўлса, хулоса қилмоқ керакки, жуда кўп қилаётган ишларимизда унинг розилиги йўқ экан. Бу ўз-ўзимизни тафтиш қилиш демакдир. Ҳар кеч, ётишдан аввал инсон ўтган кунини тафтиш қилишни одат қилса яхши: бугунги куним қандай ўтди? Одамларга нафим тегдими? Кимнинг дилини оғритдим ёки кўнглини кўтардим? Гуноҳга ботмаяпманми? Савобли ишларим анча кам экан. Демак, эртанги кунимни энди бошқача ўтказмоғим керак. Бизларга куч қувват ҳам, ақл-заковат ҳам, берилган ризқ, мартаба ҳам қибрланиш учун эмас, балки одамларни қўллаш, заифларни химоя қилиш ва уларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатишимиз учун берилган. Ўша неъматларни бизда бўлиши зўрлигимиздан эмас, балки ақл билан уларни мурувват йўлида, тангри розилиги йўлида сарфланиши учун гаров ниятида тортиқ қилинган. Демак ихлоснинг баландлиги ҳам бизга кўрсатилаётган эҳтиром ва ахлоқий эътибор экан-да! Унинг суғлиги, иймон суғлигининг бир кўриниши халос. Шайх Муҳаммад Содиқ ҳазратлари ихлос ҳақида уламолар хулосаларини келтирган: Жунайд Бағдодий: “Ихлос банда билан Аллоҳ орасидаги сирдир. Унга шайтон хуруж қила олмайди, фаришталар ҳам у сирни билмайди”. “Ихлос ва иқтидосиз амал худди қопини қумга тўлатиб кетаётган ва фойда олмаётган мусофирга ўхшайди”,- деган эди, Ибн Қайюм исмли ислом уламоси: “Банда ихлосни кўймаса, тарк қилмаса унинг қалби ва тилидан ҳикмат булоқлари ҳам отилиб чиқаверади”- деган фикрни берган.

Ихлоснинг олий шакли тангридан бошқа ҳамма нарсдан қутулмоқлик, халос бўлмоқликдир. Аввало ихлос амални, яъни ибодатни, лисонни риё, ёлгон ва алдовлардан халос этмоқликдир. Амални одамлар учун эмас, биров билмайдиган тарзда фақат унинг (худо) учун бажармоқликдир. Амални аъло бажариб, шубҳа билан хижолатда бўлмоқлик ҳам чинакам ихлосдир. Уламолар одамлар учун амални тарк қилишни риё деганлар. Улар учун амал қилиш эса ширк. Демак, ана шу икки нарсани тарк қилиш керак. Ҳар қандай шахсдаги ихлос тўрт қисмдан иборат бўлади: Гап-сўздаги ихлос; иш-амалдаги ихлос; тоат- ибодатдаги ихлос, ҳол ёки қалбдаги ихлос. Шайх ҳазратлари [3,34] эътирофича ихлос тасаввур ёки ҳаёл эмас, балки амалдир. Шу сабаб у давомли, тўлиқ илм асосида ва даражама-даража бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ихлос дуолар қабул бўлишга сабаб бўлади. Инсоннинг икки дунёда мартабаси кўтарилишига ихлос сабаб бўлади. Инсоннинг ижтимоий мавқесини мустаҳкамлигига олиб келувчи восита ихлосдир. Ихлосли одам хотиржам инсондир. Инсоннинг бошига келган яхшилик ёки ёмонликларни ихлос енгиллатади. Ихлос билан иймонимиз кучаяди. Ихлос дунё ва охиратдаги бизнинг қалбимиздаги эзгулик учун хужжатдир. Фахш ишлар инсонга ихлос туфайли хуруж қила олмайди. Ихлос шайтондан омонликдир.

Тилга эҳтиёткорлик ҳам жаннатий инсоннинг сифатларидандир. Тил туфайли инсонга оқиб келувчи офатлардан барча Набий ва Расуллар одамларни огоҳлантирганлар. Тил қўйиб берса заҳарли илонга айланади. Тил оқил одамда инсонлар учун шифо воситаси бўлиши ҳам мумкин. Шифокорнинг икки сифати 50 фоиз касалликни даволаб юбориши мумкин экан. Биринчиси кўркам кийиниши ва чиройи бўлса, иккинчиси ширин тили - сўзидир. Ширин тилли шифокорни беморлар яхши кўрадилар. Шифокорлик деонтологияси, яъни, касаллик ҳақида беморга гапиришдан тийилишлик ҳам тилга эҳтиёткорликни талаб қилади. Абу Хурайра ривоят қилган ҳадисда: “Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, кўшниси ва меҳмонини ҳурмат қилсин, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин”, -

дейилган. Мусулмонни гўзаллиги эса маъносиз сўзларни тарк қилишлигидир. Халқимизда, “Қўл югуриги ошга, тил югуриги бошга” деган мақол бор. Инсон ўзининг бошига келувчи яхшиликми ёки ёмонликми, унинг тилидан эканлигини ҳам таън олсин. Айтилган сўзга жавоб беришга тўғри келади. Айтилмагани эса хавф-хатарсиздир. Инсон қалбидаги нур иймондан бўлса, юзидаги нур тилига мустаҳкам эгалик қилишлигидадир. Оқил инсонда тўрт сифат борки, уларсиз уни оқил деб бўлмайди. Ўзига юклатилган вазифани ҳалол бажармоғи, замон ахлини билмоғи, ҳурматламоғи, харомдан сақланмоғи ва тилини сақламоғи.

Инсонга икки нарса омонлик келтиради, биринчиси оёғини билиб босмоқлиги, иккинчиси эса тилини эҳтиёт қилмоқлигидир. Зеро жим туришлик чарчоғи йўқ ибодатдир. [2,218].

Ўтмиш мутаффақкирларимиздан бири инсон жасади уч бўлакдир деган, яъни бири қалби, иккинчиси – тили, учинчиси – бошқа аъзоларидир. Уччала бўлак мусаффо бўлса, у икки яхшиликка эга бўлади. Биринчи яхшилик тангрининг розилигидир, иккинчиси эса унинг ахли ва дўстлари розилиги, хурсандлигидир.

ИЧКИЛИК, ҚИМОРБОЗЛИК ВА ЎҒРИЛИК

Шундай инсонларни суҳбатида бўлдимки, улар ичсам ўзимни пулимга ичдим, сеникига эмас, деб ўзини “оқлаб” олмоқчи бўлган эдилар. Хўш, ичкилик иқтисодий жиноятми ёки маънавий?

Оила бюджети, норасида гўдак ва оқила уй бекаси ризқига хиёнат бўлган ичкилик ичишни оқлаб бўлармикин? Бир дўстимизга (синфдош) унинг зарарини тушунтирсак у “ичмасам тура олмайман”, “нега айнан сенлар менга насиҳат қилишларинг керак”,-деб саркашлик қилди.

Улфатчиликни, баъзилар, ичкилик билан боғлаб тушунадилар. Ичкилик ичишни эса бошқа миллатлардан бизга ўтиб қолган деб, важ-карсон тўқийдилар. Улфатчилик деганда маишатга берилиш эмас, балки яхшиликка

бошлаш, ё иқтисодий ё маънавий бир бирини ўзаро қувватлаш эмасми?. Бошига мушкуллик келганларга далда беришлик эмасми? Ёинки, яхшилар суҳбати эмасми? Улфатчиликда албатта, хазил мутоиба, аския бўлиши яхши ҳолат. Лекин улфатчилик кимнингдир камситиш ёки иқтисодий жихатдан қийналаётган дўстига (кўнглига ўзи билган-билмаган ҳолда) маънавий озор беришга айланмаслиги керак. Бу шундай суҳбат бўлсинки, яна одамлар бир бирларини излаб келишсин. Кўплаб гашт-гаштакларда, ёзда, салкин жойларда, дам олиш ҳолатларида, қимор ўйновчи давралар ҳам йўқ эмас. Бошланишида арзимаган пул тикиш билан бошланган қимор ўз домига катта бой беришларни ҳам тортади. Натижада ўз улфатлардан бирининг бўйнига катта маблағ “илиб” қўйилади. Оила, машиналар ва ҳатто ховли жойлар ҳам тикиб юборилган ҳолатларни эшитганмиз. Бунинг учун жинойт кодексида жазо белгиланган. У билан тегишли идоралар шуғулланади. Биз эса ўша “кўнгил очарлик” деб бошланган давра қандай маънавий зарар келтираётганини эслатмоқчимиз, ҳалос. Оила бузилади, ховли жойлар бой берилади, болалар ночор ахволда қолади. Қимор ўйновчи эса барча иллатни шайтонга юклайди, адашдим дейди. Аслида ақл устуворлиги, харомдан жирканиш, гуноҳ ишдан юз ўгириш, яратгандан қўрқиш бўлганида эди, ўша инсон юқорида зикр этилган иллатли ҳолатга тушиб қолмаган бўлар эди.

Ахлоқнинг гултожи бўлган Қуръони Карим бу ҳақда шундай дейди: “Эй, иймон келтирганлар! Албатта май (маст қилувчи ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтонни ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз”. “Шайтон май билан қимор (ёрдами)да ўрталарингизга адоват ва нафрат солишни ва сизларни Аллоҳнинг зикри ҳамда намоздан қайтаришни хоҳлайди. Бас, энди, сизлар (май ичишдан қайтишдан тийилувчимисиз?). Бу нарсалардан четланингиз, тоинки, нажотга эришсаларингиз. Шайтон ароқ ва қимор орқали сизларнинг орангизга адоват ва нафрат солмоқчи бўлади ва яна сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсмоқчи бўлади. (Моида, 90-91) Ўша икки бузуқ нарсадан қайтарилмоқда. Шу икки нарсадан фасодлар ва

ёмонликлар хосил бўлади. Инсон охирати яхши бўлишидан умидвор бўлса, ана шу жирканчликлардан хазар қилиши яхшидир. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам унинг мулки бўлган зот одамлар иймонини, эътиқодини синаш учун ёмонликларни инсон қаршисида пайдо қилди. Ўша икки жирканчликка яқин бўлишлик икки дунёнинг омадсизлиги, мувоффақиятсизлигига сабаб бўлади. Ароқ ва қимор яхшиликлардан, савоблардан тўсувчидир. Шундай ўлкалар борки, у ерда эркак-аёл, ўспирин учун ароқ, баб-баравар одатдаги истеъмол матоҳига айлантирилган. Оила муқаддас эмас. Тарбия ҳақида гап бору-амалда ҳеч нарса йўқ. Юртимизда чиройли ҳолат устивор экан, бунинг учун бизлар исломдан қарздормиз. Халқимиз менталитети, оқилона сиёсат, иймон эътиқодларимиз меваси бу! Ароқ ичувчи уятсиз ва сурбет бўлиб қолади. Виждон бундай одамда мудрайди. Жамият бундай инсонлардан азият чекади. Ароқхўр учун одоб – ахлоқ бир тийин, у уятни эсдан чиқаради, ёмонликлардан жирканмай кўяди. Ароқнинг касофати туфайли кўплаб оилалар бузилаётгани, зино ва оилавий жиноятлар юз бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Кўплаб тўпалон, ўғрилик, одам ўлдиришлар, бировнинг молига хиёнатлар ароқ туфайли юз бераяпти, десак хато қилмаган бўламиз. Энг ёмони ароқ инсонни тангри зикридан ва ибодатидан тўсади. Ибодат ақлга боғлиқлигини ҳисобга олсак, ароқдан мастлик пайтида ақл ишламайди. Яъни ақлсиз одам ибодат қила олмайди. Аллоҳ шу боис вахий орқали ароқни харом қилди. Ичувчини эса аламли азоблар борлигидан огохлантирди.

Ичкилик ҳақида сўз... Аслида уни эслашнинг ўзи ҳам нохушлик келтиради. У кимни юксакка, маънавият поғонасига, одамлар мамнуниятчилигига кўтарди ёки сазовор қилди? Охирги соатларини яшаётган одамлардан қайси бири: мен зўр яшаб олдим, ароқдан қайтарувчиларни боқладим. Уни ичиб роҳат фароғатга эришдим, - деб айтган? Ривоят ва афсона, ҳикояларнинг қайси бирида ароқ мақталган? Қайси муқаддас китобу қайси пайғамбар ароқ ичишга буюрган? Расулulloҳдан ҳикоятда у зот: “қиёмат кунида ароқ ичувчи қабридан ўлаксадан ҳам сассикроқ бўлиб чиқади. Кўза унинг бўйнига осилган, кўлига пиёласи

боғланган, унинг бутун эти ва терисини орасини илон ва чаёнлар тўлдириб олган. Оловдан этик кийган ва бош мияси қайнаб турибди. Уни жасадини дўзах чуқурлигидан ҳам чуқур бир қабрдан топадилар. Дўзахда Фиръавн ва Хомонлар билан яқин бўлади”. Ароқ ичувчи кишининг бетлари қора ҳолатда келтирилади. Кўзлари кўкарган, тупуклари оққан, тили кўкрагигача тушган ҳолда туради. Унинг ҳидининг сассиқлигидан кимни олдидан ўтса жирканади. Ароқ ичканга салом берманглар, касал бўлса бориб кўрманглар. Ўлиб қолса жаноза ўқиманглар” [2,145-147].

Буддавийликда ҳам, христианликда ҳам бундай гап йўқ. Исломга тангри ана бундай муҳим вазифани юклади ва ислом учун бу шараф ва фахрдир. Чунки рухий тарбия ва иродани мустахкамловчи дин Исломдир. Шу боис “иннад дийна Индаллахил ислам” яъни Аллоҳ хузуридаги чин дин Исломдир, деб бу динга катта вазифа буюрилди. Энди қиморга ўтсак: Қимор ва ароқ эгизакка ўхшайди. Хар иккиси ҳам жаҳаннамни ваъда қилади. Иккиси ҳам барча фахш ишларни онасидир. Ютган ҳам, ютқазган ҳам бир хилда гуноҳкор бўлади. Қиморда ўз биродарини маблағи ва молини тортиб олади. Қарангки, қимор кўпинча пешона тери билан топилган маблағ ҳисобига ўйналади. Қийналиб пул топган ҳар ҳолда (агар адашиб кириб қолмаса) қимордан ўзини тийиши мумкин. Ҳатто катта маблағни бой берган одамлар, кўпинча енгил пул топувчи, ёинки бировнинг пулини ўзлаштириб олганлардан бўлади. Ўзини жонига қасд қилганлар ҳам борлиги тез-тез кулоққа чалиниб қолмоқда. Давлатимиз, ҳуқуқни химоя қилувчилар қиморбозларни орқасидан тутиб, уларни қўлга ҳам олмоқдалар. Баъзи ҳолларда қиморбозлар тинч жой қидирадилар. Тоғли қишлоқларда исломдан беҳабар ҳонадонлар уларга шароит яратиш беради ҳам. Шундай экан ҳаром нарсани нега одамлар барибир ўйнашни давом эттирмоқда? Мақсад содда ва гўл ёшларни қиморга тортиш ва бу учун наркотик моддалар истеъмолидан фойдаланиш ва жинойт устига жинойт усулини қўллашдир.

Гиёҳвандлик ва қимор ажралмас оғу бўлиб бутун башариятни ўйлантирмоқда. Бу офатларни зарари диний экстремизм ёки экологик

тангчиликдан кам эмас. Бу кетишда гиёхвандлик глобал муаммога ва жаҳонда инсон зурриётига хуруж қилувчи давоси йўқ балого айлананиши муқаррар.

Ўғрилик эса қадимий офат. Моддий етишмовчилик ўғриликни келтириб чиқаради, деювчилар ҳам йўқ эмас. Аслида у илоҳий ҳақиқатларни билмаслик ёки тангри маърифатига ишонмасликдан келиб чиқади. Ишсизликни ўғриликка сабаб қилиб кўрсатадиганлар тафаккур қилсалар яхши бўлар эди. Бир инсон учун нима етишмайди? Ҳалол йўл билан ҳозирги Ўзбекистонда миллионер бўлиш имконияти яратилган. Ҳалолликка нима етсин. Еган овқатинг ҳалолликда яхши хазм бўлади. Ҳаром йўл билан топилган пул доимий ҳадикда бўлишга, ўзига эса ҳеч нарса хазм бўлмаслигига сабаб бўлади. Катта ўғирлик қилувчилар, аср ўғриси деб ном олганлар. Ўғирликлар инсонга нима беради? Ахир Кўхинур олмоси қанча-қанча одамларни ёстиғини қуритгани тарихдан маълумку. Шуниси аниқки ўғирлик хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик, барибир харом ишдир.

ЧАҚИМЧИЛИК ВА АДОВАТ

Афсуски, одамлар орасини бузишда, ўч олишда чақимчиликдан фойдаланишади. Муборак динимизда одамлар орасида келишмовчилик ва жанжалларни келтириб чиқариш қаттиқ қораланган. Абу Лайс Самарқандий, Абу Хурайрадан ривоят қилади: Расулуллоҳ айтадики; “Аллоҳ наздида одамларнинг ёмони чақимчидир”. Яна бир ҳадисда “Чақимчи жаннатга кирмайди”- дейилган. Чақимчиликни бу даражада қораланишининг сабаби, у билан одамлар юз кўрмас бўлиб кетадилар. Ака-ука, опа-сингиллар орасига совуқлик тушади. Зеро банданинг гуноҳ ва камчиликларини тангри беркитади, банда эса уни биридан эшитиб, иккинчисига етказади. Натижада юқоридаги гуноҳ содир этилади. Яратган, одамлар ўзаро самимий, очиқ кўнгиллик, ўзаро меҳрибон бўлишларини, ўзаро бири-иккинчисига ёрдам қўлларини чўзишларини хоҳлайди. Инсонлар жамоасида тангрини ғазабини

келтирадиган ҳолатга ўрин бўлмаслиги керак. Чақимчилик туфайли ота-ўғил, ака-ука, қариндош уруғчиликка ҳам жиддий путур етади. Баъзан инсон фожеасига ҳам сабаб бўлади. Андижон вилояти архивида тадқиқот ўтказилаётганида 1930-йилга тегишли қатағон ва адолатсизлик юз берган воқеа хужжатига кўзимиз тушди. Андижон шаҳрининг Соё маҳалласида икки кўшни орасида арзимас низо бор эди. Иккинчи кўшни биринчисидан ўч олмоқчи бўлади. Биринчи кўшни иймон-эътиқодли, виждонли ва ҳалол инсон эди. Ҳасад гўй кўшни эса араб имлосидаги бир китобни топиб келиб кўшни девор оша биринчи ховлига ташлаб кўяди. Эртасига шаҳар НКВД (ички ишлар халқ комиссарлиги) бўлимига “фалон одам араб тилидаги диний китоб ўқимокда, ишонмасангиз, тинтув ўтазинг”, - деб мурожат этади. Ислом дини қаттиқ таъқиқланган йиллар эди. Ички ишлар ҳодимлари тинтувда китобни топиб оладилар. Ҳонадон эгаси қамокқа олиб кетилади ва отувга ҳукм қилинади. 2-3 кун ўтгандан сўнг ўша НКВД бўлимида араб ёзувини ўқишни биладиган ҳодим китоб билан қизиқиб қолади ва уни кўриш нияти борлигини айтади. Китоб кўрсатилди ва не кўз билан кўрсинки, у Карл Маркснинг “Коммунистик партия манифести” китоби бўлиб, унда шўролар идеологияси баён қилинган эди. Кирил ёзувини билмаган халққа коммунистик идеологияни тушунтириш учун китобни араб ёзувида чоп этилган эди. Чақимчилик ва душманлик бегуноҳ инсонни ёстиғини қуритди. Иккинчи жаҳон урушида, оммавий қирғин шароитида чақимчилик туфайли ҳалол инсонлар жабр кўрганлар. Шўролар даврида ОБХСС (социалистик мулкни талон-тарож қилувчиларга қарши курашиш бўлими) номли ташкилот бор эди. Бозорда ўз одамларидан бошқалар бирор нима сотмоқчи бўлса, улар ўз хуфялари орқали билиб олиб, уларни қўлга туширар эди. Уларнинг ўз одамлари хуфялик вазифасини ҳам бажарар эди. Қиш пайти Боғишамол бозоридан иш билан ўтиб кетаётсам икки ҳодим бошимдаги телпакка ёпишдилар ва мени бозор идорасида ўтирган рус аёли (кейинчалик, судья Самойлова деб айтишди)га рўбарў қилдилар. У эса ҳеч нарса сўрамади ва олдидаги қоғозга телпакни мусодара қилиш ва ўзимни эса “15 сутка”га деб

“қўлбола” ҳукм чиқарди. Яхшиямки шаҳар ИИБ бошлиғи Аблаходжаевнинг аралашуви билан мен у ердан чиқиб уйимга кетдим. Бозор фақат чақимчилик асосида фаолият юритаётган экан. Тарих китобларида чақимчилик туфайли икки буюк давлатлар уруш бошлаганига ҳам мисоллар кўп. Турк султони Йилдрим Боязид билан Амир Темур орасидаги жанг ҳозирги Чеченистон худудидаги дарада бўлиб ўтган эди. Соҳибқирон билан Боязид ўртасига хуфиялар “Сизни менсимаяпти, биз у ердан сизнинг хузурингизга қочиб келмоқдамиз”, “У сизни ёмон кўради, ҳар бир сўзида сизни сўкади”, каби ёлғон важ-карсонларни айтиб, адоват солдилар, Ниҳоят, Боязид Европага юриш бошлаш нияти билан йўлга чиққанда Соҳибқирон уни таъқиб этади ва жанг бўлиб ўтади. Боязид енгилди ва Темур ғалаба қозонди. Лекин, Боязиднинг мақсадларидан бири (тадқиқотчиларнинг фикрича) Ислом динини Европага олиб бориш ҳам эди. Кўз олдингизга келтиринг: иккала саркарда бирлашиб Европага динни етказганларида бугунги тахликаларнинг пайи қирқилган бўлармиди? Соҳибқирон “Темур тузуклари”да ўзини Муҳаммад (с.а.в.)дан кейинги исломни тарқатувчи саккизинчи подшоҳ, деб атаган.

Бири иккинчисига адовати бор қўшнилари, бир идорада ишловчи ходимлар, ҳаттоки, давлатлар ҳам борки, уларни қандай куч билан тўхтатиш мумкин? Адоватга жаҳидларнинг буюк вакили Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида алоҳида бўлим ажратган. Адоват бировга душманлик ёки хусумат қилиш бўлиб виждонни беҳузур қиладиган ёмон хулқлардандир - деб таъриф беради. Адоватли одам ўз азиз жонини аламлик азобга мубтало қилувчидир. Адоват билан оила бузилади, болалар етим қолади, чунки душманлик ақл ва билимли кишининг иши эмас. Ўз вақтида Суқрот: “мен ҳатто душманимга ҳам адоват қилмайман, зеро менинг адоватим душманимнинг хусуматини зиёда қилур. Мен адоватга қарши дўстлик ила муқобала қилиб хусуматимни муваддатга айлантириб, душманларимни ўзимга дўст қиламан” деган экан. Афлотун эса: “Дилдаги адоват темирдаги зангга ўхшар, Занг темирни егани каби адоват қалбни

азобга салади”, - деган. Уламолардан Авлоний “Ёмон хулқларнинг ёмони бўлган адоват шундай ёмон сифатдурки, барча бузуқ ишларни туғиб, катта бўлиб чиқадиган нарсадир. Адоват нафсониятдан пайдо бўлур. Нафсоният эса фаришталарнинг устози бўлган, Азозилга “шайтонур рожим” исмини берган шоёни ихтироз бир сифати замимадур. Адоват билан нафсоният иккиси тарбиясиз дилга хосил бўладурғон бир иллоти жисмониядурки бунинг биринчи иложи виждон ва инсоф узра ҳақимона тадбир ва ҳаракатимизга боғлиқдур. Ҳаммага очиқ ва ойдиндурки адоват дарахти хусумат мевасини чиқарур. Агар адоватни кесиб ташлаб ўрнига муҳол асат новдаси уланса ва бу сояда муҳаббат ва улфат меваси нишона қилур. [1,49] Расулulloҳ: Аллоҳ таолони суймаган одам хусумат ва давосинда қаттиқлик қилган одамдур ”,- деган экан.

Адоват балоси бизларни нетди,

Адоват қилма деб ҳақ бизга айтди,

Зидлик қилдик мол давлатлар кетди

Молдан ўтиб, охири жонларға етди [ўша жой]

Чақимчиликка келсак, уни илм тилида намимат дейилади. Саид Қатода (р.а.) айтди: Аллоҳ бандалари ичида энг ёмони таъначи, лаънатни кўп айтувчилар ва чақимчилардур”. “Қабр азоби сабаблари учта ҳисобланади: биринчиси ғийбатдан, иккинчиси либосга теккан сийдикдан, учунчиси чақимчиликдан”

Абу Лайс Самарқандий ёзади: Чақимчининг амали шайтоннинг амалидан зарарлироқдур. Чунки шайтоннинг амали ҳаёлан ва васваса билан бўлади. Чақимчиликнинг амали эса юзма-юз келиш ва кўриш билан бўлади. “Масад” сурасида тангри “Ҳамма латал Хатоб”, - деди. Тафсирчилар буни чақимчилик ҳақида айтилган, яъни уни ўтин деб номлади. Сабаб чақимчилик душманлик ва урушни келтириб чиқаради оловнинг, ёндирувчи нарсанинг ўрнидадур. Чақимчи, билгилки, сенга гап етказдими, демак сенинг гапингни ҳам бошқаларга етказди.

Мўътабар Каломи Шарифда: “(Эй, Муҳаммад!)” Хар қандай тубан касамхўрга (Валид ибн Мўғйрага) итоат этманг! (У) ғийбатчи, гап ташувчи, яхшилиқни маън этувчи (бахил), тажовузкор, гуноҳкор, ёлгон гувоҳлик берувчи, қўпол ва бенасаб, ҳароми кимсага итоат қилманг”! (Қалам, 10-12) дейилган.

Бир киши бошқа илмли уламодан етти ҳақиқатни эшитиш учун етти фарсах масофани босиб келди ва сўради: Менга осмондан ҳам оғирроқ нарсанинг, ердан ҳам кенгроқ нарсанинг, тошдан ҳам қаттиқроқ нарсанинг, аёздан ҳам совуқроқ нарсанинг, денгиздан чуқурроқ нарсанинг, етимликдан ҳам заифроқ нарсанинг хабарини бергин, - деди.

Жавоб: Покдамон кишига тўхмат қилишлик осмондан ҳам оғирроқдир. Ҳақ мулки ердан ҳам кенгроқдир. Қаноат қилувчи қалб денгиздан ҳам чуқурроқдир, бойроқдир. Жасаддаги хирс оловдан ҳам иссиқроқдир. Яқин қариндошига иши тушиб, ундан нажот топмаслик аёздан ҳам совуқроқдир. Кофирнинг қалби тошдан ҳам қаттиқроқдир. Чақимчилик, агар унинг эгаси тайин бўлса, етимдан ҳам заифдир. Шунингдек, чақимчилик ошкор бўлиб қолса чақимчига хорлик насиб этади[2,175].

Соҳобалардан Абдуллох ибн Умар ривоят қилган қудсий ҳадисда жаноби Ҳақ саккиз нафар инсон жаннат ҳидини ҳидлсамаслигидан одамларни огоҳлантирган. Улар: доимий ароқ ичувчи, зинокор, чақимчи, даюс, қурумсоқ ёки зикна, йўлтўсар, ўзини хотинга ўхшатган кимса, қариндошчиликни узувчи, ваъдасига вафо қилмаган кишилар.

Бир зиёфат пайтида мезбонга бир меҳмон мезбоннинг дўстини салбий сифатларини гапириб берди. Шунда мезбон, зиёфатни тўхтатинг, бекор қилинг, - деди. Меҳмонга деди: Сен учта жиноят қилдинг: биродаримни ёмонладинг, бўш қалбимга ғашлик олиб кирдинг, ўзинг чақимчига айландинг!

Абу Лайс Самарқандий Қаъб ул-Ахбор ривоят қилган ҳадисда Бани Исроил қабиласига қахатчилик келганини баён қилади: Мусо(а.с.) қабила билан бирга 3 марта худодан сув сўраб мурожат қилди. Лекин ёмғир ёғмади.

Шунда Мусо (а.с.) Аллоҳга мурожат этиб, сув берилмаганини сабабини сўради. Аллоҳ Мусога: Эй Мусо, сенинг қабилангга сув берилмайди, чунки қабила ичида чақимчи бор. У анчадан бери чақимчиликни давом эттирмоқда, деди. Мусо: Эй парвардигор, у ким ўзи? Биз уни қабиламиздан хайдаб солайлик, деди. Жаноби Ҳақ айтдики: яна ўзим чақимчилик қилайми? Яхшиси бутун қавм тавба қилсин, Бутун қавм тавба қилди. Кейин осмондан сув берилди.

Чақимчилик ёки Намимат тўғрисида Абдулло Авлоний қуйидаги эътиборли фикрларни билдиради: “Баъзи адоват ва ҳасадчи кишилар бировни шаънига унда йўқ сўзларни ифтиро ва бўҳтон қилиб, ул кишини кадр ва обрўсини тўкмак ва эътибордан туширмак ниятида ҳар кимга сўзлаб юрурлар. Мундай кишиларни шариятга шаҳодатлари мақбул эмасдур, ҳамда уйдирма сўзларининг ҳақиқати билиниб қолиб, бировга қазиган чуқурларига ўзи йиқилиб, халқ орасида чақимчилик исми ила ёд олинур, тезгина кадр ва эътибордан тушиб қолур. Қалби пок, виждони саломат, буюк инсон, бу каби хийла ва макрдан тилини тияр. Чунки мундай фасод ахлоққа мубтало бўлган арбоби нифоқ фақат халқ қошида эмас, жаноби Ҳақ назаринда ҳам суюмсиздир” [1,50].

Бировни ёмонламоқ, ёлғон сўзламоқ, ҳақиқатни беркитмоқ мудохана йўлига кетмак, шаръан харом бўлган, ғийбатни иртикоб қилмоқ бўладир [1,50]. Шундай қилиб чақимчилик ва адоват инсоннинг тубанликка судрайдиган иллат. Уни тарк этиш учун маънавий жасорат зарур. Гуноҳ ва савоб алифбосини ўрганмоқ билан бизлар ўша жасоратга эга бўламиз. Масалан, чекишни ташлаш учун кучли ирода керак бўлгани каби. Чақимчилик ва адоватдан ҳеч ким фойда кўрмаган. Интернет тармоғи ҳам баъзан адоват ва чақимчилик майдонига айланиб қолмоқда. Унга бирор бир давлатни обрўсизлантириш, бирор машхур шахсни обрўсизлантириш учун ёлғон маълумот киритишади. Бу эса сиёсий онги паст кишиларни гап ташувчига, чақимчилик қилишларига олиб келади. Юксак маънавиятли инсонлар эса бундай алдовни тезда сезиб оладилар ва ўша хабар йўлловчига

нисбатан нафратда бўладилар. Бировнинг ёлғонини рост деб айтиб юришдан чиппа-чин ёлғончи бўлган афзалдир.

ЁЛҒОНЧИЛИК ВА РОСТГҶЙЛИК

Ёлғон деб одамларни алдаб, нотўғри нарсани тўғри деб ишонтиришга ва шу билан ул одамга зарар етказишга айтилади. Ёлғон билан оилаларга ҳиёнат, ғам-ташвиш оқиб киради. Ёлғон аралашган тўйни тарқаб кетиш эҳтимоли бор. Ёлғон ишлатувчини охири ҳолига вой. Лекин, ёлғонни муқаддас Қуръони Карим қораласада, уч ҳолатда фикх илми рухсат беради. Икки дўстни яраштириш учун, бузилиб кетаётган оилани яна тиклаш учун ва касал инсонни касаллигини яшириб, яхши бўлиб кетиши ниятида ёлғон ишлатиш мумкин. Демак, охири эзгулик, яхшилик билан тугагини таъминланадиган ҳолатларда ёлғон ишлатилади. Урушда ҳам хийла, ёлғон ишлатишга рухсат бор. Луғат китобларида ростнинг тескарисига ёлғон дейилади. Арабларда эса “Кизб”. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф: “Ёлғон сўзда бўлиши билан бирга амалда ҳам бўлади. Бунда ёлғончи бўлмаган-бўлган қилиб кўрсатиш учун хийла қилади. Ёки аксинча бўлган нарсани бўлмаган қилиб кўрсатишга уринади... Ёлғон ишлатишга беш нарса сабаб бўлиши мумкин.[3,200]”

1. Фойдани кўзлаш (Молини йўқ сифатлари билан мактайти)
2. Зарарни даф қилиш (Ўзига етиши мумкин бўлган зарарни қайтариш учун ёлғон тўқийди)
3. Сўзини чиройли ва гапни гўзал чиқариш мақсадида ёлғон ишлатади. Баъзиларда ёлғон ишлатиш одат тусига ҳам кириб қолган. Ёлғон ишлатмаса турулмайди.
4. Душмандан ўч олиш учун ёлғон ишлатадилар.
5. Ёлғон билан обрўга эришмоқчи бўлиб ёлғон гап ишлатадилар. (судни чалғитиш учун ҳам ёлғон ишлатувчи бор)

Ислом таълимотида ёлгон қаттиқ қораланади. Ислом таълимотида номи чиққан саҳобалардан Абу Бакр Сиддиқнинг номига Сиддиқ қўшиб айтилиши ҳам уни ростгўйлиги, ёлгон гапирмаганлиги, ҳатто барча ислом ахлида “Абу Бакр Сиддиқ” айтдимиз, “демак у рост сўзлаяпти” деган сўзни тарқагани манбаларда зикр қилинган.

Ибн Маъсуд ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ: “Ўзларингизга тўғри сўзликни лозим топинглар, чунки у яхшиликка йўллайди. яхшилик эса жаннатга! Ёлгончиликдан сақланинглар! Чунки ёлгончилик фужур ишларга йўллайди, фужур эса жаҳаннамга”, деганлар [2,156]

Абдуллоҳ ибн Маъсуд (р.а) айтган: Сўзларнинг тўғриси- Аллоҳнинг каломи; гапнинг улуғроғи - Аллоҳни зикр қилиш; Кўрликнинг энг ёмони- қалб кўрлигидир. Пушаймоннинг энг ёмони қиёмат кунидаги пушаймондир. Бойликнинг энг яхшиси нафс ва қалб бойлигидир. Озуқанинг энг яхшиси тақводир. Ароқ гуноҳларнинг жам қилувчидир. Касбларнинг энг ёмони – судхўрлик касбидир. Хатоларнинг улуғроғи тилнинг ёлгончилигидир [2,161]

Тўғрилиқ, аслида комил инсоннинг зийнатидир, ёлгончилик эса инсонни бадбахтлиги аломатидир. “Ваз-зориёт” сурасининг ўнинчи-ўн биринчи оятида яратган зот ёлгончиларни лаънатлади ва ёмонлади: “(Ҳақ пайғамбарни “ёлгончи сеҳргар шоир”деювчи) ўша ёлгончиларга – (жаҳолат) гирдобида адашўлим-лаънат бўлғай” эсиб юрувчи бўлган кимсаларга ўлим-лаънат бўлғай”.

“Тавба” сураси 119 оятида “Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳдан кўрқингиз ва (иймонда) содиқ кишилар билан бирга бўлингиз!” – деди. Гапни мухтасар қилганда, инсон ростгўй бўлсагина унга нажот бор, чунки ростгўйлик ила тангри розилиги ва одамларнинг розилигига эга бўламиз. Бу икки розилик ортида, давлат ва қонун бирлиги олдида ҳам розилик ёруғ бўлади.Жамият қонунларини бузмаслик ҳам ростгўйликдир. Демак зикр қилинган икки розиликни менсимасдан ёлгоннинг ёлгон оҳанрабосига алданиб, ёлгон тўқиб ҳаёт кечириш аслида фожеадир.

“Нахл” сурасида: “Аллоҳнинг номидан ёлғон тўқиб, тилларингизга келган ёлғонни гапириб: “бу халол, бу харом” – деявермангиз! Чунки Оллоҳ шанига ёлғон тўқийдиган кимсалар сира натож томагайлар”. Ана ўшалар ўзлари ёлғончилардир”, - дейилган. Бу дегани савоб ва гуноҳни фарқига бормайдиган одамлар ёлғон тўқийди, деган: идир. Исломда фақат яхшилиқни кўзлаб одамлар орасини ислоҳ қилиш, урушда ғалаба қилиш, оилани сақлаб қолишда (болаларни ўйлаб) ёлғон ишлатишга рухсат берилди. Расулulloҳ: одамлар аразлашиб юрганларида яраштириш учун ёлғон ишлатган каззоб эмас, хайрни айтади ва хайрни етказди,- дедилар.

Уламолардан бири: одамлар орасидаги дўстлик, улфат, муҳаббатни ўғирлайдиганлар мол ва ашё ўғирларидан кўпроқ зиён етказувчилардур, деб айтган.

Пайғамбарларимизнинг ўсмирлик пайтлариданоқ уни “Аль-Амин” деб чақириш расм бўлган эди. Бу - итоатли Муҳаммад, ростгўй Муҳаммад, шижоатли Муҳаммад, деган маъноларни билдиради. Ростгўйлик барча пайғамбар ва валиulloҳларда бор бўлиб, ёлғончилик бошқа китобда, яъни ростгўйликка умуман тескари экан. Ростгўйлик туфайли олам яшнайти, уни соҳибига фаришталар тасбех айтади. Ёлғончига эса барча жанзот, фаришталар лаънат ўқийди. Расулulloҳ ёлғондан қайтарганлар.

Ўғирликни одат қилган кимсалар ўғирликка бирор нарса топмаса ўз молини ўғирлар экан. Шунга ўхшаб, каззоб ҳам ёлғон топилмай қолганда рост гапиради, - деган халқимизда гап бор. Ёлғондан қочинглар, ёлғон иймонни кеткизади (ҳадис). Ёлғон ҳеч қаерда, ҳеч қачон ютмайди, ютқазди.

ТИЛ ВА ДИЛ НОМУВОФИҚЛИГИ

Халқ орасида дилдаги тилга чиқади, деган гап бор. Тил, албатта, қалбимизнинг таржимони бўлиб, у орқали ташқи дунё билан мулоқот қиламиз. Тил аслида Навоий айтганидек “Инсонни айлади ҳайвондин жудо”. Аслида тил ва дил ўзаро мувофиқ бўлиши керак. Акс ҳолда инсон юзи шувут

бўлиб қолади. Фақат қалби қорайган инсоннигина тили бошқа ва дили бошқа бўлиши мумкин.

Ислом манбаларида тилга эҳтиёткорлик ҳақида пандлар кўп. Сабаби инсонни кўкларга кўтарадиган, маънавий юксалтирадиган ёки тубан кетказадиган ҳам тилдир. Тилда офат ҳам, саодат ҳам яширинган. Меҳмонни зоҳирига қараб кутиб олинади, ботинига қараб кузатилади, - деган ҳикматли гапда ҳам тилга бўлган ишора бор.

Абу Саид Худрий ривоят қилган: Расулуллоҳдан бир одам васият қилишликни илтимос қилди. У зот “Аллоҳга тақво қилгин. Жидду жаҳдни маҳкам тутгин. Ва Аллоҳнинг зикри ва Қуръон тиловатини қилгин. Яхшиликдан бошқасидан тилингни сақлагин”, - деди. Тилингни сақлагин дейилганда фақат эзгулик ёки яхшиликдан гапир, ғийбат ва иғводан ўзингни сақла, - дейилгани назарда тутилган. Ёки бўлмаса бир оз жим тургин, саломат бўласан, - деганидир. Чунки жим туришшлик билан инсон шайтон ҳамласидан омонда бўлади. Унинг васвасасидан қутулмоқ учун доим яратгандан паноҳ тилайди. Ким тилига эҳтиёткор бўлса Аллоҳ унинг уят ишларини беркитади ва эҳтиёт қилади. Ким ғазабини тангри учун ютса, тангри уни азобламайди. Яна бир ҳадисда (Абу Хурайрадан): “Киши мўминлигининг гўзаллиги бефойда сўзларни тарк қилишлигидир”.

Бир мажлисда йиғилганлар Луқмони Ҳакимга савол бердилар: Бундай улуғ мартабага қандай эришдингиз? У деди ; Тўғри сўзлик, омонатга содиқлик, бемаъни сўзларни гапирмаслик орқали шундай бўлди. Зеро инсон ўзи айтмаган сўзлардан пушаймон емайди. Балки айтган сўздан пушаймон ейди. Сўзламаган сўзга мен хўжайин, сўзлаган сўз эса менга хўжайин. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади, деган мақолларда ҳам ёмон сўзлар маъносиз сўзларни тарк этишлик вазифа қилиб қўйилмоқда. Ривоятларда айтилишича дили ва тили бир бўлишлилиги зоҳидларнинг амалларидандир. Уларда тилга эҳтиёткорлик елкага юклатилган. Расулуллоҳ: Эй одамлар жамоаси ўз ўзингизни ҳисоб-китоб қилинглари, ҳисоб китоб қилингунигизга қадар, - деган эдилар. Сабаби бу дунёнинг ҳисоб-китоби, охират ҳисоб

китобидан энгилдир. Охиратдаги пушаймонликдан дунёдаги пушаймонлик энгилдир. Исо (ас) дан ривоят: Ҳар бир сўзда, гапда Аллоҳнинг зикри бўлмаса, у бекордир. Ҳар қандай сукутда фикрлаш бўлмаса, у ғафлатдир. Ҳар қарашда ибрат бўлмаса, у беҳудадир. Расулulloҳ эса; “Беш нарса мунофиқда бўлмайди; динни билишлик, тил билан тақво қилишлик; юзида табассумлик, қалбида нур ва мўминларни яхши кўришлик” – деб огоҳлантирганлар.

Расули акрам (с.а.в)дан яна ривоят: “тилига эгалик қилган, уйдан ташқарига чиқмаган, ва ҳатосига йиғлаган киши қандай яхши”. Машхур саҳоба, Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг дўсти Абу Зарр Ғиффорий сўради: Эй Аллоҳнинг элчиси, Иброҳимнинг саҳифаларида нима бор? Ул зот деди: “Унда мисоллар ва ибратлар бордир, ақлига энгилмаган кишига тилини сақламоғи, замонни билмоғи ва ўз ишига юзланган бўлмоғи лозим, бўлади. Чунки ким сўзини амалидан ҳисоб қилса, фойда берадиган жойдан бошқасида сўзини камайтиради [2,217]. Инсоннинг жохиллиги нимадан билинади? Бизнингча дили ва тили бошқалигидан ташқари, қайсарлиги ҳам борки, у доимо панд беради. Унга маърифат, айниқса илоҳиёт маърифати ёқмайди. У доимо нега айни сен менга йўл йўриқ кўрсатишинг керак? - деб ўзини кўярга жой топа олмайди. Жохилнинг жаҳли ҳам тез тез чиқиб туради. Ўзини доимо осмонда тутди. Афсуски, айрим инсонлар бебаҳо ва бир марта берилган умрни жохиллик билан тамомлайди. Натижада ўз моҳияти, нега бу дунёга келганлигини сабабини, алал-оқибат нимани йўқотдию, нимани қўлга киритганини тушунмай дунёдан кўз юмади. Тўғри, ҳаёт бир марта берилади. Оқил инсон эса ўзини танийди ва ҳаётни туб илдизи-моҳиятини ҳис қилади. Охират учун захира таёрлаб улгуради. Солиҳ фарзандлар қолдиради. Ота-она ўз фарзандига гўзал тарбиядан-да қимматлироқ, мерос қолдира олмайди, - деган ҳадисга риоя қилиб яшайди. Асосийси, одамлар қалбидан жой олган бўлади. Савобларни кўп қилади ва уларни доимо кам деб ҳисоблайди.

Тилига эҳтиёткорлик, умрига ва ризқига эҳтиёткорлик эканини яхши билади. Унинг ҳаёт тарзи фикриллоҳда зикриллоҳда, шукруллоҳда бўлмоқликдир. Уламолар жохилликнинг белгиларини олтига деб таърифлайдилар.

1. Атрофдагиларга ғазабда, ҳаттоки, ҳайвонларга ҳам ғазаб қилиб яшайди.

2. Фойдасиз сўзларни кўп сўзлайди. Дунё ва охирада фойда берадиган сўзлар билан зарар қиладиган сўзларни фарқига ҳам бормайди.

3. Мол дунёсини нолойиқ жойга сарфлайди, бу сарф унга ҳеч қандай фойда бермайди.

4. Ҳар кимни олдида сирини очаверади; у ерда дўсти эшитяптими, душманими - фарқига бормайди. Дўст ва душманни ажрата олмаганидан душманидан зиёнлар оқиб келаверади

5. Асосий душман шайтон ва одам қиёфасидаги шайтонлар эканлигини тушунмайди. Охирада учун нима асқотадию, нима асқотмайди? Бу савол жохилни қизиқтирмайди.

Яна оқил киши учун ўз ишига қармоғи, замон аҳли билан мураса қилмоғи, фаржини ва тилини ҳаромдан сақламоғи керак бўлади. Ота боболаримиз ўз фарзандларига тўғри бўл, эгри бўлма, деб насиҳат қилганларида дил ва тил тўғри келишлигини ҳам назарда тутганлар. Уларнинг мос келмаслигидан тилёғламалик келиб чиқади. Бир одам иккинчи одамни аслида ёмон кўради, ёки ўзининг иш жойидаги бошлиғини ёмон кўради. Лекин бу ҳолатни билдирмаслик учун дилидагини яшириб, тилида нотўғри сўзлайди. Бошлиқни мақтайди, унга таъзим қилади. Тилёғламалик қилади. Пандавақи бошлиқ ёлғонга чув тушади. Тилёғлама инсон эса пайтни пойлайди. Нихоят, бошлиқ амалдан кетди шунда, тилёғлама инсон собиқ бошлиқ, обрўси устидан мағзава тўкишга ўтади.

Абу Лайс Самарқандий келтирган ривоятга кўра; инсон жасади уч бўлакдир. Бир бўлаги – қалби, иккинчиси – тили, учунчиси – азолари. Тангри ҳар бир бўлакни ўзининг фазли билан икром қилди. Қалбни ўзини

танишлик ва таҳвид билан сийлади. Тилни “Ла Илаҳа Иллаллоҳ” ва китобни тиловат қилишлик билан сийлади. Аъзоларини намоз, рўза тақво қилишлик билан сийлади. Ҳар бир бўлакка кузатувчи ва кўрикчини вакил қилди. Қалбини кузатиш ва сақлашни Аллоҳ ўзи бажарадиган бўлди. Тилга эса фаришталарни вакил қилди. Аъзоларига ўзининг буйруғларини ва қайтарувларини (яни Қурони Каримни) бошқарувчи қилди. Ҳар бир бўлакка вафо қилишликни буюрди. Қалбини вафоси иймонда собит бўлмоғи ва ҳасад, хиёнат ва макру ҳийла қилмаслиги; тилнинг вафоси – ғийбат қилмаслиги; Аъзоларининг вафоси, гуноҳ қилмаслиги ва бошқаларга зулум қилмаслиги. Ким қалбдан кетса - мунофиқдир, тилдан кетса – кофирдир, аъзоларидан кетса осий бўлади. Лукмони Ҳаким ҳақидаги ривоятлар ичида куйдагиларданда таъсирлигини топиш қийин; у киши аслида Эфиопиялик кул эди. Бир куни хўжайини буюрди; “Эй Гулом, бизнинг оиламизга манави кўйни сўйиб, энг мазали икки жойидан пишириб келтиргин, деди. Ул зот кўйни сўйиб, тили ва юрагини олиб келди. Бошқа бир куни яна буйруқ бўлди; Энди энг ёмон жойидан келтир, дейишди. Ул зот яна юраги ва тилини пишириб келтирди. Бунинг сабабини сўраганларида, жасадда бу икки аъзодан ширинроқ нарса йўқлигини, агар улар яхши бўлса!. Агар ёмон бўлса улардан ёмонроқ нарса йўқлигини айтди. Илк тасаввуф алломаларидан Хасан Басрий айтди: кимнинг сўзи кўпайса, хатоси кўпайибди, кимнинг моли кўпайса, унинг гуноҳи кўпаяди. Кимнинг хулқи ёмон бўлса азоби кўпаяди. Имомлардан бири; Ёмон тилнинг заҳарли сўзидан яраланганимдан кўра камон ўқидан яраланганим яхшироқдир.

Сабаби тилнинг отган ўқи асло хато кетмайди, камоннинг ўқи хато кетиши мумкин. Фақат битта жойга, тез тез давомли сўзни, узоқ сўзни такрорлашга руҳсат бор. Бу Аллоҳга зикр айтганда, зикрни эслаб, тилда кўпайтиришга руҳсат этилади.

ҲАЁ ВА ҲАЁСИЗЛИК, ИФФАТ

Ҳаё айбдан ва ёмонланишдан қўрқиб ўзини паст олиш ва ўзгаришдир. Шайх Журжоний таърифича ҳаё нафсинг бир нарсадан тортиниши ва маломатдан ҳазир бўлиб, уни тарк қилишидир. Ибн Ханбалийда эса ҳаё бир хулқки, гўзал нарсани қилишга, ёмон нарсани тарк этишга сабабчидир, деган фикр бор.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳаёни икки турга: касб қилинган ҳаё ва туғма ҳаёга бўлади. Касб ҳаёси шариатда иймоннинг шуъбаларидан ҳисобланади. Туғма ҳаё, аслида бор нарсадир. Касб қилинган ҳаёни киши ўзига яхши сингдирса, туғма ҳаё даражасига етиши мумкин [3,329] (2жилд).

Расул ақрам (с.а.в) туғма ҳаёда чачвоннинг ичидаги киздан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Араб олими Муновий эса икки хил ҳаё ҳақида гапириб, нафсоний ва иймоний ҳаёларга бўлган. Инсонни барча нафсларини назорат қилувчи ҳаё нафсонийдир. Иймоний ҳаё худодан қўрқиб ҳаромдан парҳез қилишдир.

Ҳаё одамларни ёмон йўлдан қайтарувчи ва яхшилиқ сари ундовчидир. Кимда у бўлмаса, уяти ҳам йўқ. Уяти йўқда эса иймон оқсайди. Ҳадиси кудсийда ҳақ Субханаху ва таоло: “менинг каломимни ўқиганларни дўзахга солишга ҳаё қиламан” – деб айтган.

Ҳаёнинг жойлашуви инсоннинг қалбида бўлади. Қалбнинг ҳаёт моддаси ҳаёдир. Гуноҳ устига гуноҳ қилиши инсондаги ҳаёни аста секин емира бошлайди. Ислом алломалари ҳаёни ўн хилга ажратганлар [3,330-331]

1. Жиноят ҳаёси. Инсоннинг бошқаларнинг жиноятидан уялиб ҳаё қилиши.

2. Нуқсон ҳаёси. Доимий ибодатда бўлувчи фаришталар ҳаёси мисолидир. Улар “Эй, Роббимиз! Сенга етарли ибодат қилмадик!” – дейишади.

3. Улуғлаш ҳаёси, яъни маърифат ҳаёси. Банданинг тангри ҳақида билган сари маърифати ортиб боргандаги ҳаёсидир.

4. Карамлилик ҳаёси. Меҳмон ёки кетиши аниқ қариндошларга кетинг, деб айта олмай ҳаё қилишлигидир.

5. Истиҳола ҳаёси. Жинсий ҳаёт икир-чикирларини бошқалардан сўрашга уялганидан қилинган ҳаёдир.

6. Ўзини паст санаш ҳаёси. Инсон ўзини паст санаб, яратгандан бирор нима сўрашдан ҳаё қилади. У зот гуноҳларини кўп санаб сўрашга уялади. Ёки Аллоҳни буюк санаб, ўзини ҳеч ким эмаслигини сезиб ҳаё қилади.

7. Муҳаббат ҳаёси. Илохий муҳаббатда кузатилувчи ҳаёдир. Севган одамини эслаган ҳаманоқ ундан уяла бошлайди.

8. Бандалик ҳаёси. Маъбуднинг кадри бундан-да юксак эканлигини билиб хижолатга тушгандаги ҳаёдир.

9. Иззат ва шараф ҳаёси. Улуғ зотга лойиқ сарф-ҳаражат ва эҳсон қила олмадим, деб уялиш ҳаёсидир.

10. Кишини ўз-ўзидан ҳаёси. Инсон ўзига ўзи нуқсонлиман деб қиладиган ҳаёсидир. Ўз нафсидан ўзи ҳаё қилади. Бу энг баркамол ҳаё ҳисобланади. Ўзидан ўзи ҳаё қилувчи, албатта бошқалардан ҳаёда бўлади.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг юкорида келтирган ҳаё турлари ҳар бир инсоннинг ҳаё қилишда бардавом бўлишга ундайди. Навоийда вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ деган ҳикмат бор:

Яъни:

Қила олгунча таъзим ва одоб биносин йиқма

Ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма !

Абдулла Авлоний эса: Ҳаё, номус имона далилдур. Ҳаёсиз доимо хору залилдур - дейди:

Яъна:

Иффатингни пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир...

Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг ифбат пардаси йиртилмас, дейди .

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадгу билиг” асарида:

“Шарм-ҳаё ҳамма ярамас ишлардан тияди.

Уятсизлик киши учун жуда ярамас иллатдир

Шарм-хаё-уят бирикса, бу севинч демакдир, яна бири софлик ва рост феъллик бўлар.

Икки оламда кишини бахтиёр қилади”, - дейилган [6,161]

Яна:

Уятли киши одамларнинг сарасидир,

Уятсиз киши кишиларнинг тубани.

Уятсизни тили тўғри сўз сўзламайди

Уятсиз кишидан йироқ, тур, йироқ.

Уятсизни кўзи қаттиқ бўлади.

Ор номуссиз кишилар юзи гўштсиз.

Ор номуссиз кишилар ўзи битмас мараздир.

Одамлар орасида етуги уятли кишидир, - дейди буюк мутафаккир.

Ҳазрати Навоий эса:

Карам ва мурувват ато ва анодурлар

Вафо-хаё икки ҳамзод фарзанд. [6,161] деган фикрни берган

Хусайн Кошифий, дейди: Агар орадан шарму-хаё кўтарилса ва киши кишидан уялмаса олам низомига ҳалал етади. Ҳадиси шарифда эса бу ҳақда: Ҳаё билан камсуҳанлик иймоннинг икки бўлагидир, - дейилган.

Ҳар бир мавзуда, ҳар бир масалада шарқ алломаларида жавоб бор. Хусусан ҳаё ва ҳаёсизликда ҳам маромига етган доно фикрларни ўқиймиз. Афсуски, ғарбча индивидуализм бу нарсага эътибор бермайди. Нотўғри турмуш тарзини танлаб у билан ҳамнафас бўлиб оламдан ўтиб кетмоқлик - фожеадир. Хўш тарбиянинг илдизи, ҳаё ва ҳаёсизликнинг илдизи каерда? Ғарбдами ёки Шарқда?

Машрабнинг икки катор байтига эътибор беринг:

Бошинг гардунга етса, бўлмагил зинхор хурсанд,

Ўзингни ҳар хасу хашакдек, эй банда, камтар тут!

Иффат ҳақида гап кетганда кўпчилик инсонлар у хотин-қизларда бўлади, деб ўйлайди. Ҳаёлик ва беҳаёлик аёлу-эркакка бирдай алоқадор бўлгани каби ҳаёнинг маҳсус кўриниши бўлган, иффат ҳам баб-баравар

хаммага таалуклидир. Расулulloх “хаё фақат яхшилик келтиради”, - деганлар. Демак, яхшилик келтирувчи хаё ҳақиқий хаёдир. Хаёнинг пайдо бўлишига сабаб нима? Хаё хато ва камчиликларни англаш, бизга берилган неъматларни яхши билишдир. Ислom олими Абдул Фидо Исмоил Ҳаравий: Хаё муҳаббат ила ўралган улуғлашдан туғилади - деб айтган. Ҳадиси шарифда - хаё иймоннинг олтмиш нечта шўъбаларидан биридир дейилган. Иймоннинг энг афзали “Калимаи тоййибани” айтиш бўлса, енгили йўлдаги озор берадиган нарсаларни олиб ташлашдир. Афзали ва енгили орасида “олтмиш ёки етмиш турдаги иймон” бор. Юқорида зикр этилган “рухий тарбия китобининг 2 чи жилдида Расулulloхнинг масжиддаги суҳбати пайтида, устига уч киши кириб келгани ҳақида хикоя килинган: Улардан икки киши давра устига келиб тўхтади. Учинчиси эса бурилиб чиқиб кетди. Иккисидан бири бўш жой топиб ўтирди. Икинчиси орқага бориб ўтирди. Набий (с.а.в) ибодатдан бўшагандан кейин деди: “улардан бири Аллоҳдан бошпана сўради ва унга бошпана берилди. Бошқаси эса хаё килди ва Аллоҳ ҳам ундан хаё килди. Яна бошқа бири юз ўтирди Аллоҳ ҳам ундан юз ўтирди, - дедилар.

Саҳобалардан бири Набий (с.а.в)га авратларини кимдан тўсиш ҳақида савол берди. У зот авратигни энг яқининг (ахли аёл) дан бошқасидан муҳофаза қил, - деди. Якка ўзимиз ҳол и бўлганимизда кимдан тўсамиз, деган саволга Расулulloх “одамлардан кўра Аллоҳдан хаё қилинмоғи ҳақлироғдир” - деб жавоб берди. Машхур саҳоба Абу Ҳурайрадан ривоят килинган ҳадисда Расулulloх: хаё – иймондандир, иймон жаннатдадир. Хаёсизлик жафодир, жафо дўзахдадир, дедилар[3,346].

Кези келганда маърифатни хуш кўрмай шу нарсаларни нима кераги бор, мен фалончиман-ку!. менга ҳамма инсонлар икки кўлини кўксига қўйиб турган холда, иши тушганларни сони беҳисоб, деювчилар ҳам топилади. Уларга нисбатан жавобимиз шуки, икки дунёда комилу мукаррам ва азизу мукаррам бўлишни хоҳламайсизми, дўстим? - деб айтгимиз келади. Хаёли одам ҳам ўзига барча яхши нарсаларни раво кўряптими, демак, бошқаларга

хам уларни илинади. Салмон Форсийдан ривоят килинган ҳадисда Расулуллоҳ: “Албатта Роббингиз ҳаёли ва кариймдир. Бандаси унга икки кўлини кўтарса, у зот уларни бўш қайтаришдан ҳаё қилади”, - дедилар. Ибн Аббос (р.а) ривоят қилади: Расулуллоҳ ҳар бир диннинг ўз хулқи бордир, исломнинг хулқи ҳаёдир, - дедилар.

Яна: “Фахш нимада бўлса, албатта, ўшани шарманда қилади. Ҳаё нимада бўлса албатта ўшани зийнатлайди”, - дедилар:

Яна бир маъно шуки, ҳаё инсон хилкатининг беазаги, у билан инсон янада гўзаллашади. Ҳаё Аллоҳ олдидаги ваъдадир яъни, бандалик ваъдаси. Шунинг учун ҳаёли одам худога ёқимлидир. Ваъда ҳақида шоирлардан бири ёзади:

Тутай десанг яхшилар йўлин
Ваъда қилсанг айлагин вафо!
Ваъда қарздир, ҳар инсон учун
Фарздир қарзни айламоқ адо!

КИБРЛАНИШ ВА ХОКИСОРЛИК

Кибр... Такаббурлик. Икки сўз ва бир хил маъно. Ким бу икки сўздан фойда кўрган ва қайси инсон ўша нарсалар билан қайси поғонага кўтарилди? Надоматлар бўлсинки кибр эгалари, ё келиб чиқиш шажарасини, ё кўлга киритган ҳалол ёки ҳаром бойлигини мартаба деб ҳисоблайди. Агар қодир Аллоҳни чин маънода танисак, бизда ҳаё бўлар эди, ҳаё иймонга боғланган, иймон эса хокисорликка туташган. Умр бўйи такводор мусулмон кибрланмайди, чунки унинг тақвоси қабул бўляптими ёки йўқми? Демак, ислом ва такаббурлик улар ҳеч қачон келиша олмайди.

Ахмад Югнакий: Кимда ким менман деб ўзини баланд тутса, уни на халқ, на тангри севади. Хақимлар айтади: кибр ва ғурурдан узоқ бўл, кибр кишини эл орасида хор, беқадру беътибор қилади.

Муиннидин Жувайний ўз байтида :

Кибрнинг либосини ечгил устингдан

Бир кун килмасин зор ила ҳайрон! – деган экан.

Хусайн Воиз Кошифий айтди: Такаббурга салом берма, саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга оғир туюлади. Кибр деб аталувчи сифатни ҳақни инкор этиш ва одамларни ўзидан анча пастда деб санаш, деса тўғри бўлади. Инсон ўзини осмонда ва ўз қадри кимматини бошқалардан устун кўйиш туфайли кибрга ўтиб қолади. “Хужжатул ислом” деб ном олган Ғаззолий кибрни бадбаҳтлик калити деб атайди. Шайх Муҳаммад Содик эса, “куфр ва маъсиятдан каттарок бало - офат йўқдир. Мазкур икки нарсага чақиришда қалб кўрлиги ва жаҳолат зулматидан бошқа нарса йўқдир”, - деб ёзди. [3(1), 358]

Шунингдек, ўша зот кибрнинг сабабларига батафсил тўхталган. Яъни етти хил сабабга кўра инсон кибрга бориб қолади. Сабаблар икки хил, диний ва дунёвий бўлади. Илм ва амал диний сабаб бўлса, насаб, жамол, қувват, мол-дунё тарафдори кўплиги кабилар дунёвий сабаблардир. Мана улар:

1) Илм ахлида ҳам такаббурлик касали учраб туради. Бундай кибр ахлининг билими ҳақиқий эмас, агар ҳақиқий бўлганида эди тавоъзули бўлиб ўзини ва тангрини яхши таниган бўлар эди. Яна бошқа сабаб илм эгаси нафси ёмон ва у туфайли бадхулклашган инсон бўлади. Илми унинг ҳаётини ўнгламагани учун ёмон сифатлар уни тарк этмаган бўлади .

2) Кибр сабабларидан ибодат ва амал туфайли келиб чиқувчи кибр бўлиб кўпроқ обид ва зоҳидларда учрайди. Одамлар факат уларни зиёрат қилишини даъво қилади яъни , хизматида бўлиши, улуғлашлари , уларни тўрига ўтказиб жой бўшатишларини , ҳар бир масалада уларни тилга олиб, мадх этиб туришларини хоҳлайдилар .

Ибодат ва амал сабаб кибрга бориш сабабларидан яна биттаси ўша обид ёки зоҳидлар бошқалар нотўғри йўлда ва албатта жазо оладилар, деган давода бўладилар .

3) Насаби юқори бўлган одам ҳатто илми ва амали юқори инсонга такаббурлик кўзи билан карайди. Пайғамбар (с.а.в) кишининг амали ортга

сурса, насаби олдинга сура олмайди, деганлар. Кишининг насаби эмас, амали тангри хузурида голибликка сабаб бўлади .

4) Кўпроқ ўз чиройи, чиммати билан ғурур ва кибрга бориб қолиш аёлларда кузатилади. Бошқалар чиройи камситилади, ғийбат қилинади. Бу ҳолда ҳам кибр ҳам ғийбат туфайли гуноҳ қилинади .

5) Моли билан, пули билан кибрланувчи одам исломдан узоқ кимсаларда кузатилади. Камбағалларни эса менсимайдилар. Ҳатто, менинг ақлим зўр, шу сабаб мен бойман, - дейди. Бу уларни имо ишора, сўз оханги гап сўзидан сезилади.

6) Ўз куч-қуввати билан билан “мен зўрман” - деб кибрга берилади Куч-қуватини ким берганлиги унутилади.

Суҳбатдоши ёки жисмонан заифроқ одамга дўк ҳам уради. Бу ўсмирлар, ёшлар орасида ўсиб етилаётган кибр бўлиб, катталарнинг этиборсизлиги туфайли илдиз отиши мумкин бўлган кибрдир .

7) Ўз тарафдорлари, шогирдлари, хизматчилари, кариндошлари, уруғ-аймоқлари, оила азолари билан кибрланадилар.

Кибр даражалари Ибн Кудома Макдисий қаламига мансуб эканлиги хабарини “руҳий тарбия” китобидан топиш мумкин. Ўз-ўзини тили билан мақтаб кибрланувчилар, насаби билан кибрланувчилар бор. Исломдан беҳабар инсонда баландпарвозликни, одамлар орасида пешкадамликни ўз ҳаққи камситилмаслигини тез-тез таъкидловчи инсонларнинг ҳислатларни кузатиш мумкин. Албатта, бунинг даъвоси камтарлик, хокисорлик. Энг аввало, инсон ўзини “бошқалар мандан аъло, улардан анча пастдаман”, - деб фикр юритиши маъқул ҳолат. Баъзан шундай бўладики, хурматга нолойиқ одамни билмасдан хурматини жойига кўясиз. Уни иззат-икром қиласиз. У эса талтайгандан талтаяди. Бундай ҳолатларда ўша кимсага яратгандан инсоф тилаган маъқул. Ким ҳақ , ким ноҳақлигини исботлашдан фойда йўқ . Кибр турлари ҳақида шайх ҳазратлари Аллоҳ таолога, Пайғамбарига, одамларга кибр қилишни ўз асарида баён қилган. Фиръавн, Намрудлар кибри Аллоҳ

таолога эди. Макка мушриклари Абу Жахл ва Абу Лаҳаблар “у ким бўпти” деб Расулуллоҳга кибр қилган эдилар .

Кибрни энг ёмони яратганнинг лаънатига олиб борувчисидир. Эсланг, Азозил исмли илми юксак фариштани, мутакаббирлик уни кофирга айлантди. Аллоҳ буюрган нарсаларни танъ олмайдиганлар мутакаббир кимсалардир. (Луқмон,18)

Хокисорлик кибрланишнинг зиди, яъни бошқа қутбдагиси бўлиб, тангри севадиган ҳолатдир. Чунки унда кибрдан асар ҳам йўқ, доимо ҳаёда, зикрда бўлади. Қуйидаги ҳадисни Хориса ибн Вахб (р.а) ривоят қилган бўлиб кибрланишни ҳам, хокисорликни ҳам ўз ичига олади: жаноби Пайғамбаримиз: Сизларга ахли жаннатнинг хабарини берайми? “Ҳар бир заифҳол саналган, лекин Аллоҳга қасам ичса, у зот, қасамини юзага чиқаради. Ахли дўзахни хабарини берайми? Ҳар бир қўпол саркаш ва мутакаббирдир”, - дедилар. (Имом Термизий)

Кибрдан ҳеч ким фойда кўрмагани каби синиқ, тавоъзулиликдан ва хокисорликдан ҳеч ким зарар кўрмайди. Кибр худонинг ғазабига етаклайди, кибр инсонни пасткашликка ва юзтубан кетишига сабаб бўлади. Кибр туфайли худодан ҳам, одамлардан ҳам узоқлашилади. Ниҳоят, кибр билан азоблар сотиб олинади, инсон ҳалокат томон силжийди. Кибр соҳиби тоат завқидан ва яратганнинг раҳматидан бенасиб қолади. Одамларни ўз ортидан эргаштириб юриш, ўзи ўтирган ҳолда мажлисда ҳонасидаги одамларни тик тургизиб кўйиш ҳам кибрнинг белгиларидандир. Али (к.в) ким дўзахини кўрмокчи бўлса, ўзи ўтириб олиб олдидаги одамларни тик тургизиб кўйган одамга назар солсин. Кеч қолган аввал келиб ўтирганларга, отдаги одам пиёдаларга, ёш одам ёши улугларга биринчи бўлиб салом бергани маъқул ҳолат. Лекин “салом бердик”, “привет”, “чао” каби миллатимизга ёт оҳангда салом бериш ҳам кибрга, ҳам беодобликка киради. Абдуллоҳ ибн Умар табиатан мубтало одамларга (мохов, пес, ҳидланувчи) дастурҳонидан жой берар эди. Бировни зиёфатига қастдан бормаслик, қимматбаҳо уловсиз

бормаслик, пойгакдан юқорига интилиш каби аломатлар кибрнинг кўринишларидир .

Нега хокисорликни аъло кўрганлар мутафаккирлар эдилар? Тўфон барча нарсани остин-устун қилиб ташлайди, иморат-дарахтларни бузиб улоқтиради, лекин юмшоқ майсага тегмайди .

Болта катта дарахтлардан, ўрмондан чўчимаydi, уларни уриб пачоқлайди, лекин майсага тегмайди. Гофур сурасининг 60-оятда “Албатта, менга ибодат қилишдан кибр-хаво қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаханнамга кирурлар [4 (1),275]. Пайгамбар (с.а.в): жаханнам аҳли: золимлар, такаббурлар ва мол йиғиб атрофдагиларга фойдаси тегмаган хасислардир. Жаннат аҳли эса камтарин, кам сукумлар ва мол мулкани жамият хайри учун сарфлаганлардир”. Ҳисоб-китоб кунида гўзал ахлоқлиларни Расулуллоҳ севади ва ёнига чорлайди, сафсатабоз, бемаъни, вайсақи, такаббурларни ёнига йўлатмайди.

Демак, такаббурлик инсонни у дунё ва бу дунёда хор қилади. Такаббурликни қандайдир бир инжиклик деб қараш ҳам мумкин. Инсон дунёга келди, яшамоқда ва унга ҳеч ким эътибор бермаяпти. У эса ўзини борлигини билдирмоқчи, яъни мен ҳам одамлар эътиборига тушай дейди. Ўз ўрнини топмоқчи ! Шунда у фалончи ким бўпти? Фистончини ўзи ким,- деб уларни яхши ва ёмонга ажрата бошлайди. Ўзини юқори олиб, ўзгаларни фақир санай бошлади, демак, у ҳаёт формуласи сифатида одамлардан ўзини устун кўя бошлади, яъни туғёнга, кибрга кетди. Эзгулик деб аталувчи илмни ўрганмади. Хокисорлик, камтарлик ё жисмонан, ё руҳан заифлик эмас. Қудратнинг ҳақиқийси унинг сифати бўлгани боис, бундай инсон ҳеч қачон мутлоқ зўравон бўла олмайди.

Инсондаги кибр канчалик катта бўлса , аклидаги камчилик ҳам шунга катта бўлади. Кибрлик одамнинг қилган эҳсони, ўқиган намози, гердаймоқлиги, мактанчоқлиги, ахлоксизлиги, хавои нафси унга ин қурган шайтон тузокларидир .

Муқаддас китобимизнинг Исро сураси 37-38 оятларида: “Ер юзида кибрланиб юрма! Чунки сен (оёқларинг билан) зинхор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан . Буларнинг барчаси Роббингиз наздида макруҳ бўлган гуноҳ(лар)дир - дейилган. Шайтон кибрга берилиб Одамни менсимагани учун тангри раҳматидан маҳрум этилганди.

Бир яхши оиланинг фарзанди гўзал хирқа кийиб, гердайганча кетаётган эди. Сўфийлардан бири унга деди: Эй, Аллоҳнинг бандаси бу қандай юриш? Бундай юришдан худо ҳам, унинг расули ҳам ғазабланади-ку? Шунда гердайган йигит мени танимаяпсанми?, - деган эди. Суфий: Ҳа, танийман. Бошида бир ифлос маний эдинг, кейин аҳлат йиғиндиси бўлдинг! Энди улар орасида аҳлат ташувчи ҳаммолсан , бошка нарса эмассан! Буни фикр этган йигит кибру-ҳавони бас қилди ва маҳзун бўлди, тавба қилишга ўтди. Имом Ғазолий ўзининг “қалблар кашфиёти” асарининг 1 жилд, 283-бетида қуйидаги байтни ёзади:

Бичимидан кибрланган кимсаларга ҳайронман:

Билмасмилар, бўлганларин маний деган айрондан

Бугун улар кўркамдирлар, гўзалдирлар, албатта!

Аммо эрта мурда бўлиб ётмасмилар лаҳадда?!

Бир дўстим бор амалга ўч, керилади қишу ёз,

Гуноҳлари олам-олам, савоблари жуда оз.

Ўта қайсар, парвонадай ўзин ҳар ён уради,

Кимни кўрса, салом бермай, гердайганча туради.

“Тенгим йўқ!” деб гердайганда, унга дедимки Ошна,

Кўтарилган жойларингда одоб сақла озгина!

“Эй такаббур, гердаймагил, буюклик хос Аллоҳга!

Биз лойданмиз, унутмагил, кўп-да ботма гуноҳга !

Кимки ўз миясига кибрни жойлабди, ташқаридан ўзига танбеҳ берган одамни душманам, деб ўйлайдиган бўлиб қолади. Мактаб партасида бирга ўқиган синфдошимни ёши 70-ни қоралаган бўлсада ичкилик ичишни бас қилмади. Бизлар бу ўта ёмон ҳолат, уйингда, набиранг олдида довдираб

кириб борсанг, улар сен билан фахрланади-ми? Қачон ўзинг, айнан ўзинг устидан ғалаба қиласан? Тарбия дегани бу ибратга асосланади, демак, сен ибратда кимсан? – деганимизда “Сенлар, нега айнан сенлар, менга насиҳат қилишинг керак?” – деб саркашлик қилмоқда. Айб дўстимиз юрагига ин курган кибрда эканлигини ҳис қиламиз. Шунинг учун айтадилар, кибр инсонни кўзини кўр қилиб қўяди. Камтарлик ва хокисорлик эса бандасига ҳам, унинг ўзига ҳам (Аллоҳга) суюқлидир. Яхши сифатларимиз билан фахрланишга ҳам лойиқ эмасмиз. Сабаби яратилишимизнинг хокисор лойданлиги бизни хокисорликка ундайди. Уни сезиб ва унутмай яшамок қандай яхши! Самимий бўлмоқ қандай яхши! Бошқалар албатта мендан аъло, мендан устун деган ҳолат қалбимиз тўрисида кетмасин.

РИЁКОРЛИК ВА РИЁСИЗЛИК

Риё қалб ҳасталиклардан биридир. Ҳаёсизлик ҳам шундай. Риё кўз билан кўриш, назар солиш маъноларни билдиради. Иморатни баланд куришади, кўшним кўриб кўйсин, - дейишади Ёки тўйни шундай қилайки, кўрган душманларим куйиб ўлсин;- дейишади. Яхшилик қилган одам савобга эга бўлади, лекин, бошқалар кўрсин деса савоб гуноҳга алмашади. Аслида яхшилик қилиш учун ҳолис ният ва ихлос бўлгани маъқул. Саҳобалардан Ибн Хажар Асқалоний “Риё одамлар кўриб, эгасини мақташлари учун ибодатни изҳор қилишдир”, - деган эди

Баъзи уламолар, риё маҳфий ширкдир деб баҳо берганлар. Риё ҳақида дастлабки маълумотни олган ўқувчимиз, риё унчалик хавfli эмас экан, одамлар кўрсин, деса буни нимаси ёмон - деган ҳаёлга бориши мумкин. Чуқурроқ мушоҳада қилсак, риёга алданиб қолиш хавфи ҳам борлиги келиб чиқади. Намоз ўқийдию лекин фитнадан, кибрдан, ғийбатдан, ҳаромдан ўзини тиймайди. У риёкор ёки мунофиқ. Намозни Аллоҳ ризолиги учун ўқимаяпти, мени намозхон, - деб ўйлашлари учун ўқияпти, маҳалла аҳли масжидда, улардан қолмай, масжидда мени ҳам одамлар кўрсин, - деди.

Ширк ҳам риё, яъни Одамлар Аллоҳ қолиб тошга, хайкалга, дарахтга булоққа, туморга сифиняпти. Яъни, Аллоҳни юқорида саналган нарсаларга алмаштиряпти. Муслимлик ва куфр икки кутб бўлса, риёкор биринчи кутбга ўтиб мен ҳам сизлар билан биргаман, - дейди. Кейин иккинчи кутбга ўтиб ўша гапни такрорлайди. Иккала кутбни ҳам алдаяпти. Солиҳ амали билан худо розилиги учун амал қилинса, бажарса у риёдан ҳоли. Риёдан узоқ, мусулмон камтар, хокисор мулойим, тўғри, адолатли, доимо савобларим кам деб умрини ҳадикда ўтказувчи инсондир. Катта йиғинларда илмий даража, мансабни эълон қилиш ҳам, ўзини одамлар олдида саҳий кўрсатиш ҳам риёдир. Керак бўлса одамлар усиз ҳам ўша инсонни бошларига кўтаради. Албатта, у одамлар қалбидан жой ола билса. Ушбу риёда эълон қилувчи ёки тилёглама одам ўзини эълон қилиш билан обрў олмоқчи бўлади.

Молни садақа қилишда ҳам баъзан риё аралашиб қолади. Садақа маҳфий, садақа қилувчи кимлигини фақат Аллоҳ билса бўлди ва унинг розилиги учун қилинади. Садақа билан ўзини саҳий кўрсатувчилар ҳам йўқ эмас.

Ҳаж арконларини бажариб қайтганларнинг ҳаммасини ҳам хажини, ибодатини Аллоҳ қабул қилдимикан? Ҳажни қандайдир мартаба учун эмас, балки худо буюргани учун қилинса дурустдир. Маҳалла маросимларида тўрга чиқиш ёки исмига кўшиб фалончи ҳожи ака дейилиши учун ҳаж қилган инсон риёкордир.

Шарқ алломаларидан Жалолиддин Румий ҳаж масаласида бир ҳикоя келтиради: Бир мўътабар зот ҳажга бориш учун маблағ тўплади. Жўнаб кетиш куни ҳам аниқ, бўлди. Бир куни унинг кичкина ўғилчаси кўшнисиникидан йиғлаб чиқди. Ота ундан йиғлаш сабабини сўради. У эса анавилар гўшт еяётган эканлар, менга бермади - деб айтди. Ота ўғлини етаклаб кўшнининг ҳовлисига кирди. Ўз болаларини дастурҳон атрофига олиб ўтирган аёлга қарата: қўшни, бола экан-да унинг гўшт егиси келибди, сиз эса бермабсиз; Агар берганингизда мен сизга қўй сўйиб берган бўлар эдим. Аёл эса кўзларига ёш олиб деди: гўшздан сизларга бериб бўлмас эди.

Бир хафтадан бери болаларим туз тотмади. Хаммалари очлигидан силласи курий бошлади. Шунда, худойим бирор нарсани учратарсан, деб шаҳарга чиқиб кетдим. Кўп вақт ҳеч нарса топилмади. Ниҳоят, бир жойда от ўлиб ётган экан. Аллоҳ буни менга бекорга учратмади, бошқаларга ҳаром, менинг болаларимга ҳалол. Ўлган отдан бир парча кесиб олдим. Болаларга қовуриб бердим. Шу вақт ўғилчангиз кириб қолди. Ҳаром ўлган отни гўштини бера олмадим. Аёлнинг аянчли аҳволини кўрган қўшни қаттиқ таъсирланди: ён қўшним шу аҳволда бўлсаю, мен ҳажга борсам. Йўқ, бу инсофдан эмас, - деди. Шошманг қўшнижон деб ўз уйидан ҳаж учун йиғиб қўйган пулни олиб чиқиб қўшни аёлнинг қўлига тутқазди ва атрофида айланиб талбия айта бошлади: лаббайка Аллоҳумма лаббайк.... Қўшнижон, шу маблағни болангиз билан ишлатинг, деди.

Бир муддат ўтди. Ҳажга кетганлар аста ўз уйларига қайта бошладилар. Кўчага чиқиб кузатиб турган, ҳажга бора олмаган инсонни ҳожилар сўроққа тутдилар. Эй фалончи, сиз қачон уйга қайта қолдингиз, намуноча тез етиб келдингиз, каъба атрофида таъвоб қилаётганингизни кўрдим. Чақирсам жавоб бермадингиз, арафотда ҳам кўрдик, жамаротда тош отганда ҳам сизни узоқдан кўрдик! Саҳий инсоннинг ҳажи қабул бўлган эди .

Мухтарам ўқувчи, шундай қилиб риёкор гуноҳга ботар экан. Амални худо йўлида ситқидилдан бажарган инсонлар эса нажот топгувчилар экан.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: дўзахдаги бир водий бўлган “жуббул хазан” деб аталувчи маскан амаллари ила риё қилувчи қорилар учун таёрлаб қўйилганлиги баён қилинади. [3(1), 328]

Шайх Муҳаммад Содиқ, риёнинг бешта тури ҳақида ёзади:

1) Бадан ила риё қилиш. Ўзидан озгинлик ва саргайишни дин йўлидаги хизмат деб одамларга тушунтиради. Дунё аҳли (айниқса хотинлар) ўз қомати, ранги тозаллиги, юзини гўзаллиги, баданини оппоқ, ва ёкимлилиги билан риё қилади. Баданни кўз-кўз қилувчи алоҳида машқ тури ҳам ўйлаб топилган.

2) Ташқи кўриниши ва кийим. Ўзининг хушбичимлигига, кийим ярашадиган қомат устидан сочни тўзитади. Қўпол кийим кийиш ҳам кийимни покламаслик орқали риёга ўтиб қолади.

3) Ваъз ва иршодда, илмни мақташ, асарлар, байтларни ёдлаш билан, ҳикматли нутқ билан риёга йўл кўйилади. Одамлар тўпланган жойда лабини кимирлатиб зикр қилиш, безарурат амри-маъруф ва нахи мункар қилиш орқали риё қилинади. Иш кунларнинг бирида ўқитувчининг вафоти ва дафн муносабати билан одамлар қабристонга йиғилдилар. Айтиладиган гаплар, маросимлар тугаганига қарамай ҳеч қандай руҳсат олмаган бошқа бир ўқитувчи амри-маъруф қила бошлади. Одамларга эса бемаврид маъруза оғирроқ туюлди, чунки ҳамма ўз ишига қайтиб боришлари керак эди. Бу ҳам риёдир.

4) Амал билан ҳосил бўлувчи риё. Масалан намозхоннинг руку ва саждани узоқ қилиши орқали риё қиланади. Бир мударис иккинчи мударисни дарсига кирди ва кўпчилик олдида ўзини доно ва билимли қилиб кўрсатиб, танқидга ўтди.

5) Дўстлар ва зиёратчилар кўплигини айтиб риё қилиш. Бир вагонда икки ректор ва мен Тошкентга хизмат сафарига жўнадик. Улардан бири ўзи ёзган шеърни мажбуран ўқиб берди ва фикримни сўради. Мен эса ёқмаганини айтдим. У одам эса шахсан Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов билан таниш, ўртоқлигини айтди. Мен эса ҳазил аралаш “Мен Навоий билан дўстман (асарларини ўқиганман)” лекин ундаги даҳолик менга ҳеч юқмаяпти, қобилият юқумли касаллик эмас, - дедим. Айрим инсонлар, баъзан фалон олимни ёки шоирни ўз уйига меҳмонга олиб келадида, у билан мақтаниб юради.

Риё ҳаромми, макруҳми ёки мубоҳми !

1. Ибодатлардаги риё ҳаромдир. Риёкор эса гуноҳкордир.

2. Риё мол талабида бўлса ҳаром эмас, савдогар ўз молини чиройли реклама, чиройли қадоқлаш, замонавий кўриниш бериб бозорда мақташи мумкин, инсон ўзи мухтож бўлган молни талабида юрса, мақтовга эришиши

гуноҳ эмас, инсон баланд обрўга эга бўлди ёки обрў олиш йўлида мол дунё сарфлади. Халқ учун бино куриб берди. Унга нисбатан риё сўзи ишлатилиши мумкиндек, чунки ўзини мартабасини кўтармокчи. Лекин унинг мартабаси халққа яхшилик сари сарфланган мол дунё бўлгани учун ва Аллоҳни ҳам хурсанд қилгани боис ижобий ҳолат ва ижобий баҳоланади.

3. Чиройли кийинишни икки хил баҳолаш ҳам мумкин. Ўзини кўз кўз қилиш яъни чиройли либос билан одамларга гўзаллик улашиш уларда ҳам ҳавас уйғотиш ижобийдир. Агар мақсад кимнидир дилини вайрон қилиш учун чиройли кийинилса, риё бўлади. Чиройли кийиниш туфайли одамларга маданият, гўзаллик ҳадея этиш эса тангрини хурсанд қилади. Сабаб, Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради, Имоми Азъам доимо чиройли кийиниб юрганлар. Сабабини сўралганда илмли киши қандай бўлишини шундай кийиниш билан кўрсатмокчи бўлдим токи одамлар илмга интилсинлар дедим, деб айтган. Бу ерда мақсад воситани оқлайди, деган тамоил жуда қўл келади. У кишининг иморати ҳам чиройли қурилган экан. Имоми Азъам эса мени қидираётган одам уни қийналмай топиши учун шундай қилдим деб жавоб берган. Бу ҳолат Аллоҳни ҳам рози қилади.

Шайх Муҳаммад Содиқ ошкора ва маҳфий риё сифатлари ҳақида фикр берган. Ўз амалини одамлар кўриши учун қилса ошкора риё бўлади. Маҳфий риё эса кўпинча зимдан амалга ошгани боис фақат аломатини билишимиз мумкин. Масалан, одамлар унинг тоати-ибодатидан хабар топса, ўша одамнинг хурсанд бўлишидир. Бундан ўша одам ҳузур топади. Одамлар мени шундай деб билсин, деб қилинган риё ва ундан роҳатланиш, тангри розилиги қолиб, одамлар эшитсин, кўрсин, деб бажарилляпти.

Риёнинг сабабчиси обрў ва мартаба илинжидир. Табиатан комиллик ҳаммага ҳам берилавермайди. Демак, ноқислик деярли ҳаммага хос, табиатан уларда обрў ва мартабага интилиш бор. Ҳеч ким ўзини мен ундайроқман, демайди. Бу эса ўзликни билмасликдир. Агар ҳамма ҳам ўзини таниганда эди, риёга жой қолмас эди. Ўзликни танимоқлик Имом Ғаззолий таъбирича ҳақни таънимокликнинг калитидир. Одамлар менга ҳавас қилсин, деган

муаммони асли илм орқали ҳал қилинади. Лекин илмга ҳамманинг ҳам тиши ўтмайди. Натижада, инсон ҳар бир саъи ҳаракатида обрў ва мартабани қўлга киритишни кўзлайдиган бўлиб қолади. Саъи-ҳаракати тангри ризолиги бўлган инсонлар бундан мустаснодир. Риёнинг охиратда зарарини билган инсон риёдан воз кечади. Яна риёнинг илдизларидан бири риё тўғрисида умуман тасаввури йўқ одам риёга қўл урадию, лекин қилаётган иши риё эканлигини билмайди. Ўзича, мен тўғри йўлдаман, дейди. Риёнинг яна бир сабабчиси таъмагирлик. Ўзида йўқ нарсани бор бўлишини жуда хоҳлайди ва ўзини одамларга бошқача кўрсатмоқчи бўлади. Таъмагирлик йўлида риёкорлик қилаётганда худонинг ўзигина ризқ берувчи эканлигини ўйлаб кўрсин. Қуръони Каримда Аллоҳ ўз неъматини фақат ўзи хоҳлаган инсонларга мўл-кўл қилиб берур, деган мазмундаги оят бор. Бошқа бир банданинг давлатини қўлга киритган одамнинг бир кун келиб хору зор бўлиши турган гап. Риёдан қутилишнинг бир йўли ибодатни маҳфий қилишдир. Яъни, диний амалларингиз ҳақида ҳеч кимга айтманг. Ахир, ибодат ҳолис Аллоҳ учун бажариладику! Демак сизни уни бошқаларга билдириш истаги борми, у ҳолда сизда риёга рағбат бор. Ўша рағбатни йўқотиш учун Аллоҳни эслаш, азоби қаттиқлигини эслаш, ошкора ибодатдан маҳфий ибодат афзаллигини эслаш керак бўлади. Одамлар билдию, билмади нима? Ибодат бошида ҳолис Аллоҳ учун дедингизку! Риё учун ибодат қилинмайди. Агар у керак бўлганида эди “ҳолис одамлар билсин учун” - деб деб ният, қилган бўлар эдингиз. Ибодатни маҳфий қилиш бошида қийин бўлади гўёки сизнинг ибодатингиз билан ҳеч кимни иши йўқдай туюлади. Кейин, якка ёлғиз ибодат орқали худо билан мулоқот қиласиз. Кундалик ҳаётингизда ҳам яхшиликлар кўпаяди. Дилингиз равшан тортади. Мақтовни ўта ёқтирадиган шахс бўлсангиз нафсингизга - риё офати, ўзингизга тангри ғазаби борлигини эсланг! Шунда риё рағбати сўнади. Юқоридагилар билан қалбимиздаги риёни томири билан суғуриб ташлаймиз, иншаоллоҳ.

ҲАСАД ГҲЙЛИК ВА ИЧИҚОРАЛИК

Ҳасад деб ўзида йўқ, лекин дўсти, таниши, қариндошларида бор нарсани кўра олмасликка айтилади. Инсон билимни охират учун эгаллаган бўлса ҳасад қилмайди. Агар мол-дунё учун эгаллаган бўлса ҳасад қилади. Аллоҳ таоло Расул акрам (с.а.в.)га пайғамбарликни юборди. Шунда яҳудийларга қарата “Ёки (улар) Аллоҳ ўз фазлидан берган неъматлари учун одамларга ҳасад қилишадими?” - деди (Нисо,54). Ҳасаддан ёмонроқ нарса фақат ширкдир. Ҳасад қилинган кишини гуноҳи камаяди, қилувчини эса кўпаяди. Ҳасад, уламолар этирофича, инсонга бешта азобни олиб келади.

1. Ҳасад қилувчини ташвиши кундан кунга ортиб боради.
2. Мушибатлар кўпайиб, савоблари эса камаяди.
3. Ҳасад қилувчи бошига ёмонликлар ёғилади.
4. Ҳасад гўй Аллоҳнинг ғазабига учрайди.
5. Унга тангри ҳам одамлар ҳам яхшилик қилишни бас қилади.

Ҳасад бойлараро тарқалишидан, илмлилар орасида кўпроқ тарқалгани билан аҳамият касб этади. Қобил ўз укаси Хобилни ҳасад туфайли ўлдирди. Бировнинг мавқеи, мол-дунёси, илмига ҳасад қилувчи Аллоҳнинг душманидир. Чунки у Аллоҳнинг ўз фазлидан ўша одамга берган нарсасига ҳасад қилди, ичиқоралик қилди. Абу Хурайра Пайғамбар (с.а.в) дан ривоят қилади: “қиёмат куни олти тоифа киши олти нарсадан ҳисоб қилинмасдан дўзахга киради:

1. Амирлар, жабр зулмлари учун;
2. Мутаъсибликни касб қилиб олганлар;
3. Бошлиқлар, кибрлари туфайли;
4. Савдогарлар, хиёнатлари туфайли;
5. Илм эгалари, ҳасадлари туфайли;
6. Дунё талабида бўлган уламолар

Баъзи хакимлар айтган экан; “ҳасаддан сақланинглар, чунки ҳасад осмонда худога осий бўлишга сабаб гуноҳдир, ерда ҳам биринчи осийлик сабабчисидир. Ҳасаднинг бошланиши шайтондан (Азозил) бошланди ва у одамга ҳасад қилди, гуноҳкорлардан бўлди. Ерда эса Қобил тангрига осий бўлди. Саҳоба Ахнаф ибн Қайсни сўзини Абу Лайс Самарқандий келтирган: “ҳасад қилувчиларда роҳат йўқдир. Бахилларда вафо йўқ, чидамсизларда чин дўст йўқ. Ёлғончида мардлик йўқ, хиёнатчида соғлом фикр йўқ, хулқи бузукда бошлиқлик йўқ. Уч кишининг дуолари қабул бўлмайди:

а) ҳаром еювчи:

б) ғийбат қилувчи :

в) одамларга адовати ва ҳасадни бор киши”

Абу Лайс Самарқандий ўзининг аввал биз келтирган китобида саҳоба Солимдан ривоят қилади: Расулulloҳ икки ҳолатдан қилинган ҳасадни яхши ҳасад дедилар; бир кишига Аллоҳ Қуръони каримни берган бўлса, уни кеча кундуз ўқиб турган бўлса ва яна Аллоҳ унга дунё берган бўлса ва у киши ўз бойлигидан кеча кундуз инфоқ (садақа) қилиб турган бўлса [2,182] биринчи инсонни кўриб, мен ҳам қанийди, шундай Қуръонни тинмай ўқисам, деб ҳасад қилсин. Иккинчисини кўриб, менда ҳам дунё бўлса тинмай садақа қилиб турар эдим деб ҳасад қилса –яхшилиқдир. Нисо сурасининг 32-ояти: “Аллоҳ бирингизни-бирингиздан бирор неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасадгўйлик билан) орзу қилманг!”, - дейди. Яхши одам ҳасад ўрнига ҳавас қилгувчи бўлади. Насиҳат қилувчи одам эса Аллоҳ берганга рози бўлади. Ҳасад қилувчи яратганнинг ҳукмига қарши турувчидир. Боз устига, қарши тургани билан қўлидан нима ҳам келар эди? Ҳатто, диннинг насиҳат эканлигини баён қилган ҳадис мавжуд, демак, мусулмон ҳеч қачон ҳасад қилмайди. У ўзининг ҳозирги ҳолатини худони продаси маҳсули деб билади.

Анас ибн Молик: “Мен пайғамбар хузурида саккиз ёшимдан хизмат қилдим. Менга бошида биринчи ўргатилган нарса, намозни тўлиқ адо қилиш сирлари эди. Охирида: Ё Анас агар уйингга кирсанг салом бергин оилангга,

уйингни баракаси кўпаяди. Агар кўчада бўлсанг, ҳар бир мусулмонга салом бергин. Шунда иймон тотти қалбингга киради. Ё Анас! Мусулмон кишининг биронтасига қалбингда душманлик бўлмасин. Албатта, бу менинг суннатим ва ким суннатимни ушласа мени яхши кўрипти ва ким мени яхши кўрса, у мен билан жаннатда бирга бўлади. Ё Анас! Агар айтилган гўзал ахлоқ қа амал қилсанг сенга ўлимдан яхшироқ нарса бўлмайди. Албатта унда роҳатда бўлишинг бордир,- дедилар” [2,184]. Яъни, хурматли суҳбатдош қалбдан ҳасад ва адоватни чиқармоқлик амалларнинг энг яхшисидир. Яна Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда Муҳаммад (с.а.в) огоҳлантирган эканлар: Мўмин одам ўз қалбида атрофдагиларнинг бирортаси учун ўзида ёмонлик топмайди. Уларга, Аллоҳ таоло яхшилик қилиб берган нарсаларга ҳасад қилмайди. Шу икки нарсани ўзиёқ тангрини рози қилиши мумкин.

Хурматли суҳбатдош! Қарангки ҳасаддан ёмонроқ нарсанинг ўзи йўқ. У на дунёвий жихатдан ва на диний жихатдан бўлсин улуғланиши мумкин эмас. ماشойиҳлар айтган хулоса: ҳасад қилувчи мажлисларда ёмон маънода тилга олинади. Фаришталар унга лаънат ўқийди, ғазаб қилиб туради. Хилватда кўрқинч ва ғамда қолади. Жони қаттиқлик ва кўрқитилган ҳолатда олинади. Ҳисоб-китоб куни шарманда ҳолатда бўлади.

Сукрот айтган ҳикмат: “ҳасадчи киши бирон ва бир замон роҳат ва фарогат юзини кўрмас. Дунёда қанча меҳнат ва мусибат бўлса, барчаси ул бечорани ўраб олмишдир”. Арасту эса: дунёда ҳамма нарсадан ҳасаднинг юки оғирдир, чунки у бечора бутун дунёдаги шод ва масрур одамларнинг қайғуларини ўз устига юклаб юрур - дейди.

Бобокалонимиз Абдулла Авлониё “ҳасад деб одамга жаноби ҳақ тарафиндан берилган неъмат ва давлатнинг заволини тиламакни айтилур, ғийбат бўхтон каби ёмон хулқлар ҳасаддан туғулур “[1,52], деган.

Ох! Фалончининг мол ва давлати, иззат ва саодати манда бўлса, роҳат ва сафони ман сурсам эди, каби ҳаёлотти ҳарисонаси жаноби ҳақнинг ўлчаб берган ризқиға қаноатсизликнинг нишонасидир, ҳолбуки жаноби ҳақ бир

неъматни бировга атай ва бекорга эҳсон қилмайдур. Расулulloҳ эса мўъмин ғибта қилур, мунофиқ эса ҳасад қилур, дейди [1,53]

Ғибта деб бир одамнинг даража ва молини заволини орзи қилмай “кошки мен ҳам шундай бўлсам эди”, - деган орзуда бўлмоқни айтилуру. Ғибта эса қораланган эмас, мамдух бир сифатдир. Инсон дунёда яхши ишларга ғибта қилиб, ўрناق олиб ўзининг саодати абадиятга эриштируру. Ҳазрат Али: ҳасад инсоннинг адоватидан, кибр ва шақоватидан пайдо бўладиган ахлоқи замимадир. Шу боис ҳасад қилувчи доимо руҳоний азоб ичида яшайди . Бирор одамни саодатини кўрган замон унинг ҳасади ўт олади. Инсонга шундан ортиқ жазо борми?, - деганлар. [ўша жой]

Пайғамбаримиз: ҳасад қилувчилар, гап ташувчилар, ғийбат қилувчилар, хабар берувчилар, (фол) очувчилар мендан эмас ва мен ҳам улардан эмасман, деган эди. Қарангки аввалги ўзбек тилида ичи қора одамни ҳасуд дейилган, яъни ҳасад сўзидан келиб чиқиб айтилган экан.

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ.

Кўпчиликда шу нарсанинг нима кераги бор, деб эътироз билдиришга рағбат бор. Ҳалол нимаю, ҳаром нима? Фарзандларга оқу-қорани танитяпмиз, деб кўнглимизни тўқ қиламиз. Ўша оқу-қоранинг таркибига кирувчи муҳум масала ҳалол ва ҳаром масаласидир. Барча уламолар ва мутфаккирларимиз ҳалолликнинг фазилатларини баён қилиб, ҳаромдан инсонларни қайтарганлар. Ҳадисларда: “ҳалол талаб қилмоқ фарздир, ҳамма мусулмон эру-хотинларга” деб марҳамат қилинган. Ҳалолни талаб қилмоқ дегани ҳалол нинг умидида саъи-ҳаракат қилмоқдир. Лекин ундан аввал ҳалол ва ҳаромни таниб олмоқлиги ёки уларни фарқлай олиш даржасига етмоқ лозим. Ҳатто ҳалол ҳам топилди, ҳаром ҳам топилди ва тушунарли бўлади, дейлик. Лекин уларнинг орасида шубхали, яни ҳалол ёки ҳаромлиги номаълум нарсалар жуда ҳам кўп ва уларни англаш мушкул. Шариат аҳкомлари, муқаддас китобимиз ва ҳадислар уларни сарагини-саракка,

пўчоғини-пўчоққа ажратишда беминнат ёрдамчидир. Баъзилар ҳаром деганда лойга, тупроққа тушган егуликни тушунади. Йўқ, ўша егуликни сувда ювиб ёки пуфлаб, чангини кетказиб еса бўлади. Ҳаром ва ҳалол масаласи эса у худонинг розилиги орқали топилган егуликми, кийим-бошми, машина, ҳовли жой ёки амал курсисими, деган масалани кўндаланг қилиб қўяди. Бировнинг ҳаққи, давлатнинг маблағи, айниқса, етимнинг ҳаққи, халқ маблағи, қинғир йўллар билан ўзлаштирилган бўлса-чи? Яхшиси, шубҳали ишлардан инсон ўзини тийгани маъқул эмасми?

Бир ҳадисда Расулulloҳ: Киши қирқ кун ҳалол еса ва ҳаромдан ҳеч нарса аралаштирмаса, Ҳақ таоло у кишининг кўнглини нур қилур ва ҳикмат чашмаларини унинг кўнглидан очур. Ҳалол яшаган одамнинг кўнглида мол-дунё мухаббатига ўрин йўқдир. Бишр Хофий (р.а.): Лукманинг камлиги, мол-дунёнинг камлиги, одамийликнинг камлигидан эмасдир. Ҳаромни ҳам, ҳалолнинг ҳам даражалари бор. Биз кўзда тутган ҳалол ва ҳаром ўртасидаги шубҳали ораликда беш даража мавжуд: [10,62-67]

Биринчисига кўра, шариат ҳаром деган нарсадан узоқ бўлмоқ лозим. Бировнинг молини мажбурлаб ва бировнинг молини рози қилиб олиш ҳам ҳаромдир. Агар ғазаб билан олинса, минг чандон ҳаромдир. Агар етим ёки камбағалдан олинса ашаддий ҳаромдир. Ҳаромлик даражаси қанча баланд бўлса, уни олмоқнинг гуноҳи ва зарари ҳам баландроқдир.

Иккинчи даража, ёлланма ишчилар ҳукмига оид бўлиб, муфтий ҳаромлигига фатво берган бўлса, муттақийлар (эрон) ундан узоқлашган бўлади. Шубҳали нарсалар 3 хил: биринчи хилдан қочиш вожиб, иккинчисидан узоқлашиш мустаҳаб, учинчисидан узоқлашиш тақво каби(яъни, вас-васдир)дир. Масалан, овда қўлга киритилган гўштни емайди, гўёки ўша ов (парранда) бировнинг мулкидан учиб чиққан деб!

Учинчи даража муттақийларга хос бўлиб, ҳалоли мутлоқ ҳисобланган нарса, лекин қаердадир ҳаромга ёндашган бўлганда ундан воз кечмоқликдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.): Муттақийлар (худодан кўрққан, пок лукма, ибодат, риёзат ва тақво йўлини маҳкам ушлагувчилар) шубҳали нарсалардан

ўзларини тутиб, пархезни мукаммал қилмагунларигача олий покликка муяссар бўлмаслар, - деб айтган эди.

Ҳазрати Умар (р.а): “Ўн эҳтимолдан биричалик шубхали ҳалол дан ўзимни тияман. Буниси ҳаромга бошламаса деб доим кўрқувдаман” – деди. Бировнинг 10000 сўм қарзи бор, уни қайтарар пайтида 1000 сўмини қоғози йиртилган банкнотдан қўшди ва 10000 сўм қилиб қайтарди. Уни қабул қилган чоғида ҳам, ўша одам розилик билан олмади, кўнглини бир четида “йиртиқ пул берди”, - деган шубха қолади. Ҳалоллик меъзони бу ерда бузилди, у одам қилган ишини енгил санади. Кейинги даврларда эса бундай ишлар унинг учун одат тусига айланади. Қиёмат куни ўша одам муттақийлар жумласидан бўла олмас, экан. Ҳазрати Умар ибн Абдулазиз замонида уришдаги ўлжа молдан ифор келтирдилар. У ифорни ҳидлаб туриб айтди: Ифорнинг бир қисм ҳидида барча мусулмонларнинг ҳақлари бордир. Улуғлардан бири ўз дўсти сакоротда (жон талвасасида) эди, уни кўргани борди. Кечадан бироз вақт ўтгач жони узилди. Улуғ инсон тез туриб чироқни ўчирди. Чироқ ёғида ворислар (меросхўрлар)нинг ҳаққи борлигини ва ўлим келиши билан чироқ тўла ворисларники бўлганини тушунтирди. Уларнинг ҳаққи борлигидан энди бу уйда ўтириб бўлмас, деди ул зот ва уйни бўшатди.

Бир куни ҳазрати Умарнинг кийимларидан ифорнинг ҳиди келди. Бир кун аввал Умар байтулмолдан ифор олиб келиб хотинларига бериб, деди: Ифорни сотиб, пулини етимлар ҳожатига сарф қилинглар! У кийимидан ниманинг ҳиди келганлигини хотинидан сўради. Хотини эса ифор идишини кўлига олган эдим, уни ҳиди кўлимга ўтибди, кўлим билан сизни кўйлагингизни силаган эдим, деди. Шунда Ҳазрати Умар кийимин тупроққа суртаверди. Ниҳоят, ифор ҳиди йўқолди. У деди: ифор ҳидида ўзгаларни ҳаққи бор.

Факихлардан бири бўлган Ахмад Ханбал (р.а)га савол қилдилар: “Масжидда подшоҳ хазинасидан хушбўй тутатқи тутатилди. Масжидда ўтирса бўладими?” У деди: “тутатқининг ҳиди ҳаромга яқинлигидан масжидда ўтирмаслик керак”.

Тўртинчи даража сиддиқлар тақвоси бўлиб фақат ҳалол ни яратилиши, тайёрланиши жараёнида зулмнинг асорати бўлмаслиги керак, дейилган. Бишир Ҳофий подшоҳ қаздирган ариқдан сув ичмас эдилар. Зуннун Мисрий исмли авлиё оч эди. Унинг тақволи хизматкор аёли бор эди. У очлик ҳолатини билиб ўзи йигирган ипни сотиб, уни пулига таом таёрлади ва шайхга юборди. Шайх эса таомдан овқатланмади. Хизматкор бунинг сабабини суриштирди. У эса: овқат золимнинг қуввати билан менга келтирилганлиги учун емадим, деди. Овқатни эса шайхга зиндонбон келтирган экан. Ҳаромдан тарбият қилинган бадан қувватидан шайх тақво килди. Сиддиқлардан бири деди: даштда оч қолдим ва сув лабига етдим. Майсалар ўсиб ётибди. Менга ҳалол керакми, демак майсадан ҳалол и йўқ, деб емоқчи бўлдим. Ғойибдан овоз келди: сен бу ерга қайси қувват билан келиб қолдинг? У ҳалол миди ёки ҳаром? Олдин ҳисоб бер, кейин майсанинг ҳалол лиги ҳақида гапир, деди. Уялдим ва истиқфор (тавба) айтдим.

Бешинчи даража худога яқинларникидир. Улар Худо рози бўлмаган нарсалардан пархезда бўладилар, улардан қочадилар. Улар емакда ҳам, ухламакда ҳам, сўзламакда ҳам ва бошқа ишларда ҳам доимо пархез тутарлар.

Бу тоифа инсонлар ўз вазифаси ва ишидан бошқа нарсага интилмайди. Таом еса оз егай, токи ҳаёт, ақл учун, ибодат учун етарли бўлса бўлди. Сўзласа фақат дин ва мазҳабни қувватлантирувчи сўзларнигина сўзлар. Бу ҳолат муқарраб тақводорларнинг борлиғидир. Расулуллоҳ, айтган: “халқнинг энг ёмони фақат бадани талабидаги кийим, либос, турли таомлар истеъмол қилурлар, кейин сўз олиб, ҳақиқат ва маорифдан сўзамаонлик қилурлар. Аллоҳ шу тоифаларнинг фитнасидан сақласин” [10,67].

Ҳалол ва ҳаромни ажратишда турли тоифаларга эргашмай барча масалаларни шариат аҳкомлари асосида масалани ечган маъқул. Бир инсон бор, зулми маълум эмас. моли ҳаром ёки ҳалол лиги номъалум, золимлиги

эса маълум бўлса, унинг молидан хазар қилмоқ тўғри бўлади. Амалдорнинг мусулмонлар даромадидан олган ришваси (пораси) бутунлай ҳаромдир, лекин аҳолидан 3-ҳолатда олинган мол ҳалол ҳисобланади:

1. Қарши томон билан жанг қилиб қўлга киритилган мол ҳалол (жанг пайтида аҳол идан зўрлаб олиш эса ҳаромдир)

2. Бирор мусулмон мамлакатда яшайдиган бошқа диндаги кишилардан олинган шаръий жизя ҳалол дир. Шариат ҳукми билан олинган мол ҳам ҳалолдир.

3. Меросчи топилмади, мерос қолдирувчининг моли ўша юрт давлатига қолдирилади ва у ҳалол дир [10,69].

Ғаззолий ҳазратлари амирларга мулозим бўлган уламоларни ҳақ таоло наздида ёмонроғи ва душманроғидир, деб баҳо берган эди. Муҳаммад ибн Салама исмли саҳоба, “тавоқ, четига қўнган пашша, подшоҳ даргоҳидаги олимлардан яхшироқдир”, - деган, экан. Фақат икки ҳолатда подшоҳ хузирига борса дурустдир, қолган ҳолатларда рухсат йўқ. Подшоҳдан фармон бўлса, агар келмаса у кишига ранж алам етиш эҳтимоли бўлса, борсин. Икинчиси ўзининг ёки бошқа бир мусулмоннинг ҳожати бўлса, уни раво қилмоқ учун борсин, рухсат. Шу шарт биланки, ёлғон сўзламаса ва ҳушомад қилмаса; [10,71].

САБРЛИЛИК ВА САБРСИЗЛИК

Инсоннинг маънавий бойликларидан, гўзал ҳислатларидан бири сабрли бўлишлик бўлса, маънавий хасталикларидан бири эса сабрсизликдир. Инсонга умр бўйи фақат яхшилик, бахт-саодат ҳамроҳ, бўлавермайди. Баъзан, балки синамоқ ниятидадир, бало- қазолар, хасталиклар хуруж қилиб туради. Ўшаларга чидамли бўлмоқликнинг номи сабрдир. Шу билан бирга бошига мушкуллик етиб борган инсон бошқаларга шикоят қилавериши ҳам яхши эмас. Сабаби, сиз шикоятингизни ҳикоя қилаётган ўзга одам сизнинг мушкуллингизни ҳал қилиб бера олмайди. Инсон бошига келадиган балолар,

заҳматлар ва машаққатларга чидамади, ўзини уёқ-буюкқа уриб кўрди. Бир сўз билан айтганда сабрсизлик қилди, бу билан жаноби ҳақнинг берадиган ажри ва савобидан бенасиб қолади, унинг синовидан ўта олмайди. Эсланг, шундай имтиҳон Исмоил (с.а)га, Иброҳим Халилулоҳга, Аюб (а.с)га, Юсуф (а.с)га келганида улар қандай йўл тутдилар? Албатта, келган балони, тангликни сабр билан енгдилар ва тангри синовидан чиройли ўтдилар. Исломда иймон калимасини айтувчи “Хойрихи ва шаърихий мин аллоҳу таоло”, яъни, яхшилик ҳам ёмонлик ҳам Аллоҳдан, - деб иймон келтирилади. Демак, яхшиликларни кутиб олганда шукроналик билан, ёмонликларни эса сабр билан кутмоқликдан бошқа йўл йўқ! Бесабрлик қилдингиз, норизо бўлдингиз; Хўш бу билан нимага эришасиз? Бесабрлардан бўлдингизми - демак, ютмайсиз, мукофотдан қуруқ қоласиз. Боз устига “Инналлоҳа мас-собирин”, яъни “Аллоҳ сабр қилгучилар билан биргадур”. Бесабр инсон билан Аллоҳ бирга эмас. Қуръони карим лафзида айтилганидек, Аллоҳ сабр қилгучиларни яхши кўради. Зеро, барча нарса яхшилик ва ёмонлик Аллоҳдан эканлигига ишонмоқлик иймон таркибига киради ва 40 фарзнинг биридир. Ҳар бир ишда инсонга сабр ва матонат керак. Сабр кетидан саодат, тинчлик ва роҳат келишини қалб билан ҳис қилиб яшаш қандай яхши!

Абдулла Авлоний бобомиз сабр ҳақида ёзган эдилар:

Секин борган киши мақсадга етгай,
Шошиб бесабрлар каж йўлга кетгай.
Агар сабринг бўлса нафсингга йўлдош,
Сени тавфиқи раббонига элтгай.
Ҳар кишида бўлмаса сабри жамил.
Нафс кўйина юриб соил бўлур.
Сабр қилсанг ғўрадин ҳол ва битар,
Сабрсизлар ўз оёғидан йитар. [1,24]

Нафсини жиловлаб, ҳар бир ишни шошилмай бажариш иймоннинг белгиларидандир. Сабр шундай куч-қудратки, шахватни- ифбатга, ғазабни - шижоатга, шиддатни - хилмга, катталиқни - камтарлиққа, ёмонлиқни - яхшилиққа айлантира олади. Араб мақолларининг бирида: “Ас-сабру мифтоҳул фараҳ” ёки “сабр шодлиғнинг калитидир”, - дейилган. Нафсни ҳар бир нарсада тия олмаслиқ бесабрлиқдир. Нафсни ақл ва шариат талаб қилган даражада ушлаб турмоқлиқ ёки ҳар иккиси талаб этган нарсада тутиб турмоқлиқ сабрдир. Сабр ҳиссий ва ақлий босимларга, аламларга чидамоқлиқдир. Бошқача қилиб айтганда сабр нафсни қайғу ва норози бўлишдан, тилни шикоятдан ва аъзоларни ташвишдан сақлаб туришдир. Бало етганда гўзал одоб бирла турмоқлиқ ҳам сабрдир. Ибн Хилмий исмли уламо сабрни уч хилга ажратади: Жабборнинг тоатиға сабр, Жабборнинг масиятидан сабр қилиш, Жабборнинг имтиҳони синовларига сабр. Муқаддас китобнинг 114 сурасининг 103 тасида сабр зикр қилинган. “Сабр ва намоз ила ёрдам сўранг. Ва албатта, у нафси синиқлардан бошқаларга жуда катта ишдур” (Бақара, 45), иймонли киши ҳар бир ишга астойдил уринади ва ҳар куни тангридан мадад сўрайди. Мен сабр қиляяпман, деб ҳаракатсиз туриш, фаолият кўрсатмаслиқ, сабр эмас.

Машаққатлар бежиз келмайди. Умрнинг ортида ё сизга жазо учун, ёки синов учун юборилаётган ҳолат бўлиши мумкин. Инсон олдида доимо икки йўл туради: бири Хавойи нафс, роҳат-фароғат, мансаб йўлидан бормоқлиқ бўлса, иккинчиси, улардан юз буриш ва тангри айтган тамон юзланишдир. Бу сабр энг улуғ сабрдур. Ибодат билан банда худо билан боғланади, қувватланади, матонат, чидам ва бардошни қўлга киритади. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) қачон қийин аҳволга тушиб қолсалар намоз ўқишни ихтиёр қилар эдилар.

“Тоҳа” сурасининг 132-оятига этибор беринг: “Аҳлингни намозга амр эт ва ўзинг унга сабр қил. Биз сендан ризқ сўрамасмиз. Биз сенга ризқ берамиз, чиройли оқибат эса тақво қилувчиларникидир”. Тақво дегани Қуръони карим буюрганини қилиб, қайтарганини қилмаслиқдир. Нега аҳлингни намозга

амир эт деб буюриляпти? Сабаби бошқа оятларда оила бошлиғи ўз ахлларига бошлиқ, ўз кўл остидагиларга, подшоҳ эса ўз мамлакати ва халқига бошлиқ, имом эса ўз жамоасига маъсулдур, - дейилган. Демак, риоя этмаса жавоб беришга тўғри келади.

Абу Саид (р.а): Расуллулоҳдан эшитганман: “Ким иффат талаб бўлса, Аллоҳ уни иффатли қилур. Ким беҳожатлик талаб қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилур. Ким сабр талаб қилса, Аллоҳ уни сабрли қилур. Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ ато берилмаган”-дедилар. Демак, ризқ Аллоҳдан, у ўзига берилган ризқ қанча бўлса, ўшанга рози бўлмоғи керак. Лекин, Аллоҳ беради деб ётавериш ҳам яхши эмас. У ўз турмушини яхшилаш учун ҳалол имкониятларини ишга солмоғи, меҳнат қилмоғи шарт. Инсон ўзига берилган озгина ризққа рози бўлишлиги ва кўп бўлса, ҳовлиқмаслиги уламолар китобларида келтирилган. [3(2), 203]

Юқорида иффатли қилиб кўяди, деган фикрни учратдик. Эр кишидаги иффат нима? Аввало бировдан ва уни молидан умидвор бўлишни ор билиш иффатдир. Яна кўнгли ва нафсини тўқ қилишлиги ҳамдир. Зеро, иффатли аёл деганда кўнглида ўз ёридан бошқага жой йўқ аёлга айтилади. Кўпчилик иффатни ҳаё билан айнан бир нарса, деб тушунади. Ҳар қандай қийинчиликка иффатли аёл чидайди. Ўша иффат бутун умрида устувор бўлган вафодорликни таъминлайди.

Ҳатто бошқа одамлар мол берганда ҳам, ўзини сариқ чақага ҳам эҳтиёжи йўқлигини айтиши маъқул гап. Назари тўқ, кўзи тўқ одам яратганга ҳам маъқул келади. Бу ерда назари тўқнинг, кўнгли ҳам тўқ деган мақолни таклиф қилса бўлади. Назари тўқ одам деб ўз ихтиёридан ортиқчасини талаб қилмайдиган одамга айтилади. Назари очлик-иллати билан инсоннинг бошига балолар ёғилиши мумкин.

Иффатли инсон назари тўқ бўлгани боис, унда ҳеч қандай очкўзлик содир бўлмайди. Кўпми ёки озми унга берилган неъматларга, ризққа рози бўлиши ҳам сабрнинг аломатларидан экан. Сабр кишиси тўқчиликка ҳам, йўқчиликка ҳам чидайди ва ўзини хор қилмайди, умид билан кун кўради.

Агар банда сабр талаб қилмаса, унга сабр берилмайди. Бундай банда хатто бутун дунёнинг ярмига эга бўлса ҳам рози эмас. У очкўзликнинг қулига айлангани боис дунёни қолган қисмини ҳам қўлга киритиш пайида бўлади. Мол-дунёси кўп одам бой эмас, балки нафсини жиловлай олган одам бойроқдир. Яна бир ҳадиси шарифда (Термизий ривояти):

Расуллуллоҳ (с.а.в.): “Одамларга аралашиб, уларнинг озорларига сабр қилган мусулмон уларга аралашмайдиган ва озорларига сабр қилмайдиган мусулмондан яхшидир”, -деганлар

Сабаб, мақсад, одамларга яхшилик қилиш, жамиятга аралашмайдиган одам эса бу мақсаддан ташқаридадир. Нариги эса доим яхшилик қилиб юрган бўлади.

Шайх Муҳаммад Содиқ ҳазратлари ўз асарида “сабр-зиёдир”, -деган (Муслим ва Термизий) мазмундаги ҳадисни келтирган. [3 (2), 205]

Зиё тўғрисида физика фани ўзидан кучли ёруғлик чиқарувчи жисм ҳолати деб таъриф беради (масалан, қуёш). Нур эса бошқа бир жойдан келувчи ёруғликни қайтаришдир (масалан, ой). Демак, зиё нурдан ўта кучлидир. Сабр туфайли одам гуноҳлар олаmidан савоблар оламига кўчиб ўтади. Яъни сабр туфайли у ўзида йиғилган билимни зиё сифатида атрофдагиларга етказди. Бунинг учун дин ва тоатдаги қийинчиликларга бардош бериш керак. Аниқроқ айтилса ибодатлар, гўзал ахлоқ, одамларга меҳрибонлик, машаққатларини роҳат деб тушуна олиш керак бўлади. Сабрни зиёга қиёсланишда ўша зиё инсон қалбидаги қусурлар, нотўғри ақидалар, нотўғри хулосаларни ёритади, инсон эса бу нарсани тушуниб етади, қалби покланади.

Ниҳоят, унинг олдида ягона йўл одамларга эзгулик бериш, хизмат қилиш орқали қўлга киритиладиган тангри розилиги қолади, ҳол ос. Агар сабр қилинмаганда у яна ва яна адашувлар, шошилиб атрофдагиларга озор бериб қўйишлар гирдобида қолган бўлар эди. Айримлар сабрни бошқалар томонидан қилинаётган ёмонликларга жим қараб туришни тушунадилар. Шайх бу ҳолатни қурқоқлик деб атайди.

Динда покланган худонинг амрларини сидқидилдан бажариш, таъқиқларидан пархезда бўлишлик ва ўз нафсини мажбурлаш сабрдир. Ҳалол ва пок юрмоқлик, яшаш, меҳнат қилиш, қийинчиликларга чидаш ҳам аслида сабрдир. Яна унинг фойдалари:

1. Ўз нафсини жиловлашга ёрдамчидир.
2. Моддий маънавий ҳаётда шошилмай шу туришда асосий суянчиқдир.
3. Ғазабни боса олишда сабр асосий ёрдамчидир.
4. Сабр туфайли инсонларга ҳам, тангрига ҳам ёқимлидир.
5. Азобларни фақат сабр билан енгилади.
6. Сабр билан худонинг раҳматига ва розилигига эришилади.
7. Сабр иймон баркамоллиги ва гўзаллигига етаклайди.
8. Сабр ташқи ҳолат, ҳидоят эса ички ҳолатни хосил қилувчидир.
9. Сабр қилувчи билан Аллоҳ бирга бўлади.
10. Сабр қўрқоқлик эмас, мардлик ва яхши оқибатни қўлга киритиш сари етаклайди.
11. Қиёмат даҳшатларидан омонлик сабр билан қўлга киритилади.

Уламолар сабр деганда нафсни қайғу ва ачиқланишдан, тилни шикоятдан ва аъзоларни эса азобдан сақлаб туришни тушунадилар.

Ҳидоят, раҳмат ва маҳфиратлар тангрининг мукофотидир. Ҳадис шарифда сабр иймоннинг ярмидир, дейилган. Қолган ярми ибодат, таваккул, зикриллоҳ, шукруллоҳ ва фикриллоҳлардир. Сабр кишисига тангри ўз марҳаматига қўшимча қилиб учта нарсани тортиқ қилади: [4(2), 165]. Биринчиси, тенги ва ўхшаши йўқ охираат неъматиники, бирон жон уни билмайди. Иккинчиси, раббиси тамонидан берилган саломдир. Учинчиси, Аллоҳнинг розилигидир. (Ёсин, 58 оят): Аллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсадан улуғроқдир.

Расуллулоҳ (с.а.в): бир жамоага иймонингиз аломати нимада кўринади деб савол қилди. Улар: Балоларга сабр, нематларга шукур қиламиз, бошимизга неки тушмасин, розилик кўрсатамиз! - дедилар. Пайғамбар

жаннат аҳли деб аталган қавмдан сўради: қайси хислатларингиз билан, Аллоҳнинг лутфига сазовор бўлдингиз? Улар: Биз, танҳоликда ҳам, Аллоҳга исён этишдан йироқда эдик ва Аллоҳнинг бизга берган қисматига рози бўлар эдик, - деб жавоб бердилар.

Расуллулоҳдан иймон ҳақида сўраганларида у зот иймон сабр деб жавоб бердилар.

Шунингдек, сабрда ирода ҳам зарур. Ирода бу ерда тақво билан амал бажариш, Қуръон буюрган амрларни, тақлифларни, диний буйруқларни ҳеч бир орқага сурмай, барча йўриқ ва қоидаларга бўйсуниб, тўлиқ ва мукамал тарзда адо этмоқликни уддалайди. Мана шундай комил ирода соҳибининг номи муттақийдир. Ахлоқ доирасида ҳам сабрнинг улуши бениҳоядир. Катта бир жамоа ўртасида Расул акрам буюрдилар: Жирканган нарсангга сабр қилишинг хайрлидир. Агар сабр бир инсонга айланганида, албатта, жуда кўп гўзал хислатли кимса бўлар эди. Аллоҳ сабрлиларни севади.

Сабр ҳам жисмоний ва маънавий сабрларга бўлинади. Биринчиси баданга етган оғир азобни енгиш билан бўлса (калтакка, оғир беморликка, жароҳатга чидаш), иккинчиси, табиати тортиб турса ҳам, ҳавойи нафс ғулғула қилиб турганда ҳам юз ўгириш билан бўлади. Масалан, қорин жуда оч, емаса жуда абгор ҳолат бўлиши мумкин бўлган ҳолатда сизга чўчка гўштини тақлиф қилишяпти. Ёки фарж шахватидан ғолиб келиб покдомонликни сақлашдир. “Семизликни қўй кўтаради” деган мақолга кўра бойлик келди ва инсон босар-тусарини билмай қолмасдан ўзини чиройли тутиб олса жуда яхши бўлади.

Агар замон талабларига инжиқлик қилмай ўзини тутса сабр бағрикенгликка айланади. Агар оз насибага сабр қилиш бўлса қаноат дейилади. Сабрнинг 3 даражаси бор.

1. Халқ оммаси даражаси бўлиб тоатларни бажариш, гуноҳлардан парҳез қилиш;

2. Хос инсон даражаси: нафсни риёзатларда ва тақиқларда ушлаб туришдир.

3. Аъло хос даража: рухни мушоҳадада ва умид ҳолатида ушлаб туриш;

Уламолардан бири балога мўмин сабр қилади, офиятларга фақатгина сиддиқлар сабр қилади, - деган эди. Яратган зот ўз бандаларини мол дунё, аҳли аёл ва фарзанд фитнасидан эҳтиёт бўлишга чақирди. Мазкур дунё матоҳларига берилиб кетишдан эҳтиёткорлик зарур экан. Бу энг олий сабрдир. Ўша сабр соҳиби юқорида айтилган мақтовларга қаттиқ хурсанд бўлиб кетмайди, уларга муккасидан кетмайди, маишатга берилмайди, ўйин-кулгу, кўнгил хушликнинг кетидан қувмайди. У доим молидан садақа қилади, жисмоний кучи билан одамларга ёрдам қилади, тили билан рост сўзлайди, самимий бўлади. Берилган умрига, ризққа, иймон ҳаловатига қаноат қилмоқлик энг ёқимли сабрдир.

ОМОНАТГА ХИЁНАТ ВА ОМОНАТГА САДОҚАТ

Омонат деганда баъзилар фақат бирор нарса ёки пулни фалончига бериб қўйишни илтимос қилиб ташлаб кетишга айтилади, деб ўйлайдилар. Омонат турларидан қуйидагилар муҳимдир.

1. Аллоҳнинг омонати. Масалан, Қуръони карим, Инжил, Таврот, Забур Аллоҳнинг омонатларидир. Ўша омонатларни тангри одамларга етказишни пайғамбарларга, олимларга амр этди. Демак, олимлар ва уламолар Аллоҳ омонатини одамларга етказувчилардир. Аллоҳ ўша диний манбаларни яратди ва одамларга тўғри йўлни баён этди. Турли даврларда яшаган олим, авлиё ва уламолар ўзига берилган умр давомида тангри омонатини эгасига етказувчи ҳисобланади. Сабаби, ҳақиқий етказувчи пайғамбар бўлса, унинг замонидан бошқа замонларда эса айни олимлар ва уламолар зиммасига омонатни адо қилиш вазифа қилиб қўйилди.

2. Инсоннинг инсонлар билан муомаласидаги омонатлар. Азхоб сураси 72-оятида Осмонлар, Ер ва Тоғу тошларга тангри омонатини кўндаланг қилса, улар буни кўтаришдан бош тортгани ва ундан кўрққани баён қилинди. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Омонат сўзи иймон сўзидан ясалган.

Аллоҳ омонатини кимда ким муҳофаза қилса Аллоҳ уни иймонини муҳофаза қилади. Ҳадисда: омонатни яхши сақламаганнинг иймони йўқдир. Аҳдида турмаганнинг эса дини йўқдир, - дейилган.

Ғаззолий келтирган байтда шундай сўзлар бор:

Хиёнатга кўрқмай борган ҳалок бўлғай,
Омонатни асрамаган, қурир гулдай.
Дини билан инсонлигини ташлаб кетгай,
Уни бир-бир мусибатлар таъқиб этгай.

ёки

Хиёнатга кўз юмишни қилсанг одат,
Ўзингдан ҳам кўз юмади бахт саодат,
Мусибатлар кутар сени тоғдай оғир,
Аҳдин бузган ўнглолмас бутун умр. [4, 61-62]

Ҳаётда кўрсак бўлади: Омонатга хиёнат қилганларни биламиз. Ҳеч қандай нарса омонатнинг хиёнатини оқлай олмайди. Актюбинск, Томск, Москва, Новосибирск шаҳарларига иш орқали ташриф буюрганнимизда кўп одамлар билан ҳамроҳ бўлишга тўғри келган. Баъзиларда, меҳмонхоналарда ўз ҳамроҳининг нарсаси, товари, тижорат молига хиёнат қилганларни кўрдик. Ўша хиёнатчиларнинг бири икки бўлмади. Улар бу фаолиятини яна давом эттирдилар. Кўплари эса аянчли вафот топдилар.

Инсонга берилган умр ҳам омонат. Бир кун келиб уни эгасига топшириш керак бўлади. Яъни жасадни ўзи яратилган тупроққа-ерга, руҳни эса унинг асли Аллоҳга топширамыз. Бу ерда яширилган ҳикмат нима? Агар жасадни фаҳш ишларга, инсонни хор қиладиган йўлларга, одам ўлдириш каби жиноятларга ишлатсак, омонатга хиёнат қилган бўламыз. Бундай салбий жиноятлар тирикликда бажарилгани боис, тана-қафасда вақтинчалик қарор топган руҳимиз безовта, ўзини худди қафас деворларига урган қуш каби азобда кўради. “Мени сендек нобакорга берилганидан, сенинг қилмишларингдан азобдаман”, - деб айтади. Аксинча, рисолада, гўзал

ахлоқда, шукронада, фикронада, зикронада бўлган ҳолда ҳаёт кечирсак руҳимиз осойиш топади. Айниқса, одамлар ташвиши билан яшаб, уларни кўллаб-қуватлаб яшайдиган бўлсак ёки қисқа айтганда тангри розилигини топиш, эл-юрт розилиги ва мамнуниятини топиш йўлида яшасак руҳимиз тинчланади ва роҳатланади.

Омонатга хиёнат деганда сирни фош қилиш, ўзига топширилган нарсани ё инкор этиш, ё эҳтиёт қилмаслик, ёки руҳсатсиз фойдаланиш билан хиёнат қилинади. Омонатни эҳтиёт қилиш фаришталарга хос сифат, ёки тақво эгалари, ёки пайғамбарларнинг сифатларидир.

Нисо сурасининг 97-оятида “Албатта Аллоҳ, сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолатли ҳукм қилишга буюради”-дейилган.

Яъни тангри шу ишларга масъул шахслар елкасига қаттиқ вазифа қилиб кўймоқда. Омонатни эҳтиётлаб ўз эгасига бериб, таскин топган киши омонатга садоқат қилган бўлади. Ватан биз яшаб ўтадиган умрда жуда муҳим маскан. Уни ҳеч нарсага алмаштириш ёки унга хиёнат қилиш мумкин эмас. Бизлар бу дунёни тарк этсак ҳам, у ўз жойида қолади. Демак, биз учун у омонат. Ватан барча фуқароларники, унга қилинган хиёнат ҳам омонатга қилинган хиёнат ҳисобланади. Яратган зот ваъдага вафо қилганларни яхши кўради. Хиёнатчи ва ёлғончиларни эса севмайди. Ростлик ва хиёнат иккаласи келиша олмайди. Инсонда тўғрилиқ рағбат юқори бўлса, ҳар қандай очлик ва сувсизлик бўлса ҳам тўғрилик ўсаверади. Ёлғончи кимса ваъдани бузади, ўзини хижолатга ва бошқаларни оворагарчиликка ташлаб кетади.

Ҳазрат Али ўз фарзанди Ҳусайнга “Тапингда собит қадам бўл, ёлғончилар каби мунофиққа айланмайсан!”-деди. Тўғриликни севмоқ керак, чунки нажот тўғриликдадир. Сиртидан нажот каби кўринса ҳам, ёлғондан қочмоқ керак, чунки у халокатга етаклайди. Абдулла Авлоний қаламига мансуб тўртликка этибор беринг:

Сидку сафойи ростлиғ бўлса қаробатинг,

Шулдир жаҳонда роҳат, файз, садоқатинг.
Оламда тўғрилиқдек йўқ одамнинг зийнати,
Қалбинг алифдек бўлдими, айти шарофатинг.

Қарангки омонатга хиёнат ҳам тангрини, ҳам инсонларни ғазаблантирар экан. Садоқат эса инсонни яна ҳам гўзаллаштиради. Бу ҳаёт ҳам инсонга омонатга берилган. Ҳеч кимга ҳаёт абадий берилмаган. Ота-она ҳам фарзанд учун бир омонатдир. Уни ҳам бир кун тақдир қўлига топширамиз. Жонимиз-омонат. Демак, умр дафтарини шоҳ ҳарфлар билан безамоқ керак.

Машриқ ерлари донолиги баён қилинганда омонатга хиёнат қилувчида иймон йўқ, ваъдасини унитувчида диёнат йўқ, дейилган. Бошқаларга айтма, дейилган сирни ошкора қилиш ҳам хиёнатдир. Кимнинг сирини ичида экан, ўша сир унинг асиридир. Сир ташқарига чиқса, сен унинг асирсан. Хиёнат доимо кўплаб пушаймонларни келтириб чиқаради. Ҳаёти фақат пушаймонлардан иборат инсон омонатга хиёнат қилувчидир.

Омонатни моҳиятини тушунган бир Араб ўзи яхши билган қабилани мақтади: Бу қабилани омонатга эҳтиёткорликни севади, омонатни авайлаб асрайдилар, хиёнат қилмайдилар, бурчларидан қайтмайдилар. Мусулмон одамни ҳурмат қилишда қусурга йўл бермайдилар. Уларга қолдирилган омонат асло зое бўлмайдилар. Улар умматнинг энг яхшилари дидир.

Бу хусусда Ғаззолий ёзади; [4,85]: Ўша тоғлиқ араб мақтаган инсонлар йўқ бўлиб кетишди:

Инсон кимга айтсин ахир ўғриларни,
Қайдан топсин ҳол ис дўстни, тўғриларни?!
Тўрт ён боқиб инсон зотин тополмайди,
Кўрар фақат либос кийган бўриларни.

Хузайфа исмли саҳоба ривоят қилади: Расулуллоҳ (с.а.в) деган: Шундай замон келадикки, омонатга риоя йўқ бўлади. Инсонлар олди-бердиларда бир-бирларига ишонмайдилар. Омонат ўз эгасига топширилмайди. Бирортаси уни

ўз эгасига топширса, “фалон оилада омонатга риоя қиладиган бир киши бор” – дейилади [4,86]. Ваъдага вафо қилмоқ, марднинг иши, ваъдани зое этмоқ номарднинг иши, дейди нуронийларимиз. Омонатни асрамоқ, тангрини хурсанд қилади. Аксинча, унга хиёнат эса эр кишининг иши эмас. Албатта, садоқат эр-аёлга бирдек зарур бўлганидек омонат масаласи жиддий масаладир.

РАҲМАТ ВА ШАФҚАТ

Бу бўлимда раҳмат ҳам, шафқат ҳам ижобий ҳислатлар эканлигини таъкидлаб уларни инсон ҳаётида муҳим ўрин тутишини ҳам эслатмоқчимиз. Ислом динида инсонларни ўзаро раҳмдил, шафқатли, кечиримли бўлишга чақирилган. Ўч олишга руҳсат берилса-ю уни ўрнига раҳм шафқат қилинса тангри розилиги ваъда қилинади. Дину-диёнатда илоҳий тарзда инсонлар меҳр оқибатли бўлишлиги энг гўзал ахлоқ сифатида мақталган. Лекин, усиз ҳам инсон одам авлодидан эканлигининг ўзи раҳм-шафқатни талаб этади. Сабаби, улар ақл-заковат соҳибларидир. Ёввойи табиатда зўравонлик тирик жонзодларга хос бўлиб, улар унинг асосида яшаш қонунларини кашф қилганлар. Демак, инсон ҳар қандай жонзодларга раҳмдил ва шафқатлидир. Бу сифат унинг комилу-мукаррам эканлигини, коинотнинг гултожилигини таъминлайди. Ҳадиси шарифда расулуллоҳ: “Умматимнинг кейингилари намози ва рўзасини кўплиги учун эмас, балки қалбларининг раҳмати, кўнгилларнинг саломатлиги, нафсларнинг саҳовати ва барча мусулмонларга хос раҳмдиллиги боис жаннатга киради”, - дедилар.

Абдуллоҳ ибн Маъсуд (р.а); Агар биродарингизга жафо етган бўлса, уни лаънатламангиз, унинг устида шайтонга ёрдам бермангиз. Балки “Эй парвардигор, унга раҳм қил. Эй парвардигор! Унинг тавбасини қабул қил, деб айтингиз, дер эди. Яна ҳадисда: раҳмдиллик ҳар бир инсонга нисбатан хос эмас, балки ҳамма одамларга раҳм қилиш хосдир. Раҳм қилсалар ҳам Аллоҳ учун қиладилар, - дейилади. Бир инсон чанқади. Қудукни топди, сув

ичди. Ташқарида эса хансираб сув ичмоқчи бўлган итни кўрди. У тупроқни ялаётган эди. Ўша одам маҳсисини сувга тўлдириб қудуқдан сув олиб чиқди ва итни оғзига қуйди. Аллоҳ унинг гуноҳларини кечирди ва ундан рози бўлди. Бу ҳикояни Муҳаммад (с.а.в.) саҳобаларига айтиб берди. Улардан бири ё Расуллуллоҳ, биз ҳайвонлар учун ҳам ажр оламизми? - деб сўради. У зот: “ҳар бир жигари бор жонда ажр бор” - деб айтдилар

Нўмон ибн Башир минбарга кўтарилдилар ва Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг Пайғамбар (с.а.в.): жасаддаги аъзолар мисолики, агар биттаси оғриси қолган аъзолар ҳам бедорлик билан ҳамдард бўлади, токи оғрик кетгунча қадар, - деганларини эшитганман дедилар

Ушбу ҳолатни жамиятга қўллаган ҳолда худди шунга яқин хулосага келиш мумкин экан. Жамият азоларидан бирор киши ноқобил чиқса унга салбий муносабат билдирамиз, токи у ўзини ўнглай олмагунича. Агар у тўғри йўлга тушиб олса, кўнглимиз хотиржам бўлади. Кўплаб жамиятларда одамлар ўзаро лоқайд, “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабалида иш кўради. Бунинг номини Ғарбда индувидализм - дейилади. Жамоавийликка зид бўлган ишлар кўкларга кўтарилмоқда ва уни нолиши “инсон ҳуқуқлари” деб, ўзларини овутадилар ҳам. Жамиятлар ранг-баранглигини плюрализмга йўямиз. Шарқнинг улугворлиги шундаки, ўзлигини, жамоавийлигини сақлаб келаётганидир, - дейишимиз мумкин. Жамоавийликни моҳияти шундаки, ўзаро ёрдам ва хабардорлик раҳм ва шафқат бу ерда устивордир. Жамоавийликнинг ўта ортиқча даражаси ҳам, унинг ўта паст даражаси ҳам яхши эмас. Мўътадиллик билан шарқ оилавий муносабатларнинг дахлсизлигини таъминлаб келмоқда.

Пайғамбарларнинг ҳаммаси раҳм шафқатли бўлганлар. Уларнинг аксарияти подачили қилган. Бунинг ҳикмати шуки, подачи ҳайвонларга меҳрибон ва кечирувчи бўлади. Кимки ҳайвонларга меҳрибон бўлса одамларга ҳам меҳрибон бўлади. Демак тангри ўз набийларини аввал подачилик билан пайғамбарликка таёрлаган экан.

Ҳадисда айтилишича, ҳар бир иймон келтирган одамда мусулмонларнинг тўртта ҳаққи бор: уларнинг мухтожларига ёрдам беришлиги, гуноҳларини кечириб юборишлиги, бошлиқларини дуо қилишлиги, тавба қилувчиларни яхши кўришлигидир. Мусулмоннинг ўз биродари устида олти ҳислат вожибдир. Чақирса, жавоб бериш, касал бўлса бориб кўриш, ўлса жанозасида ҳозир бўлиш, йўлда учраса салом бериш, насихат сўраса насихат қилиш ва акс урса раҳмат тилаш [2, 370].

Аммор ибн Ёсир(р.а) шундай деган: ким уч нарсани жам қилса иймонини ҳаммасини жам қилибди: камбағал ҳол ида ҳам инфоқ-эҳсон қилиш, инсофли бўлиш ва одамлар орасида саломни ёйиш .

Умар ибн Абдулазиздан ривоят: Аллоҳга севимли ишлар бор: биринчиси ўч олишга қодир ҳолатда кечириш, иккинчиси ғазаб келганда ўзини босиш, учинчиси Аллоҳнинг бандаларига юмшоқлик қилиш. Яъни ким бошқаларга мулойим бўлса, унга ҳам юмшоқлик қилинади.

Раҳм шафқат инсонга хос муҳим сифатлигига шубҳа йўқ. Инсон нафақат ўзаро шафқатли, балки тирик жонзотларга ҳам раҳмли бўлмоғи ота боболаримиз томонидан уқтириб келинган. Сўфийликда:

Шариат айтади, ўлдир илонни,

Тариқат айтади, оғритма жонни!

деган ибора машхурдир. Бугунги илм-фан эса ҳатто ўсимликка, тоғ тошга, тупроққа, қир-адирга ҳам шафқатли бўлмоқликни таъкидламоқда (экология). Сув, тупроқ ҳавони бизлар биринчи навбатта асрашимиз даркор. Инсонни асраш ҳам, ҳаётни асраш ҳам энг муҳим вазифадир.

ФОСИҚЛИК ВА БАХИЛЛИК.

Маънавий касалликлардан яна бири фосиқликдир. Ўзини қадрини яхши билган ва мўминликка давогар инсон фосиқликдан ҳазир бўлиши керак. Фосиқлик “фиск” сўзидан олинган бўлиб, қобикни тешиб чиқиш деган маънони англатади. Гуноҳ ишларни қилувчи мусулмон фосиқдир. Қуръонда,

“албатта, мунофиқлар фосиқлардир” (Тавба, 67) - дейилган. Фосиқлик қилган одамнинг жойи дўзахлиги (Бақара 18) эслатилган. Сўкиш фосиқликдир, мусулмон билан уруш қилишлик эса кофирлик эканлиги ҳадисларда келтирилган. Яхши одамлар ҳақида ёмон гумонда бўлишни бадгумонлик дейилади. Фосиқлик эса катта гуноҳдир. Фосиқ одам жамиятга зарарлидир. Одамлар тангридан дуо талаб қилиб, илтижода бўладилар. Агар ораларида фосиқ бўлса, жамоанинг дуоси қабул бўлмай қолиш эҳтимоли бор.

Шариат белгилаган чегарадан ўтиб гуноҳга ботувчилар ва фосиқлик динда каттиқ ҳаром дейилган. Фосиқни имом бўлиб намозга ўтиши орқали намоз бузилган бўлади. (Ахмад ибн Ханбал мазҳаби). Фосиқни гувоҳлиги, фатвоси қабул эмас, у ҳадис ривоят қилишга ҳаққи йўқ. Фосиқлик тарқалса жамият бузилади. У зарарли инсон. Унга йўл қўйган одам тезда тавбага шошилмоғи дуруст бўлади.

Яна бир жирканч касаллик бахиллик бўлиб одамлар доимо уни қоралаб келишади. “Бахилни бағри кўкармас” - дейилган машхур мақол ҳам бор. Саховатда сахийликка, қўли очиқликка зид хусусият бахилликдир. У ёмон хулқлардан бири бўлиб, ўзида бор нарсани бошқаларда бўлишини хоҳламасликдир. Бериши лозим нафақани бермаётган одам ҳам бахил саналади. Бахиллик ўз молини маън қилишликдир. Уни икки даражаси бор: ўзида бор нарсага бахиллик қилишлик ва бошқада бор нарсага бахиллик қилишдир.

Фаробий таъбири бўйича энг ёмон бахиллик ўзига ўзи бахиллик қилишликдир. Айрим ҳолатларда бахил киши бахиллик қилиб молини ўзига сарфламайди. Ҳатто, касал бўлиб юради. Пули бўла туриб дори-дармонга сарфламайди. Оли имрон сураси-180 оятида Ҳақ таоло: “Аллоҳ ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қилганлар буни ўзларига яхшилик деб деб ҳисобламасин, бу уларга ёмонликдир. Қиёматда бахиллик қилган нарсалари бўйинларига ўралур. Осмонлару, ернинг мероси Аллоҳгадир”-деб огоҳлантиради, чунки инсон молини ҳатто ўзига ҳам, касалини даволатишга ҳам сарфламаса алал оқибат унинг моли ҳамма-ҳаммаси Аллоҳга қолади. У

эса дунёга устун бўла олмайди, мол мулкени тарк этади. Бу ерда бир ҳақиқатни чуқур англамоқ керак: Инсоннинг кўлидаги мол-дунё Аллоҳ, ўз ихтиёри ила ўша бандага, берилган омонатдир. Демак, молнинг ҳақиқий эгаси уни яхшилик учун сарфлашни буюрмоқда. Вақтинча, яъни синовдагина ҳолатда унга эгалик қилаётган инсон ўша молни сарфлашдан бош тортмоқда. Бахиллик билан тўпланган мол-дунё яхшилик эмас. “Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила бўйинлари ўралур” дейилмоқда. Ташқаридан бандани кўзига бахиллик молни камаймаслигини кўзлаётгандай кўринади. Афсуски, бу мол қисқа дунёда тўпланган, ўлиб кетса бу дунёда қолиб кетади. Ундан қолган мол ўлган банда учун офат, ёмонлик бўлиб бўйнига ўралиши айтилмоқда. Кимда ким уни омонат билиб, хайр эҳсон қилса, тангри розилиги йўлида сарфласа нур устига аъло нур бўлади. Берилган нарсаларнинг ҳаммасига инсон эгаман дейиши нотўғри, чунки унда мискинларнинг, заиф инсонларнинг ҳаққи бор экан. Боз устига ҳеч вақосиз (яланғоч ҳол да) бу дунёга келган ва яна бу дунёдан ҳеч вақосиз (яланғоч) ҳол да кетувчи инсоннинг нимагадур эгалик қилмоқчилиги қулғули ҳолат-ку. Аслида инсон бу дунёнинг меҳмони, меҳмоҳонани тарк этаётганда унинг ҳеч бир матохини ўзи билан олиб кетишига йўл йўқ ва олиб кета олмайди ҳам. Бахиллик ва иймон бир жойда жам бўла олмайди. Бойликка рағбати зиёда ҳамда ақли ўзига иш бермаган одам кўпинча бахил бўлади. Бахилни бу дунёда топгани гуноҳлар бўлса, охиратда топгани тангри ғазабидир. Бахилликнинг даъвоси шариат шарт қилган миқдордаги молни (закоат ва нафақаи аҳли аёл) камайтирмасдан беришлик ва сидқидилдан мурувватли бўлишлиқдир. Аёллар ва ҳонадон ҳақини бериб, ундан ортганини бермай кўйган одам ҳам бахилдир. Рўзғорга торлик қилувчи, бола-чақага торлик қилувчи одамни бахилга айланиб қолиш эҳтимоли бор. Рўзғорни қисиб, емоқ-ичмоқни қисиб иморат солувчилар ҳам учраб туради. Рўзғордан қисиб тўй қилувчи ҳам бахилга айланиш эҳтимоли бор. Чунки у дабдабали тўй қилса, тўйдан кейин емак-ичмакни камайтириб қарз узишига тўғри келади. Барча нарса рисоладагидай бўлгани яхши. Лекин емак-ичмакни кўп

нарсаларни исроф қилиш ҳисобига ташкил қилиш ҳам қораланган. Исроф ҳам динда гуноҳ ҳисобланади. Шариат ва мурувват ман қилмаган нарсаларга хасислик қилган одам ҳам бахилдир. Сахийлик эса чегара билмас мурувватдир. Мол-дунёни ортиқча севиш, мухаббат қўйиш туфайли инсон бахил бўлиб қолади. Баъзи одам ўз ҳаётидан етиб-ортадиган мол-дунёси бўла туриб уни ўзига ҳам, бошқаларга ҳам сарф қилмайди. У ҳам хасис, ҳам бахилдир. Ўша одам моли камайиб қолишидан жуда қўрқади. Айниқса камбағал бўлиб қолишдан ёмон қўрқади. Ризқ - Аллоҳдандир, - деган ҳадисни билса ҳам уни тафаккур қилишни хоҳламайди. Бунга унинг бахиллиги йўл қўймайди. Сиз бир инсонни ёқтирасиз, у сизга бир элчисини жўнатди. Элчини кўриб, яхши кўрган инсонингизни унутдингизда, элчини ёқтириб қолдингиз. Демак, сизни аввалги инсонни яхши кўраман деб айтган сўзингиз ёлғон экан. Бу мисолни “Рухий тарбия” китобидан келтирдик. Сиз Аллоҳни яхши кўраман деяпсизу, лекин у қолиб энди у сизга омонат қилиб жўнатган мол-дунёни яхши кўриб қолдингиз. Ўша мол-дунёни йўқотиб қўйишдан қўрқяпсиз. Бу ҳақиқатни тушуниш билан бахиллик қасаллиги даволанса ажаб эмас. Орзуни узун қилиш деб аталадиган қасалликни давоси ўлимни кўп эслаш билан бўлади. Шаҳватга берилишни давоси қаноат ва сабр билан бўлади. Ўзимизни бахиллигимизни сезиб қолсак, кўпроқ оят ва ҳадисларни ўқисак даъво бўлади. Сахийликни фойдалари ва икки дунё саодатига элтувчи амалларининг бири эканлигини тушунмоқ билан, бахилликни фойда-зарарини ақл тарозисида тортиб кўриш билан, ундан қутулса бўлади.

Тилга эҳтиёткорлик ҳам инсоннинг беағидир. Чунки бало ҳам, яхшилик ҳам ана шу тилдандир. Лукмони Ҳаким ўз ўғлига айтар экан: “Эй, ўғлим, ким ёмонлик соҳибининг суҳбатида бўлса, у ҳам ёмонликка шерикдир. Омонликда бўлмайди. Ким ёмонлик кирадиган жойга кирса, тухматга учрайди ва ким тилига эҳтиёт бўлмаса, пушаймондан боши чиқмайди”. Тилига нима келса сўзлай бериш жохилнинг сифатидир. Сўзлаган сўзи тангрининг зикри, сукутида ўша зотни фикрлаш ва ахлоқ и эса ибратдан

иборат киши қандай яхши инсон экан. Тилини ғазабга бўйсундирган инсон нодондир. Тилини ақлига бўйсундирган одам олийжанобдир. Одам фарзандининг жасади тезда қарийди, лекин унинг орзулари ҳеч қачон қаримайди. Орзу эзгу орзу бўлса яхши. Керагидан ортиқ нарсани орзу қилмоқлик инсонни тўғри йўлдан доимо чалғитади. Тил офати ҳақида ҳадислар бор.

Саҳл исмли саҳоба Расулуллоҳдан ривоят қилган ҳадисда у зот деди: “ким менга икки оёғи орасидаги нарсанинг ва икки жағи орасидаги нарсанинг кафолатини берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман”, - дедилар. Тил аслида одамларга яхшиликлар етказиш ва тангри зикрини адо қилиш учун берилган. Бу нарсаларни, хоҳламай, бемаза ва уятсиз сўзларни сўзлаган одам олтинни қўйиб гўнгни танлаган одам кабидир. Бемаза ва уятсиз сўзлар нодонга оҳанрабоси бордай туюлади, сабаб, хали уни қулфи дили эзгулик сари очилмаган. Бундан кўра гап гапирмаган одам кўпроқ фойда топади, тил офатидан омонда бўлади. Ҳазрати Умар бу ҳақда “кимнинг гапи кўпайса хатоси ҳам кўпаяди” - деган экан. Арабларда йигит тилининг тойилишидан ўлади, оёғининг хатосидан эмас”, - деган мақол бор. Оёқнинг хатосини тўғрилаш мумкин, тилникини эмас.

Маънавий зулмга қандай реакция бермоқ керак? Зулмга қарши зулм ишлатиш буюрилмаган, фақат қасос олишда ўша зулмдан орттириб юбормасликдан шарият огоҳлантиради. Ғийбат учун яна ғийбат билан жавоб берилмайди. Гап ташувчига қарши гап ташувчилик қилинмайди. Жосусликка қарши жосуслик қилинмайди. Сўккан одамга сўқиш билан жавоб берилмайди, балки унга инсоф тилаган маъқул. Лекин душман жонингизга қасд қилмоқда. Шу ҳолатда сиз уни қайтаринг, жонингизни сақлаб қолинг.

Одамлар орасидаги офатлардан каттароғи хусуматдир. Илмсиз ҳолда илмлиларга хусумат қилиш, бечораҳол бўлиб бадавлатга хусумат қилиш учраб туради. Ваҳоланки, ўша хусумат қилинаётган одамлар ҳеч қандай ёмонлик қилмаган эдилар. Хусумат қалбни ҳасадга етаклайди, ғазабни

кўзгатади ва обрўсизлантиришга олиб боради. Ҳадисда: сенинг хусуматчи бўлиб туришинг гуноҳкорлигингни белгисидир., - дейилган. Уламолар таъбиридаги ашаддий - хусуматчи ярашишни хоҳламайдиган, жанжални эса пулга сотиб оладиган одамдир. Илмсизлик устига қурилган хусумат жуда ёмон нарса. Билимсизни билимли қила олмас эканмиз, яхшиси хусуматчидан узоқлашган маъқул. Аллоҳнинг Расули: “мен ёмон кўрадиган ва қиёматда менда узоқда бўладиганлар кўп гапирадиганлар, оғзини тўлдириб гапирадиганлар ва мутақаббирлик учун гапирадиганлардир”, - деган эди (Имом Термизий ривояти). Қарангки хусуматчи ҳам кибрли одам ҳам, кўп сўзлайдиган ҳам на бандасига, на тангрининг ўзига ёқади! Таомдаги туз каби сўзни ҳам мухтасар ва ҳам қисқа қилган маъқул экан.

ҒИЙБАТЧИЛИК ВА ИҒВОГАРЛИК.

Яна маънавий-ахлоқий қусурлардан бири ғийбат ҳамда иғвогарликдир. Ғийбатни Аллоҳ Қуръони Каримда ўлган биродарининг гўштини ейиш билан тенглаштирган: “Айрим гумонлар гуноҳдир. Бировнинг орқасидан жосуслик қилманг ва айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин. Сизлардан бирор киши ўзининг ўлган биродарини гўштини ейишни яхши кўрурми?! (Ҳужурот,12). Пайғамбаримиз (с.а.в) ўз ҳадисларида: “ҳар бир мусулмоннинг қони, моли, иффати ва номуси бошқа мусулмон учун ҳаромдир-деган эди. (Ислондаги жангари тоифалар айна шу нарсаларни ҳалол деб эълон қилганлар). Яна у зоти бобаракот: “Ғийбатдан сақланинг! Ғийбат зинодан ҳам ёмондир. Зеро,киши зино қилиб, охири тавба қилса. Аллоҳ кечирishi мумкин. Ҳолбуки, ғийбат қилганни тўғридан тўғри кечирishi қийин. Фақат ғийбат қилинган киши кечиргандан кейингина кечирishi мумкин, - деган.

Киши ўз биродарининг номига доғ тушириш мақсадида уни ғийбат қилса, Аллоҳ уни жаҳаннам кўприги устига турғазиб қўяди.Қилган ғийбати қайтариб олингунга қадар ўша ҳолатда бўлади [4.108].

Ғийбат-ўз дўсти, дугонаси, ўртоғи, қариндоши, акаси, укаси ортидан ўзи эшитиб қолса хафа бўладиган айб нуқсонини айтишдир. Бошқа одамнинг жисмоний камчилигини, зотини, қилиқларини, сўзи, диний ва дунёвий ҳаётини, либоси ва ҳатто уловини бошқаларга айтиб камчилигини зикр қилишдир. Расулулоҳ ҳузурига бўйи паст аёл юмуш билан келди. У чиқиб кетгандан сўнг Ойша(р.а) деди: Мунча ҳам пакана хотин экан! - деб қолди. Расулулоҳ: ғийбат қилдинг, эй Ойша, дедилар. Ойша(р.а): Ё Аллоҳнинг расули мен ёлғон айтмадим, чиндан бўйи паст эдику! - деди. У эса; сен ўша аёл йўқлигида унинг камчилигини зикр қилдинг, бу ғийбатдир. Агар унда йўқ сифатни зикр этганинда сен унга тухмат қилган бўлар эдинг!, - дедилар. Ғийбатдан сақланмоқ керак, чунки ғийбатчига 3 та офат бор: унинг дуоси қабул эмас, яхши ишларига Аллоҳ қарамайди, ғийбат туфайли унинг гуноҳлари оғирлашади. Авлиёлардан бири деди: юз марта зино қилганиндан бир марта ғийбат қилганининг гуноҳи оғирроқдир! Бировни ифво қилиш эса рамазон рўзасини тутмагандан оғирроқдир. Кимки олимларни ифво қилибди, охирада пешонасига: Бу худонинг раҳматидан бенаибдир, - деб ёзилган ҳол да сўроққа тутилади. Саҳобалар даврида ҳар қандай ғийбатни ҳидидан сезса бўлар экан. Чунки у даврда ғийбат камлигидан шундай эди. Ҳозирда ғийбат оддий ҳолатга айланган жойлар ҳам йўқ эмас. Бурунлар ғийбат ҳиди билан тўлган, худди калла пойча сотиладиган павильон ҳиди каби ҳамма ёқни тутиб кетган. Бу ҳидга кўника олмаганлар бир дақиқага ҳам чидамайди. Ўша бозордагиларнинг бурунлари ҳеч нарсани сезмайдиган бўлиб кетган. Хумаза сурасининг биринчи оятида: “Барча бўхтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлгай”, - деб Аллоҳ илохий тарзда ғийбатчини қоралайди. Баъзи одамлар ўзининг ғийбатчилиги эсидан чиқариб бошқа одамларнинг ғийбатини ўзгаларга ҳикоя қилиб юради.

Имом Ғаззолий: ғийбат қилган одам ўз ғийбати туфайли ғийбат қилинган одамга қарамдир-дейди. Яни у Аллоҳни ҳаққидан қутилиш учун ҳам тавба қилади, кейин эса ғийбатлар қилинган одамнинг ҳаққидан қутилиш учун тавба қилиши зарур бўлиб қолади. Киши ғийбат қилинган даврдан

туриб кетмасидан аввал қилинган иғво, иғво қилинганнинг қулоғига етиб бормасдан аввал тавбани бошласа, авф этилади! Ўша нарсалар ўз манзилига етиб боргандан кейин эса авф этилмас экан. Қарангки, гуноҳ йўқ бўлиши учун уй жойли аёл билан зино қилганда унинг эридан авф сўраш лозим бўлади. Намоз, рўза, закот ва хаж ибодатлари тавба билан киши гарданидан соқит бўлмайди [4.112]. Қазоси эса адо қилиниши шарт. Аллоҳ билгувчирокдир. Юқорида зикр этилган аёл билан қилинган зинони эри кечирармикан? Аслида ана шундай қўйди-чикдилар ана шундай бузук ишлар туфайли содир этилмоқда, ҳатто 20-30 йиллик рўзгорлар ҳам бузилиб кетган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Киши нафақат ўз оиласини балки бошқа оиланинг ҳам бузилиши сабабчисига айланиб қолмоқда. Энг яхшиси – бузукликдан хазар қилинса яхши эмасми? Масаланинг диний- шаръий томони тушунарли; зино жуда ёмон иллат, жуда нохуш жиноят. Сабаби муқаддас китобимиз зинодан хазар қилишни буюрмоқда ва умрни қисқартиришини, беобрў қилишини, инсондан бошқа маҳлуқотлар ғазаби, нафратидан огоҳ этмоқда. Зинонинг ижтимоий-ахлоқий томони борки, зино ҳар қандай ҳолда ҳам “оқланиши” мумкин эмас. Ҳатто зинонинг ирсий фактори бор деювчилар ҳам йўқ эмас. Покиза ва мусаффо турмушни, умр гузаронликни эсланг! Борингки, шундай гўзал ҳаёт соҳиби ёки соҳибалари ёшлик чоғида адашиб зино қилган бўлса, ўша гуноҳни эслашнинг ўзи ҳар бир инсонни ваҳимага солади. Ухровий бир ривоят ёки ҳикоятни эшитган қария ёки буви ўшандай жирканч тарихни эслаб қолса бутун бадани, қалби, руҳи изтиробга тушмайдими? Надоматлар, афсуслар ўша ярага малҳам бўлармикан? Бизнингча ўшандай нохуш соя инсоннинг хотирасидан кетмай бир умр тақиб этишини ўзи олий жазо эмасмикан? Айниқса инсон бу ёруғ оламни тарк этиш пайтида ўша нарсани эслаб қолиши ва энди буёғи нима бўлади, деган ҳадикда жон таслим қилиши даҳшатини қайси фалсафа билан шарҳлаймиз?

Жамиятнинг соғломлиги, оиланинг муқаддаслиги, ўз жуфту ҳалолига хиёнат кечирилмас иллатлигини англаган инсон бундай нопокликдан жирканади. Боз устига аёлга бир буюмдай муносабатда бўлувчилар, эркаклик

ортида ҳамма нарса мумкин деб ҳисобловчиларнинг мавжудлиги ҳам зинони одатдаги ҳолат деб тубан хулоса қилишга олиб келади. Қарангки зинони бошқаларга ҳикоя қилувчилар суҳбатида уни жон дили билан эшитувчиларнинг борлигига нима дейсиз? Жамиятдаги бузуқчиликка ижтимоий ҳаёт айбдор деб зинони оқловчиларни топилиб туришига нима дейсиз? Иллатнинг ўзи давоси борми? Бор, бу – қалбимизга кулоқ тутиш, фарзандларни ўйлаш ва ҳаётнинг қилмиш қидирмишли эканлигини таън олишдир. Масаланинг лўнда жавоби ҳадиси шарифда бор. Бир саҳобий пайғамбаримиз(с а в)дан зино учун руҳсат сўради. Ул зотнинг жахллари чиқди : Зинони ким билан қиласан ? Бировнинг онаси, аёли, синглиси ёки опаси билан. Сенинг онанг, опанг, синглинг ёки аёлинг шу ишни қилишини хоҳлайсанми, - дедилар. Саҳобий, йўқ хоҳламайман деди. Унда нега мендан бундай ифлос ишга руҳсат беришимни сўраяпсан? – деб койиб бердилар.

ОЛИЙҲИММАТЛИЛИК ВА ХАСИСЛИК (ЗИҚНАЛИК)

Ўз ватанига, халқига, одамларга наф келтирувчи фаолиятни жон-жон деб бажармоқликка олийҳимматлилик дейилади. “Ҳимматига балли - деган сўзни тез тез эшитамиз”. Маҳаллага, кўчага асфалт бостирди, гузар қуриб берди, болалар уйига, қариялар уйига моддий ёрдам уюштирди. Буларнинг бари моддий олийҳимматлиликдир. Бу олижаноб фазилат бўлиб, аразлашган оилаларни ислоҳ қилиш қийналган оилага йўл кўрсатиб, тўй маъракаларда астойдил хизмат қилиш ҳам олийҳимматлиликдир. Авлоний бобомиз олийҳимматлиликни яхши фазилатларнинг посбони деб атаган. Олийҳимматлик инсонлар аъло сифатлик, раҳим табиатли бўлади. Улар одамлардан ёрдамни аямайди, хайри саҳоватли ишларда бардавом бўлади. Пули ва молини халқ ва миллат йўлида сарфлашдан чарчамайди. Олийҳиммат одам бамисли мевали дарахт: ундан ҳам мевасидан, ҳам соясидан одамлар нафланади. Ҳимматли инсонни ҳамма яхши кўради, чунки у гўзал хулқ, одоб ва тавозелидир. Ҳиммат эгасининг молини ўрнини тангри

яна тўлдиради ва ҳатто зиёда қилади. Осмон ёритгичи қанча ёритса ҳам қуввати озаймагани сингари олийҳиммат инсонни моли ва давлати камаймайди. Инсон мартабаси унинг виждонидан билинур. Олийҳиммат инсонда виждон покиза бўлади. Ҳиммат инсонни камолга етказди, тараққиёт ва маданият унда илдиз отади. Барча яхшиликлар ҳиммат соясида камолга етади. Олийҳимматлилик ва ҳол ис ниятлилик ила одамлар тангри ёрдамига дўст, тангри раҳматига эга бўладилар. Ҳол ис ҳиммат эса Аллоҳ йўлидаги олийҳимматлиликдир. Нўширавон: “жаҳоннинг барча яхшиликлари олийҳимматлиликлар соясидадир”, - деган экан. [1,40].

Расулуллоҳ: Аллоҳ фақат ўлаётганда сахийлашган, аммо умр бўйи хасислик қилган кишидан ғазабланади. Мўмин одамда хасислик ва ёмон феъл-атвор каби ҳислатлар бўлмаслиги керак. Аллоҳнинг онт ичиб таъкидлашича, хасис жаннатга кирмайди. Хасан Басрий эътирофича хасислик кишининг ёрдам сифатида бериши керак бўлган ўз нарсаларини беътибор қолдириши, бошқаларга ҳеч нарса бермаслигидир. Хою-хавасга берилиш, бойлик ортидан қувиш, камбағалликдан қўрқиш, бола чақага эътиборни ўта юқори қўйиб, Аллоҳдан узоқлашиш каби иллатлар инсонни хасис қилиб қўяди. Хасис ўз молининг закотини беришни пайсалга солади. На ўзи ейди, на боласига едиради. Мол дунёси завқи-шавқи билан ўтган умрини совуради. Пулларини санаб завқланади. Ҳадиси шарифда “Аллоҳ бадфеълликни яратади ва бадфеъл одамларни хасислик ва мол атрофида тавоф эттиради”, - дейилган [4,141].

Имом Ғаззолий ислом динининг хужжати деб улуғланган буюк шоир ва аллома эди. У ўз шеърида:

Оч яланғоч қоламан деб қўрқма асло беравер!

Ризқ азалдан бўлингандир ўйнаб кулиб юравер!

Хасисликдан фойда йўқдир бу вафосиз дунёда,

Берган билан кам бўлмассан бахтинг бўлар зиёда.

Кўрдим жуда кўп инсонни, жўмардларга дўст улар

Мен кўрдимки, сен ҳам ўйла, ким хасисга дўст бўлар?

Хасисликдан зарар кўрган бахилларни кўрдим кўп

Нафсим хасис бўлмасин деб уни иззат қилдим хўп, - деб ёзади

Хасислар мол тўплашда бировларга захмат ҳам етказди. Савдо жойларини ўзаро талашади. Солиқ тўламаслик пайида бўлади, давлатни алдайди. Имоми Аъзам сўзи “хасис ҳеч қачон одил бўла олмайди, чунки, хасислик иллоти соҳиби доим алданиб қолишдан кўрқади. Шу боис ҳақини доим ортиғи билан олади. Унинг ўзи ўзидан кўнгли тўқ бўлмайди”

Ҳадисда ”садақа молни камайтирмайди, сув оловни ўчиргани каби садақа (закот) ҳам хатоларни ўчиради. Қиёмат кунида инсонлар устидан ҳукмлар охирига етгунча ҳар ким ўз садақасининг соясида бўлади. Яна садақа қаватламандир, яъни Аллоҳнинг наздида ортиғи билан қайтариладиган нарсандир. Камбағалга яширинча берилган садақа, шунингдек камбағаллашиб қолишдан кўрқиб ишлаб топганидан берилган садақа фазилятлироқдир”, - деб таъкидланган.

Одил одамнинг қайси ҳаракатида Барака бор? Йўқсилларни едириш ва танимаган кишиларга Аллоҳдан омонлик тилашдир.

Иблисдан Яҳё алайҳиссалом сўради: Қандай одамларни ҳаммадан кўпроқ севасан? Иблис деди: ҳаммадан ҳам яхши кўрганим хасис мўминлардир, аччиғимни келтирувчилар эса саҳий фосиқлардир. Чунки, хасис мўмин менинг васвасамга осонликча ишонади. Саҳий фосиқдан ташвишланишимнинг сабаби унинг жўмардлиги сабабидан афв этилишидан кўрқаман” [4,143].

Хасисларни маҳалла аҳли ҳам ёқтирмайди, мол дунёси кўп бўлсада у одамга маҳаллада фалончи ночор аҳволга тушиб қолибди, деб хабар бердингиз ва унга ёрдам берайлик, дедингиз. Хасис эса турли баҳоналарни ўйлаб топади, бергиси келмайди. ”Хасис Аллоҳдан ҳам, жаннатдан ҳам йироқ ва жаҳаннамга яқин. Саҳий эса Аллоҳга, жаннатга ва одамларга яқиндир ва дўзахдан узоқдир”, - деди Муҳаммад (с.а.в) “Молингизни закот билан кўрғонланглар, касалларингизни садақа билан даволанглар ва балоларни дуолар билан қарши олинглар”. “Қайси инсон кеча ва кундузда

садақа қилиб турса, илон чақиб ўлишидан, том босиб ўлишидан ёки тўсаддан ўлишидан муҳофаза қилинади [2,302].

Яна бир ҳадисда “ ким беш нарсани маън қилса, Аллоҳ ҳам ундан беш нарсани маън қилади: 1) закотни маън қилса (бермаса), молини муҳофазасини маън қилади. 2) садақани маън қилса, ундан тинчлик, хотиржамликни маън қилади 3) ушрни маън қилса ерининг баракасини маън қилади 4) дуони маън қилса, ундан ижобатини маън қилади 5) ибодатни маън қилса (дангасалик қилса), ундан ўлаётган вақтда “калимаи тоййибани”, - айтишни маън қилади. “Инсонни касаллигида минг динор садақа қилгандан бир динорни соғлигида садақа қилган афзал. Ёшлигида бир динор садақа қилса, ўлим вақтида юз динорни садақа қилишдан афзалдир, деган ҳадис ҳам ғоят ибратлидир. Абу Хурайра ривоят қилган “мол садақа билан камаймайди ва киши ўзига етган зулмни афв этса, Аллоҳ унга азизликни зиёда қилади. Кишики тангри учун тавозу қилса, уни мартаба ва даражасини кўтаради.

Илоҳий ҳақиқатлар дунёю охиратда ҳам эскирмайди. уларни баён этишдан мақсад огоҳлантириш, чунки ҳисоб-китоб кунининг эгаси беқиёс меҳрибон зот. У фақат имтиҳонли дунёни меҳр билан ирода этди, ғафлат чоҳидан бизларни қутқармоқчи бўлди. Уламолар эътирофича садақада ўнта ҳислат бўлиб бештаси ёруғ дунёда, бештаси охиратда асқотади. Ҳаёти дунёдагиси:

1. Садақада молни поклаш бор. Савдода беъмани сўз, қасам ва ёлғон бўлиб туради (билмаган ҳолда) унга садақа қўшилса, покланади.
2. Баданни гуноҳлардан поклашлик бор (тавба сурасининг 103-ояти унга исбот).
3. Садақа қилишлик касалликни даф қилади ва балоларни даф қилади (ҳадисда касалликни садақа билан даволаш уқтирилган).
4. Садақа олувчи мискинларга садақа туфайли хурсандчилик етиб боради.

5. Садақада молнинг барокоти ва ризқнинг кенг бўлишлиги бор. (Саъба сурасининг 39-ояти бунга далил) Беҳожат зот уни ўрнини тўлдириб туради.

Охиратдаги беш ҳислат

1. Қаттиқ иссиқда садақа ўз эгасига соя бўлади;
2. Садақа берганнинг ҳисоби енгил бўлади;
3. Садақа банда амалларини мезонда оғир қилади;
4. Сирот кўпригидан ўтишда восита ва далда бўлади;
5. Инсонни жаннат даражасини зиёда қилади;

Қарангки, шу ҳислатларнинг биттаси ҳам садақада гап кўп эканлигини эслатмоқда. Масалан, мискиннинг дуосига тўсиқ йўқлиги катта имконият эмасми? Бир куни Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) Ойша(р.а.) га бир юз саксон минг дирҳам юборди. У эса рўзадор эди. Кейин у пулни одамларга тарқатди. Ўзига ҳеч вақо қолмади. Ифторга жорияси нон ва ёғ келтирди. У зот деди: агар озгина дирҳам ўзимизга олиб қолганимизда гўшт сотиб олар эдик. Жория ҳамма дирҳамларни тарқатилганлигини эслатди. Ойша ҳонадонга берилган маблағларни иссиғида садақа қилиб юборар эди. Кийган кўйлаклари ямоқли эди. Бундай ишлар Аллоҳнинг: “гарчи ўзларида эҳтиёж бўлсада ўзларини қўйиб (ўзгаларга) ийсор-ихтиёр қилурлар (Ҳашр, 9)” - деган буйруқ каломига мувофиқ қилинганлигини билиб олиш қийин эмас. Ояти кариманинг давоми: “кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас ана ўшалар нажот топгувчи зотлардир”. Демак, бахиллик-шайтондандир, садақа эса Раҳмондандир. Ким ўз бахиллигини енгса (садақани сидқидилдан қилса) у тангри азобидан қутулади.

Хасислик эса инсонни жаҳаннам сари тортади. Садақа эса жаннатга. У ҳолда, нимани кучайтиришимиз маълум бўлади. Етти ҳислат борки, улар садақа беришдаги хатони тўғрилайди.

1. Садақани ҳалолдан бериш. Бу ҳақда муқаддас Қуръонда хабар берилган (Бақара, 267).

2. Мол дунёси оз инсон ҳам беради;

3. Садақа сари шошилиб беришлик;
4. Молни яхшисидан (ўзи яхши кўрганидан) беришлик;
5. Риёдан кўрқиб (уни яшириб) беришлик;
6. Миннатдан узоқ ҳолда (бошқалар билсин, демасдан) беришлик;
7. Садақа олувчига самимий, азият етказмай беришлик;

Дарҳақиқат, Аллоҳ: “Садақаларинги зни миннат ва азият билан ботил қилмангизлар” (Бақара 264), - деб айтиб огоҳлантирган.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси учун хулоса шуки, Аллоҳ бандасини садақа билан синайди. Бунинг учун ўз хазинани дафинасидан мол дунёни кимгадир кўп, кимгадир жуда кам беради. Хом сут эмган инсон эса мол дунёни мен ўзим топдим, деб ҳаёл қилади. Синовли дунё моҳиятини ё тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Натижа аниқ, синовдан ўта олмайди. Синов эса бойга ҳам камбағалга ҳам бир хилдир. Зеро, молпарастлик ва дунёпарастлик инсонни савоб ишлардан чалғитади. Умр эса фақат бир марта берилган сармоя, демак, уни қандай буюрилган бўлса шундай ўтказмоқ афзалдир. Молпарастлик ва дунёпарастлик инсонни ғафлатда қолдиргувчи, надоматга етакловчи иллатлардан экан. Инфоқ эҳсонлар билан ўтган умр эса ғафлатдан мосуводир.

ТАФАККУР ВА ҒАФЛАТ

Биз бу ерда икки ҳолатни тилга олмоқчимиз бири инсонни хушёрликка, ўз ўзини тафтиш этиб боришга олиб боради, иккинчиси эса бошқа нарсаларга чалғиб қолиб умр дафтарини беҳуда совуришга олиб боради. Тафаккур сўзида фикрлаш маъноси яшириндир. Бутун атроф, бутун табиат, инсоният ва ҳатто тафаккурнинг ўзи ҳам бир тилсим. Уни ўрганиб, моҳиятига етган одам бу дунё буюк яратувчининг жилоси, иродаси маҳсули эканлигини англайди. Оли имрон сурасида (190 оят) “Осмонлар ва ернинг яратилишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ақл эгалари учун ибратли далиллар борлиги шубҳасиздир” – дейилган. Кези келганда минглаб фан

турларини, яъни инсон асос солган илм турларини эсласак, улар юқоридаги оятни каримада айтилган, ибратли далилларни излаш ва ўрганиш билан шуғулланаётганлиги маълум бўлади. Йил фасллари бўлмаганида ҳаёт қандай бўлар эди? Янгиланишлар, бу даражадаги ўзгаришлар бўлмас эди. Демак йил давомидаги ўзгаришлар ва такрорланишлар ҳаётнинг давомийлигини тامينлаётгани рост гап. Фасллар алмашинуви инсоннинг ҳаётига ҳам соясини солиб туради. Инсон ҳаётининг ҳам бахори, ёзи, куз ва киши бор. Ҳар бир тирик зотга қазойи қадарни яратган зот туфайли жараёнлар давом этади. Бутун олам гўёки инсон учун яратилгандек. Чунки инсон у ерда марказий нуқта ва унинг атрофида бутун олам тангрига зикру-сано айтаётгандек туюлади. Демак, барча нарсани инсонга тобелиги, уни бекорга комилу муҳаррам қилиб яратилмагани маълум бўлади. Шу боис инсон уни ўрганиш ва фойдаланишда бардавомдир.

Ислом манбаларида қайта ва қайта фикрлаш, яъни тафаккурлашга чақирилади. Тафаккур эгаларини мақтаб, уларни таърифлайди: Улар турганда ҳам, ўтирганида ҳам, ётганидан ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яратилиши ҳақида тафаккур қилиб дейдилар: “Парвардигор бу борлиқни беҳуда яратгани йўқ, сен беҳуда бирон иш қилиш айбидан поксан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асрагил (Оли Имрон, 191-оят)”.

Ибн Аббос: Бир гуруҳ одамлар тангри ҳақида ўйга чўмган эдилар. Расул Акрам (с.а.в) деди “Аллоҳнинг яратганлари ҳақида фикрланг, унинг ўзи ҳақида фикрламанг! Чунки сизлар унинг буюклигини чинакамига баҳолай олмайсизлар”.

Фузайл Ибн Иёз: Фикрламоқ бир ойнадур, сенга яхши ва ёмон амалларингни кўрсатади. Иброхим Ибн Адҳамга: Нега узун ўйга толасан?, деб сўради. У эса “ тафаккур ақлнинг илигидир ” деб жавоб берди.

Тобеинлардан Товус Ибн Кайсон исмли саҳоба: Бир куни хаворийлар ҳазрати Исо (ас) га: Ер юзида сизнинг монандингиз борми?,- дедилар. У эса: Ҳа кимнингки мантиғи зикр, сукути фикр, қараши ибрат бўлса, ўша менинг

монандимдир, - деди. Вахб Ибн Мунаббих деди: Кишининг тафаккури узайса - билади, билса - амал қилади. Ибн Аббос: Яхши мавзудаги тафаккур ўша яхшиликни қилишга ундайди. Ёмонликдан афсус-надомат қилмоқ ўшандай ёмонликдан қочишга ундайди. Тафаккур билан ва бажонидил ўқилган икки ракат намоз бутун тун бўйи истар истамас ўқилган намоздан хайрлироқдир [4,288].

Демак, фикрлаш қайси йўналишда яхши бўлишлиги маълум бўлди. Зеро, ботил йўл соҳиблари ўзларининг ботил дунёқараши доирасида фикрлаб асл ҳақиқатни забт этмайдилар. Масалан ўғрининг бутун фикру-зикри ўғирликни янги восита усулларини тафаккур қилади. Ҳатто ўзи билмаган ҳолда кашф ҳам қиладилар. Метал арраловчи арранинг яратувчиси ўғрилар бўлиб, ундан кулфни бузишда қўллаганлар. Ғафлат эса шундай ахлоқ и замимадурки, унга берилмоқлик билан умр бесамара ўтиб боради. Қарабсизки ёруғ дунёни тарк этиш дақиқаси етиб келибди. Энди надомат иш бермайди. Яъни, кейинги пушаймон, ўзингга душман. Сабаби ўша пушаймон туфайли инсон янада кучлироқ азобланади, ва бу азобланишнингни ҳам фойдаси йўқ. Бир инсон ухляпти, унинг уйқусидан атрофдагиларга ҳам, ўзига ҳам фойда йўқ (манавий маънода). Ғафлат ҳам уйқу кабидир. Ғафлат босган одамга ўз ғафлатидан ўзи учун наф йўқ. Энг ачинарлиси, бутун умрнинг ғафлатда ўтганидир. Ғафлат туфайли умр созурилади, неъматлар созурилади, у Аллоҳ йўлини кўринмас қилиб қўяди, пардалайди.

Ғафлат билан надомат ҳам, ҳасад ҳам, ўзига оқиб келувчи озорлар ҳам кучаяди. Аллоҳни севувчининг қалби доимо уйғоқ бўлади. Кимкий оллоҳни севаман, деб даъвода бўлса, у доимо ғафлатдан парҳездан бўлади. Имом Ғаззолий:

Ғафлатдасан, қалбинг адашмоқда,

Умринг ўтти гуноҳларинг қалашмоқда, - деб ёзди.

Энг буюк фожеа ғафлат ичида яшамоқлик ва ғафлатда ўлиб кетмоқликдир. Ёқуб (а.с) Азроил билан дўст эди. Бир куни у Азроилга бир илтимосини айтди. Яъни ажали яқиллашганини олдинроқ хабарини

беришликни сўради, у эса рози бўлди. Бир куни Азроил тўсаддан пайдо бўлди ва Ёқубни жонини олгани келганлигини айтди. У эса берилган ваъдани эслатди. Азроил эса Ёқубга учта хабар етказдим, нега тафаккур қилмадинг? деди.

1) Сочларингга оқ тушгани мени хабарим эди.

2) Куч қувватинг аввал зўр эди, унинг кетиши иккинчи хабарим эди.

3) Қадинг олдин тик эди, унинг букулгани эса учинчи хабарим эди, - деди. Ғаззолий эса;

Дунёда не орттирдинг, фақат кибру надомат, дунёда қолгинг келар, бунга йўқ имконият, - дейди. Хўш ғафлатнинг сабабчилари нималар? Бизнингча учта:

1. Хою хавасга берилиш, у билан кун ўтганини билмаслик.

2. Мол дунёга бўлган севги-мухаббат, унинг нашидаси оханграболиги, ниҳоят, камбағал бўлиб қолишдан қўрқиш кабилар вақтнинг бесамар ўтишига сабаб бўлади.

3. Тафаккур ёки фикрлаш (бу эса ғафлат эканлигини, ботилни ботил эканлигини билиш имконияти)нинг ўта сузтлиги ҳам ғафлатни келтириб чиқаради.

Мол мулк талабида юрган инсонда тангрига мухаббат ва охират қайғуси бўлмайди. Охиратни танлаган саҳобалар (ҳазрат Абубакир Сиддик, Абдурахмон ибн Авф, Абу Зарр Ғиффорий ва бошқалар), Аллоҳ севгисига халақит бермаслиги учун мол дунёларини деярли ҳаммасини, яширинча, садақа қилган эдилар. Пайғамбар оиласи ҳам дунё севгисидан Аллоҳ севгисини юқори қўяр эди. Қизи Фотима (р.а) ни турмушга бераётганларида ошланган битта қўчқар пўстаги ва хурмо пўстлоғи тўлдирилган биттагина ёстиқни совға қилгандилар, халос. Қурони каримда: - “ким охират экинини истар экан биз унга экиннинг хосилини мўл, зиёда қилурмиз. Ким дунё экинини истар экан биз унга ўшандан берурмиз ва унинг учун охиратда бирор насиба бўлмас, “(Шуаро,54) дейилган. Хўш инсон ўз қалбини Аллоҳга

берсинми ёки дунёгами? Ақли бор одам оқибатини ўйлайди ва охиратга ҳозирлик кўради. Ғафлатга бир мисол:

Бир одам кўшнисига болта берган эди. Намоз вақтида болта эсига тушиб қолади, шунда у намозни битириб бўлиб, ўғлига бақирди: бор фалончига, болтамизни сўра! - дейди. Ўғли ундан қачон эсладингиз;? дейди? У эса “намозда” деди. Унда сиз намоз ўқимапсиз, болта сўраяпсиз, деб жавоб берган экан.

Тасаввуф алломаси Зуннун Мисрийга, тушида бир зот савол берди: Аллоҳ сенга нима деди? У эса “эй ёлғончи, бизни севаман деб иддао қилар эдинг, ундай бўлса нега ғафлатда ётибсан? Қачон бизни буйруқларимизни бажарасан? – деб жавоб қайтарди. Ҳозирги ҳолатда ғафлат уйқусидан уйғонмаган, инсонлар борми ёки йўқми? Албатта, улар, тирикчиликни, фарзандларини, бола-чақа боқишни рўқач қиладилар. Тўғри, оила иқтисодини ушлаш, фарзанд тарбиясига жиддий киришиш, уларни билимли қилиб қўйиш тангрини хурсанд қиладиган иш ва у буюрган ишлар сирасига киради. Лекин ўзи ҳақида, ҳаёт ҳақида, охират ҳақида фикрлаш, тафаккур қилиш ҳар бир мусулмон одамга буюрилганлиги ҳам рост. Ҳаёт бу мардикорхона эмас ёки ҳеч нарсани тафаккурламай манзил сари югуриладиган спорт ўйини мусобақаси ҳам эмас. У бизларга берилган буюк неъмат. Унинг эгаси бор. Шу боис, моҳиятни англаб, барча нарсани тафаккур орқали англаб, етган ҳолда умргузаронлик қилиш ҳам саодатдир. Демак, синовли дунёда ҳеч нарса бепул берилмаган. Фикрланг, сиз бефарзандсиз, сизга фарзанд берилиши учун жонингизни ҳам беришга тайёрсиз. Қанча ибодат бўлса қилар эдим, агар менга ҳам фарзанд берилса, дейсиз. Аслида сизга ўз вақтида фарзанд берилгани, соғлиқ берилгани, топишингиз яхши, мол дунёйингиз етарли, қўлингиз узун, иш жойингиз тайин. Мана шундай ҳолатда сиз ғафлатда бўлишингизни, ой-йилларни ўтказаётганингизни қандай тушуниш мумкин?

Демак, тафаккур орқали ғафлатни йўқотар эканмизда! Ва ўша коинотнинг эгасини таниб, унинг олдида шукроналикда, фикроналикда, зикриллоҳликда бўлсак нимани ютқазамиз ва нимани ютамиз?...

ИЙМОН ХАЛОВАТИ ВА ТАВАККУЛ

Исломнинг маъноси яратганга тоат қилиш, кўрсатмаларига бўйсунушдир. Етти нарсага (унинг якка-ягоналигига, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, яхшилик ҳам ёмонлик ҳам ундан эканлигига ҳамда қайта тирилишга) ишонмоқлик иймон дейилади. Бунинг учун тоат зарур. Билим эътиқод даражасига кўтарилган бўлмаса иймон қуруқ сўз бўлиб қолади. Эътиқод мусаффолиги энг керакли зарурият. Аслида иймон сўз билан айтиб, қалб билан тасдиқламоқлик бўлсада, ҳали у либоссиз, яланғочдир. Унинг либоси тақво, самараси илмдир. Инсон ўзи эътиқод қилаётган зотнинг сифатларини билмоғи, унинг ягоналиги, бошқалардан нажот сўрамаслиги, бошқа нарсага бош эгмаслиги, унинг буйруғига қарши чиқмаслиги, гуноҳ қилиш мумкин эмаслигини билмаса уни бошқалар таъсиридан ким тўхтатиб қола олади? Инсон Аллоҳнинг сифатларини тўла ва мукаммал била олмас экан, у ўзининг фикрини, амалини ва хулқини рост йўлга, худо йўлига қандай мослаштира олсин? Бунинг учун инсоннинг илми шунчаки илм бўлиб қолмай қалбининг тубидан жой олмоғи, уни эса гумон ва шубҳалардан, ҳаётини эса тўғри йўлга зид, ахлоқи замима ва мункар ишлардан тозаласин. Ислом амалиёти тангри билан боғланишдир. Аллоҳ билан одамлар кўзигагина боғланмоқлик риё эканлигини айтиб ўтдик. Ҳақиқий боғланиш ҳам дунёвий, ҳам диний ҳаётни сидқидилдан ташкил этмоқликдир. Инсонлар кўнглига озор бермаслик, қийналиб ётганларга ёрдам бериш, ҳалоллик, кибр ғурур ва риёдан ҳоли кўнгил соҳиби бўлмоқлик, давлат сиёсатига ва ватанига садоқатда ҳаёт кечирмоқлик, аслида халқимизда азалдан қадрият тусини олган.

Баъзи исломшунослар покиза ҳаёт тарзини Аллоҳ қонунлари деб таърифлашади. Яъни, инсон бу қонунларни билишим ва уларга итоатда бўлишим билангина тангри дийдорига эришаман деган, хулосада ҳаёт кечиради. Яна кўр-кўрона эмас, онгли равишда (қонунларни ўзига мослаб эмас, балки ўзини қонун доирасидаман, деб ўйлаш орқали) мусаффо эътиқод билан ҳаёт кечириш қандай яхши. Илм ва эътиқод орқали тоат қилиш айтилмоқда. Иймон калимасида, сўз билан айтиш етарли эмас, балки қалб билан тасдиқламоқлик ортида, юқоридаги ҳолатлар жойлашган. Охираат тўғрисидаги илмдан беҳабар одамга тоат қилиш ва тоат қилмасликни фарқи йўқ. Сабаби иккала ҳолатда ҳам одамнинг борар жойи бир, деб ўйлайди.

Демак, инсоннинг билими эътиқод мақомига кўтарилиши керак. Дунёвий билимда ҳам ўз билимига риоя қилиш керак. Лекин диний билимда бу масала қатъийликка айланган. Иймон талаби эътиқод мусаффолигини тақозо этади. Шубҳа ва иккиланиш эса билимнинг эътиқодга айланмаганининг натижасидир. Инсон ҳар қандай ишда фойдани кўзлайди ва ўша ишда собит қолади. Агар зарарли иш бўлса ўзини четга олади. Худонинг сифатлари, ягоналиги, қонунлари жазо ва мукофотларидан огоҳ бўлиб, чин дилдан эътиқод қилган инсон мусулмон деб аталади. Бу ҳолатни иймон ҳаловати деб атаймиз. Халқимизда мўмин бўлмагунча мусулмон бўлмайди деган гап бор. Инсонларни иймон талаблари бўйича 4 тоифага ажратиш мумкин

1- Иймон эътиқоди баланд, иймон талаби билан яшайдилар, буйруқларга бўйсинадилар, мункар ишлардан парҳезда бўладилар

2- Худога ишонмайди, ўзи билганича яшайди. Ҳеч кимга қулоқ солмайди, мен ҳаммадан зўрман дейди, турмуш ва ахлоқ илмларидан хабарсиз инсонлар.

3- Иймон келтирадию, лекин иймон тақозоси билан яшамайди, савобни ҳам, гуноҳни ҳам қилиб кетаверади, уларни қисман мусулмон дейиш ҳам мумкин.

4- Асли худога ишонмайди, лекин ўзини мусулмон кўрсатади. Мусулмон жамоалари билан аралашиб юради. Қонунларга бўйсинмайди. Ўз-ўзига зулм қилувчи инсонлардир.

Иймон-эътиқод хосил бўлишининг воситаси, сабабчиси тафаккур қилишдир. Атрофга боқинг, ҳар бир нарсада, воқеа ва ҳодисада (табиат ҳодисаси ёки жамиятда ҳам) Аллоҳнинг иштирокининг изларини кўрамиз. Ҳеч қандай нарса беҳуда яратилмаган. Ҳар бир нарсада унинг тилсими яширинган. Ана шу сиру-асрорларни билиш учун тафаккур керак. Тафаккурсиз ибодат ёки амал ҳар бир нарсага кўр-кўрона муносабатда бўлмоқликдир. Тўғри, Аллоҳнинг моҳиятини бизлар тўла била олмаймиз. Фақат унинг биру борлиги, сифатлари, яратган нарсаларини тафаккур қиламиз ва шу тафаккур доирасидагина тушунча-тасаввурга эгамиз. Лекин, иймон соҳибларига Қуръон ва ҳадислар орқали олинган чиройли билим доирасидаги маърифат етарлидир. Бунинг учун бизданда чуқур билимли мутафаккирлар асарларини ўқиб чиқилса яънада билимимиз мукаммаллашади. Сабаби улар Аллоҳнинг хос бандалари бўлиб уларга анча кўп ва муккамал билим берилган. Оятларнинг бирида “Инна фий ҳолқиссамавати фил арз, вахтила фил лайли саби қунна ҳар, ла аййатулул улул албаб” яъни “осмонлар ва ернинг яратилишида, кеча кундузнинг алмашиб туришида ақл эгалари учун аломатлар бордир”. Илмли киши эса ўша аломатларни топади. Тафаккур қилади, бирор кўшнидан нарса сўрашдан аввал сиз унга аввал яхшиликлар қилсангиз, ўша ҳолда сўрагангизни олиб чиқиб беради. Аввал ишингиз бўлмаган, яхшилик қилмагансиз, энди нарса сўраяпсиз: у ё беради, ё бермайди. Аллоҳ билан ҳам ҳудди шундай ҳолат мавжуд. Унинг буйруқлари, қонунларини бажармасангиз у билан ҳеч қачон ишингиз бўлмаса у ҳам ё беради, ё бермайди. Илм талаб қилиш ҳам шу қолибга тушади. Оилавий муаммолар (бу бизнинг ишимиз деб ҳисобловчилар хато қиладилар)ни ҳам Аллоҳ ёрдамида ҳал қилиш энг тўғри йўлдир. Ахир дуоларимизда “оиламни тинч қилгин, барокатлар бергин” деб қўшиб қўямиз-ку.

Ҳаёт инсон, тангри учлиги яратилишининг маъноси фалсафасини англашга ёрдам беради. Ибрат учун эса албатта Муҳаммад (с.а.в)дан ўзгани топа олмаймиз. Ул зот қуйидаги сифатларга эга эди:

1. Ота-она тарбиясини ола олмади, чунки улар анча эрта оламдан ўтган эдилар.
2. Ўзи уммий саводсиз, яъни ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмас эди.
3. Унинг фикрлаш одати, ахлоқи ва бошқа ҳислатлари атрофдагилардан бутунлай бошқача эди.
4. У ёлғон ишлатмас эди. Тили ва қўли билан бировга озор бермас эди.
5. У мулойим, ширин тилли, дилкаш инсон эди. Ғазаби келганда ҳам майин табассуми бор эди.
6. У ким билан ҳамсуҳбат бўлса уни одамлар яхши кўриб қолар эдилар. Унга ўзини фидо қилишар эди.
7. Бировни нарсаси, ҳатто чўпини ҳам ноҳақ олмас эди.
8. Ҳалол ва ростгўй эди. Пок эди.
9. Кўпчилик уни яхши кўриб қолиб, яна суҳбатига ошиқар эди.
10. Одамларнинг омонатларини яхши сақлагани учун, одамлар унга қиммат баҳо буюмларини қолдириб кетар эдилар. У эса ўзиникидай сақлаб берар эди.
11. Ҳалоллигидан одамлар уни “Ал-амин”, яъни, ишончли деб аташар эди.
12. Ўта шарм-ҳаёли эди, балоғат ёшидан бошлаб, баданини биров кўрмаган эди.
13. Ярамас ва разил кишилар орасида улғайсада, бу иллатлардан қаттиқ нафратланар эди.
14. Ҳар бир ишда ҳалоллик унинг шиори эди. Доим пок инсон эди.
15. Халқини бошқа юртларда босқинчилик қилаётганидан эзилар эди.
16. Одамлар орасида жанжал кўтарилса уни бостиришга киришар эди.
17. Жуда меҳрибон, раҳимдил ва кўнгилчан эди.
18. Бошқа одамларнинг мусибатларига шерик бўлар эди.

19. Етимларга, тулларга, мискинларга ёрдам берар эди.

20. Мусофирларни меҳмон қилиб, жой берар эди.

21. Бут ва санамларни ёмон кўрар эди. Худодан бошқа бирорта зотга бўйсунмас эди.

22. Халқнинг ичида тошлар орасидаги гавҳардек ёки зулмат ичра нурдек кўринар эди.

23. Ўз юртида табиатига мос келадиган ҳеч нарсани топа олмади, кўнгли тўлмади.

24. Узлатга чекинди, танҳоликда Худони фикрлаб, уни зикрини қилди.

25. Ибодат ва очлик билан ўзини доим ва руҳан тарбия қилди.

26. Тафаккур қилиб, одамларни ўраб олган қора зулматни енгил учун нур қидирди ва 40 ёшда ваҳий орқали тангри ила мулоқотга киришди.

27. Бузуқлик, бебошлиқлар билан тўла бу оламни ўнглашни хоҳлар эди.

28. Ана шу нажот йўли у Хиро ғоридаги пайтида ваҳий орқали билдирилди. Бу бутун инсоният учун маънавий юксалишни олиб келди. Нур билан учрашув эди. Аввал ҳеч бўлмаган қувват билан тўлиб-тошди.

Ҳорга оддий Муҳаммад Ибн Абдуллоҳ бўлиб кирган одам, ундан Муҳаммад Алайҳиссалом бўлиб чиқди. Дастлаб ўз яқинларига кейинги кунлардан бошлаб халқига илоҳий ҳақиқатларни етказди: “Оламни ва сиз-у бизни яратган, ризқ берадиган, ўлдириб-тирилтирадиган зотгагина ибодат қилинг! Ундангина ёрдам сўранг! Ўғирлик, бузуқлик, босқинчилик, майхўрлик, қиморбозликдан қайтинг! Одил, ҳалол, ростгўй бўлинг! Бировни ноҳақ ўлдирманг, ноҳақ уларнинг давлатларини олманглар, барча инсонлар унинг олдида тенгдирлар.

Одамларни фазилат, улуғворлик, насл-насаб, кийим, обрў, бадавлат қилмайди. Балки тақво, эзгулик, яхшилик билан эришилади. Ким эътиқодли бўлади, ёмонлардан хазар қилади, бошқаларга фақат яхшилик улашади, ўша инсон комилдир. Унинг акси бўлса, у бу дунёдан ҳам, охирабдаги ҳисобдан

ҳам маҳрумдир. Охиратда барчамиз унинг хузурида тўпланамиз, у ерда насаб, обрў иш бермайди. Иймон ва яхши амаллар иш беради”.

У зотга Маккада ҳам, Мадинада ҳам одамлар озор беради, у эса сабр қилади, озор берганларга инсоф ва тавфиқ сўрайди, дуо қилади. Ундан танлаган йўлидан қайтишини, турли мол-дунё, маблағ йиғиб беришини, душманлари ваъда қилади ва у буни рад этади. Елкасига юкланган огоҳлантирувчилик вазифасига содиқ қолади. Бу албатта олийжаноблик, яхшилик, ҳалоллик ул зотга тегишли эканлигини исбот этади. Бошига тушган азобларга ўзи учун эмас, бошқалар манфаати учун чидайди. Унга тош отишади, масҳара қилишади, ёлғончига, фолбинга чиқаришади. Лекин у, уларга инсоф тилайди, тўғри йўлни етказишда собит қадам бўлади. У кечирган кунлари ва ҳақиқатлар 23 йил давом этади. Мағриб-у Машрикқа тезлик билан тарқайди. Подачи халқ тубанликдан оламий улуғликка кўтарилади. Уларни аввал ҳеч ким танимаган эди, ислом орқали улар оламга машҳур халққа айланади.

Иймон ва таваккул бир бирини тўлдиради. Чунки иймони бақувват инсон барча мушкулликлар бошига тушганида Аллоҳга таваккул қилади. Зеро бахт-саодат ҳам, мусибатлар ҳам унинг иродаси билан бизга, ҳонадонимизга кириб келади. Кўпинча яхшилик, эзгулик ҳонадонимизда муқум бўлиб қолганида биз негадир Худони кам эслаймиз. Бу имонимизнинг суслигига далилдир. Иймон соҳиби топганларига шукур қилади, мусибат, қийинчиликларга сабр қилади, ҳамда Аллоҳдан умидвор ҳолда ҳаёт кечиради. Англиялик Пастор исмли дунё илмлари олими “Иймон ҳеч қандай тараққиётга тўсқинлик қилмайди. Чунки, ҳар бир тараққиёт Худонинг яратган нарсаларидаги исботларни очиб беради. Агар мен кечагидан кўра билимлироқ бўлсам, Аллоҳга ишончим ҳам кечагидан кўра мустаҳкамроқ бўлади”, - деган эди. Фай исмли машҳур олим ўзининг “Оламларнинг асли” номли китобида, илм ўз эгасини, Аллоҳни таън олмасликка олиб боради, деган фикр жуда нотўғри, дейди. Франциянинг Сарбона Университети Профессори тарихчи Фабер “Ҳар бир даврнинг ўз телбалиги бўлади, Худога

ишонмаслик давримизнинг телбалигидир. Мендан Аллоҳга бўладиган ишончни тортиб олаётганларидан кўра, теримни шилиб олсалар, шунча рози бўламан”, деган эди.

Олимларнинг эътирофига кўра, ҳар бир нарсанинг яратувчиси бор. Сир, асрорни билиш учун инсон ақли ишга солади. Чин олимда маърифатга мойиллик кучлик бўлади. Унинг одамларга ва Худога нисбатан муҳаббати кучлик бўлади. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Иймон” китобида доктор Альберт Вектор фикрини келтирган: “Илмий иш билан шуғулланишим Худога бўлган ишончимни мустаҳкамлайди. Ҳатто, аввалгидан кўра мустаҳкамроқ, асослироқ бўлишга олиб келади. Ҳеч шубҳа йўқки, илм албатта инсонга Аллоҳнинг қудратини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Инсон ўз илмий ишларида яхшилик қилар экан, Аллоҳга бўлган иймони ҳам кучайиб боради”. Лорд Каллифан эса: “Агар чуқурроқ ўйлаб кўрсак, илм албатта Аллоҳнинг борлигига ишонишга мажбур қилади”. Билим қанча мукамал бўлса инсон олимлашади, демакки унинг илм даражаси юқори бўлади. Илмнинг провард натижаси иймоннинг юксалишидир. Оддий одамда эса бу жараёнлар ҳали бошланмаган.

АҚШлик Креси Морисон ҳаётнинг яратилиши ҳақида фикр юритиб “жонни ёки ҳаётни материя яратганми?”, деган саволни қўяди. Ҳамма биладикки атроф муҳит ҳам, барча материялар ҳам, кимёвий ва табиий ўзгаришлар ҳам ҳеч нарсага жон кирита олмайди. Шундай экан жон ўз-ўзидан ихтиёрсиз инсонга ёки ҳайвонга кириб келган дейиш мумкинми? Шундай экан, жон сезиш ва тафаккурнинг асосий манбаидир. Ўз-ўзидан инсон ҳеч нарсани (Аллоҳ)ни ҳам таниб ола олмайди. Соғлом ақл, ҳеч қачон нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлган деган назарияни қабул қила олмайди. Демак инсоният ҳеч қачон Аллоҳнинг яратувчанлигини инкор эта олмайди. Инкор қилувчи эса ҳақиқий билим соҳиби эмас, у борлиқ даштининг адашган қароқчисидир.

ТАЪМА, ҲАҚОРАТ, ДИЁНАТ

Абдулла Авлоний бобомиз ўзининг Ахлоққа бағишланган китобида таъма балосига гирифтор бўлган кишиларда номус ва ҳаё деган сифатлар бўлмайди, замонамизда, орамизда таъма нони билан қорин тўйғазадиган кишиларнинг ҳисоби йўқдур, деб нолиган эдилар. Одатда, таъма деб бировдан, нимадир, бир нарсадан умидвор бўлмоқликка айтилади. Инсоннинг аъзолари ва жавоҳирлари соғ, куч қуввати жойида бўлган кишиларга таъма билан кун кечириш ҳаромдур. Ҳатто ожизу-нотовон, кучсиз инсонларга ҳам таъма ножойиз. Кўпинча кўчаларда кўрамиз тоғни урса талқон қиладиган йигитлар тиламчилик қилиб ўтирган бўлади ёки 14-18 ёш лўли қизларни ҳонадонма-ҳонадон юриб эҳсон талаб қиладиганлари ҳам учраб туради. Мансаб ва лавозим соҳиблари бирор одамни ишини битириб бериши учун таъмагирлиги ҳаромдир. Унинг айланиб сўраётган нарсаси эса пора дейилади. Бу нарса албатта жамият иллоти ҳисобланади. Агар таъма соҳибига қўл оёғинг, бутун, бу ҳолатинг эса ҳаром эмасму, десангиз қандай қилай, ўрганиб қолганман деб айтади. Тиланчига жазо йўқ бўлсада жамоатчилик нафрати ва фикри бор. Ҳаром ишларга рағбати баланд инсонларнинг диёнати ҳам оқсайди. Улардан яхшилик кутилмайди. Ҳадисларда “тамадан сақланинг, аввал қиладиган ишни қилиб қўйиб кейин узр сўрайдиган ҳолатлардан сақланинг”, - дейилган.

Ҳақорат деб бировга баралла, ёмон ноахлоқ ий сўзларни айтиб озор беришга айтилади. Ҳақорат маънавий жиноятлар тоифасига киради. Бировнинг иззат нафсига тегадиган, қадр қимматини тушириш ниятида қилинган ноахлоқ ий хуруждир. Ҳақорат пайтида кўпинча муштлашув ҳам келиб чиқиши мумкин. Уламолар ҳақоратни катта гуноҳларга тенглаштирганлар. Сабаби, ахлоқ сизлик, савоб гуноҳдан беҳабарликнинг оқибати -ҳақоратдир. Ҳақорат орқали таҳқирланган кишини дили вайрон бўлади ва унинг дилида ўч олиш майли кучаяди. У шундай жароҳатки вақтини пойлаб, ёки интиқом олмагунча тузалмайди. Ҳадисларда икки одам

бир-бирини сўкса, гуноҳ бошловчига бўлади. Агар қарши бўлган киши орттириб юборса уларнинг ҳар иккисини ҳам гуноҳда тенг саналади. Мўмин одам ўз қариндошини сўкиши фосиқлик, оилалараро урушмаклик эса куфрдур, - дейилган.

Сўкиш ва ачитиб гапиришни араблар “базоға” дейишади. Яъни аччиқ ва уятсиз гапни англатади. Фахш ишлар ва уятсизлик кўп ҳол ларда уят гапларни бепарда айтиш билан юз беради. Бу нарсалар жинсий мунасабатга оид сўзларни бешармлиқ билан сўзлаш демакдир. Солиҳ одам бу сўзлардан ҳаё қилади. Ғаззолий “Базоға қабих саналган нарсани очик ойдин сўзлар билан ифодалашдир”-деган. Шариат чегарасидан чиқиб гуноҳга юз бурувчи одамни фосиқ дейилади ва бу ҳолат унинг учун диндан чиқишнинг бошланишидир. Ҳадисда фиск, уриш куфр дейилган. Фиск куфрга олиб боради. Сўкиш эса уришга олиб боради. Расуллулоҳ: “мусулмонни сўкиш инсонни ҳалокат жари ёқасига келганини англатади”-дедилар. Сўкиш билан фаҳрланадиган шахсларни биламиз, ҳатто сўкиш билан ёшлар ўзаро обрў олмоқчи бўлганига нима дейсиз? Кўплари олий маълумотли, катта мансаб эгалари, яхши кийинган, яхши яшаётган кимсаларни ўзаро сўкиш билан шуғулланиши одатий ҳол га айланиб қолмоқда. Айрим мажлисларда бошқарув мақсадида бўйсинувчиларни иззат нафсга тегиш, ҳақорат қилиш ҳолатлари оммалашиб бормоқда. Таълим масканлари маданият маскани ҳамдир. Маънавияти саёз айрим мажлисларда қатнашган олийгоҳ раҳбари у ердаги маданиятсизликни университет мажлисларига олиб келиб қўллаганига нима дейсиз? Яъни одобни одобсиздан ўрган дегани эмасмикан?

Диёнат тангрига инсонни яқинлаштирадиган муқаддас эътиқоддир. Диёнат инсоннинг диний ва ахлоқ ий ишларининг мукамаллиги ва поклигининг кўрсаткичидир. Дин ва эътиқоди соғлом кишилар ҳалолни ҳаромдан, ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан аъло даражада фарқлай олади. Буни акси бўлганларнинг диёнатидан на ўзига, на бошқаларга фойда йўқ. Дини саломат инсон ўзини ҳам, оиласини ҳам нопок ишлардан сақлайди. Диёнат инсондаги инсонийликни,

халқпарварликни, ватанпарварликни покиза сақламоқлик ҳамдир. Диёнат аҳли ибодатни икки турга бўлганлар: тан ибодати ва руҳ ибодати. Таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж жасаддан талаб қилинадиган ибодатлардир.

Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёҳид ахлоқ” китобида руҳ ибодати қалб билан қилинадиган ибодатдир, яъни эътиқодни мустаҳкам, дилни пок қилиб тангри маърифатини ўрганмоқлик, - деб таъриф берган. Агар иккала ибодатдан бири қолиб, иккинчисини ёки аксини бажарса, ибодати мукамал бўлмаслигидан огоҳлантирган. Яна ақл дин билан, дин эса амал билан, амал эса тақво билан камолга етади - дейди. Кўп манбаларда диёнатга алоқадор фикр билдириляётганда, “дину диёнат” деб, қўшма сўзни ишлатилишида ҳам мантиқ бор. Уларни ажратиб тушунилмайди. Ҳадисларда ибодат лаззатини уни қалбдан ҳис қилиб бажарганда сезиш мумкинлиги айтилган.

Исллом оламида Жоруллоҳ (худонинг қўшниси) номини олган машхур ватандошимиз Маҳмуд Замаҳшарийдан нега сиз ҳар доим Маккаи мукаррамага ошиқаверасиз деб сўраганларида ул зот “ибодатнинг лаззатини, Аллоҳнинг ҳайбатини фақат Маккадагина сезиш мумкин” деб жавоб берган эди. Диёнатнинг дунёвий ечими ҳам бор. Инсон ўз оиласини (ота-она, жуфти ҳалол , фарзандлар) сотиши мумкинми? Инсон ўз халқи ва миллатини сотиши мумкинми? Инсон ўз Ватаниничи? Бу саволларга фақат битта сўз билан, яъни “йўқ” деб жавоб берамиз. Ўша қатъий йўқни “ҳа”га айланттирганларни диёнатсиз деб аташ керак.

Ота-она битта, Ватан ҳам битта, демак, уларни алмаштириб бўлмайди. Демак, тез-тез дуоларимизда динимни, иймонимни ва диёнатимни омон сақла, деб сўрашимиз керак экан. Диёнатда адашмоқлик фақат билимсизлик хосиласи, хиёнат эса динга, ватанга ўз оиласига қилинган кўрнамақликдир.

ШУКР, ҒАЗАБ, ҚАНОАТ

Бизлар аслида дунёвий оламда умргузаронлик қилаётган бўлсакда ҳеч қачон ухровий оламдан ташқарида эмасмиз. Сабаби ўрганишни осонлаштириш учунгина уларни иккига бўладилар. Аслида дунёвийликда динийликни, динийликда дунёвийликни кўрамиз. Ҳар қандай дин, ғоя, таълимотлар инсонга йўналтирилган. Моҳиятан айтилган оламлар бир бирини тўлдиради. Икки оламини ўрганувчи фанлар ҳам бир бирини тўлдиради. Уларни алоҳида деб шархламоқ нодонликдир. Улар орасига Хитой девори қўймоқлик икки қарра нодонликдир

Инсондаги шукр ҳам икки дунёни бир бири билан боғловчи хилқатдир. Инсон худодан ниманидир сўради ва унга эга бўлди. Неъмат берувчи зотга мақтов сўзларини айтиш ва ўша неъматни уни берган зотнинг розилиги йўлида ишлатиш шукрдир. Эришган бойликни бошқаларни камситишга, халққа зарар келтиришга, одамларнинг зиёни учун ишлатилса, шукрга зид иш бўлади. Масалан, ақл неъматидан фойдаланиб қабиҳ ва разил йўлдан борувчи инсонни шукр қилувчи деб бўладими? Шукрни моҳияти асл неъматни ҳис қилиш ва изхор қилишдир, тангри эҳсонига нисбатан бўлган ирфондир. Шукр билан савоб ва ажр ҳам гўзал мақтовдир. Шукрни фақат банда амалга оширади, дейишлик хатодир. Шукрни Аллоҳ ҳам адо этади: у ўзининг шукур қилгувчилик сифати билан инсонни оз қилган амалига кўп савоб бериш билан мукофотлашини ваъда қилган. Эсланг, “шукр қилсангизлар неъматларимни зиёда қилиб бераман”, - деган мазмундаги ояти каримани! Тил шукри (неъмат берувчига ҳамду сано (мақтов) айтиш) ва аъзоларнинг шукри (азоларнинг шукри фақат ҳалол ва савоб йўлида ишлатмоқлик) каби шукр турлари мавжуд. Шукр ризони ҳам ўз ичида сақлайди. Ризосиз шукр йўқ, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф шукр инсон иймонининг ярмидир деган фикирни берган. Шукирнинг зиди куфрони нематдир, яъни бу мол, бу бойликни мен ўзим топдим. Мен,

ақлиман, демак бойман, мен қудратлиман, мендан ҳамма кўрқади, мен амалдорлигим зўрлигимдандир, деган фикрлар куфрони неъматни ўзидир.

Яна бир ҳақиқат: Бирор одамга берилган неъматда ўша бандани синамоқликни ҳам мақсад қилинган бўлади. Аввало шукр қилса ҳам, куфрони неъмат қилса ҳам инсон тангри учун на фойда, на зиён келтира олади. Шукр қилгувчи ўзи учун шукр қилади. Тангри доимо бандасини кузатиб турганини ҳис қилувчи одам ўзига берилган яхшиликни қувватидан манманлик, исроф ёки бошқа салбий ҳолатлардан холи бўлади. Неъматни берувчи Аллоҳ эканлигини таън олмаслик, унга ҳамду-сано айтмаслик, неъматни номақбул йўлга сарфламоқликни куфрони неъмат дейилади. Бундай муносабат яратгани таън олмасликка, манманликка, ғазабга сабаб бўлади. Муҳаммад (с.а.в) намозда туравериб оёқлари, болдирлари шишиб кетар экан. У зотга: сизнинг аввалию-охирги гуноҳларингиз кечирилганку, нега бунчалик такаллуф қиласиз?, - деганларида “шукр қилувчи банда бўлмайманми?” - деган жавоб қилдилар. Имом Байҳақий ҳазрат Алидан ривоят қилади “Албатта неъмат шукр ила улангандир. Шукр эса зиёдага боғлангандир. Уларнинг иккиси бир жойга жойлаштирилгандир. Бандадан шукр узулмагунча Алоҳдан зиёда қилиш узилмайди” - деди ҳазрат Али (к.в). Абдуллоҳ ибн Маъсудга тақво нима, -деган саволни берганларида “Аллоҳга итоат этиб, исён қилмаслик, уни эслаш ва унутмаслик, унга доимо шукр қилиб, куйфурга кетмаслик”, - деб жавоб қилгандилар. Ғазабга келсак у ҳам ноҳуш маънавий жиноятдир. Ғазаб билан ҳеч бир иш яхши яқунланмайди. Бошқа одамнинг дил шишасини ғазаб билан синдирилади, вайрон қилинади. Кўпинча ғазаб билан бола тарбияламоқчи бўламиз, иш ўргатмоқчи бўламиз ёки тушунтирмоқчи бўламиз. Ғазаб қилувчи рухшунослар таъбири билан айтганда ғазаб қилинганга 70% га рухий озор берар экан, қолган 30% билан ўзининг дилини яралар экан. Бу нарса йиғилиб-йиғилиб ғазабли киши танасига заҳарли таъсир қилиб, охири барвақт ўлим томонга олиб келар экан. Демак, ғазаб қилувчи ўзи бенасиб қолмас эканда! Оли-имрон сурасининг 134 оятида “Ва ғазабларини ичларига ютадиган” инсонларни улуғлаган. Абу

Саид Худрий исми машхур саҳоба Расулиллоҳдан ҳикоя қилади: у зот: албатта ғазаб ўтдан учқундир. Ким ғазабланса, тик турган бўлса ўтириб олсин, агар ўтирган ҳол ида ғазаби тўхтамаса ётиб олсин, агар ётиб олган ҳолда ҳам ғазаби келса, тупроққа думаласин – деди. Ким ўч олишга қодир бўлиб, ўч олмасдан ғазабини тийса, тангри уни қалбини розилик билан тўлдиради.

Абу Лайс самарқандий “Танбеҳ-ул-ғофилийн”да инжилдан парча келтиради: Эй одам фарзанди! Мени ғазаб келганда эслагин мен ҳам сени ғазабим келганда эслайман. Сенга берган ёрдамимга рози бўлгин. Албатта, менинг сенга ёрдамим ўзинга қилган ёрдамингдан яхшидир [2,205]. Уч хислат, дейди фақиҳлардан бири, кимда бўлмаса иймон лаззатини тотмайди: халимлик - у билан жохилни жохиллиги қайтади. Тақводорлик - ҳаром нарсалардан сақлайди, чиройли хулқли бўлмоқлик - одамлар орасида обрўли қилади.

Расулуллоҳдан сўради? Ёмон одам ким? У зот инсонларга ғазаб қиладиган ва инсонлар унга ғазаб қиладиган кишидир, - деди. Ундан ҳам ёмонроғи ҳожандмандга ёрдам бермайдиган, узрни қабул қилмайдиган, гуноҳни кечирмайдиган кишидир. Инсонда қаттиқликдан кўра юмшоқлик кўп фойдалидир. Чунки юмшоқликнинг мазаси бошида аччиқ охирида жуда ширин бўлади. Шашқалоқликда уч нарса бор: ичида надомат қилади одамлар уни айблашади, тангри жазолайди. Сабрда ҳам уч нарса бор: инсон қалби билан хурсанд бўлади, одамлар мақтовига сазовор бўлади, тангри у билан бирга бўлади.

Муҳаммад (с.а.в) дан ривоят қилинади:қиёмат куни ҳар қандай ҳолат ёки ишда ҳам Аллоҳга шукр қилганлар оёққа-турсин дейилади ва бир қисм инсонлар ўринларидан турадилар ва жаннат сари йўл оладилар.Улар ичида қалби билан тили билан шукр қилгувчулар бўлади. Яъни бу дегани қалби билан яхши нарсаларни ният қилмоқ ва барча жонзодлар учун қалбда яхши фикрларни жо қилмоқ, демакдир. Тилга чиқувчи шукр сидқидилдан қалбдан айтилганидир. Ҳадисларнинг бирида [4,272] “ҳамд ёки шукр Аллоҳнинг

киядиган чакмонидир” (Чакмон инсонга қанчалик ёқимли бўлса , ҳамд ҳам Аллоҳга шунчалик ёқимлидир, дейилган) Аллоҳ яна: комил бандаларни комиллиги эвазига улардан қилган гуноҳларидан рози бўлдим, деган эди. Аюб (а.с) га шукр итоатдир, ибодатдир шикоят эса динда хунук нарсадир, Ўйлан: шикоят қилувчи бошига келган мушкулликдан шикоят қилади.

Демак, у мушкуллик юборган зотдан шикоят қилмоқда. Қаранки у кимга шикоят қилади? Бу нарса тақдири илохийга рози бўлмаслик, балоларга сабр этмасликдир. Қўлидан келмайдиган нарсага осилаверса, фақат ўз ўзига жабр қилади. Шикоят ёки нолишни бошқаларга эмас, фақат тангрига айтгани яхши. Ўз ҳолатини, талабини тангрига айтмоқлик олийжанобликдир. Зеро балоларни бандадан йўқотиш фақат уни қўлидан келади. Ундан бошқасига шикоят қилиш тубанликдир. Ҳеч қачон инсон инсонга зорланмасин, чунки бу жуда хунук ишдир. Қалб, тил, аъзолар шукри шуки, уларни бизга беназир ҳада қилган зотга миннатдорчилик қилишимиздир. Инсон ҳар қанча чиранмасин, улардан биронтасини ўзи ярата олмайди. Масалан, маломат қилинаётган турли гуноҳ ва айб нарсаларга қарашдан кўзларини олиб қочмоқ-кўзларнинг шукридир. Гуноҳ ишларга бормай савоб ишларга бормоқлик оёқларнинг шукри, ёрдамга мухтожларга қўли билан мурувват кўрсатиш, далда бериш, ширин сўзлаш қўл ва тилнинг шукридир. Энг ёмони ўзи олим бўла туриб ўша олимликни мен ўзим қўлга киритганман, деб керилувчи олимнинг шукр қилмаганлиги ва шу ҳолат билан ўз умрини совурганидир. Олимнинг илми туфайли ўша олим ё абадий саодатга эришади ёки абадий фалокатга эга бўлади. Агар чуқур ўрганган илми билан абадий саодатга эриша олмаса, у ўзини синов учун берилган соғлик ва хотиржамликни ҳаром қилган бўлади.

Ҳазрати Умар доимо умматнинг бошига мунофиқ олим келиб қолишидан хавотирда эди. Ундан сўрадилар мунофиқ олим ким ўзи? У жавоб қилди: тили олим, қалби жохил, илмга амал қилмайдиган одам. Мунофиқ дегани тили бошқа дили бошқа инсондир. Унинг қисмати сураи бақарада

келтирилган. Шунинг учун, Хасан Басрий: Олимларнинг илмини, файласуфларнинг назарияларини тўплаб, амалда нодондек иш кўрувчилардан бўлма деб шогирдига тушунтирар эди .

Сўфиёни Саврий исмли саҳоба: Илм амални чақиради. Агар ижобат этса, илм қолади. Ижобат этмаса илм кетади. Чиндан ҳам талаба илм ўрганаётганда олимдир. Олим бўлдим энди бас деб хулоса чиқарган чоғидан бошлаб жохилдир. [4, 2. 222-223]

Қаноат нима? Кифоя миқдори оз нарсага рози бўлишлик қаноатдир. Берилган умр, соғлик, мартаба, мавқе, ўтган кун учун розилик қаноатни хосил қилади. Керагидан ортиғини сўрашлик унинг орқасидан елиб югуришлик инсонни таъмагирга айлантиради. Аллоҳнинг расули: Мўминнинг олижаноблиги кўнгил тўқлигида ва Аллоҳдан бошқа кимсанинг миннатига қолмаслигидир. Қаноатли бўлишда хурлик ва ўз-ўзига беклик бор” –деб марҳамат қилган. Янги тушган келин янги шароитга кўниб кетиши учун уни аввал огоҳлантириб, тайёрлаб, турмуш нималигини тушунтириб кўйилган бўлиши керак. Иқтисодий ночорроқ оилага тушган, аввал ўз оиласидаги тўкин-сочинликни топа олмаган келин янги оиладан совиб кетишининг сабаби юқоридагиларда айтилди. Қаноат тарбияланган қиз албатта янги оилада томир-илдиз отади. Камчиликларга қаноат қилади. Қаноатдан фазилатли бойликни, таъмадай инсонни эзгувчи қашшоқликни бошқа жойдан топиш мушкул.

Имом Ғаззолий айтади: “Қаноат менга олийжаноблик либоси бўлиб кўринади,” қаноатдан ҳам азизроқ бойлик борми? Қаноатни ўзингизга темир бошли мол қилиб олинг. Ундан кейин эса тақвони сармоя қилинг! Шундай қилсангиз икки тарафдан бойлик ортирган бўласиз. [4, (2), 88]

Нафсингизни озгина миқдорга кўндириг, чунки у ўзига керагидан ортиғини истайди. Сиз бутун яшаган ва яшайдиган умрингиз давомида фақат ўзингизга аталган (буюрилган) замон ичида яшайсиз! Ризқ сиздан юз ўгирган пайтларда қийинчиликка чиданг, кўлингизда борига қаноат қилинг.

Хасисларга эргашманг, тўйиш ва чанқоқни қондириш жиҳатидан сизга қаноатли бўлиш кифоядир. Расулуллоҳнинг уйларида овқатни эртага олиб қўйиш йўқ эди. Тушган, эҳсон қилинган нарсалар кечиктирилмай ўша дақиқаларда мухтожларга тарқатилар эди. Нима бўлса ҳам, қўлга киритаман деган истакда юрганлар кўпчиликни ташкил қилади. Натижада жиноят йўлига ўтилади. Ёш туриб “қамалган” деб аталувчи тамға ўша инсонга босилади ва у нарса ўша инсонни бир умр тақиб қилади. Мол дунё иштиёқи хирс-хавасда доимий бўлган одам табиатига ин қурган нарса қаноатсизликдир. Тангри қаноатни ва қаноатли бўлганларни мадх этди. Исломда барқарор, унинг ахлоқи билан ахлоқланган ҳалол ризқ билан қаноатланган ва ҳар бир нарсага қаноатли инсонлар бахтли инсонлардир. Ҳадисларда: бойлик дегани мол мулкнинг кўплиги дегани эмас, бойлик дегани нафс ва кўнгилни тўқлигидир дейилган. Шундай қилиб Расулуллоҳдан ҳадис (Имом Бухорий): Эй, инсонлар, ризқ талабида хасис бўлманг. Зеро бирон кимса йўқки, унинг насибаси айриб қўйилган бўлмасин. Бандаси дунёдан насибасини олмасдан бурун ўлмайди. Очкўзлик ёмон нарса у инсонни тубанлаштиради, жиноятга бошлайди. Тамагирнинг охириги манзили-дўзах, дунёдагиси ёки ҳаёти дунёда топгани эса маҳбуслик.

Абу Хурайра Расулуллоҳдан ривоят қилган ҳадисда: Тақво соҳиби бўл, инсонлар орасида энг кўп ибодатлиси сен бўласан, қаноатли бўл инсонлар орасида энг кўп шукр қилгани сен бўласан. Ўзинга раво кўрганнингни ўзинг севган ҳар нарсани бошқаларга ҳам иста, мўмин бўласан – деди. [4, (1), 204]

КЕЧИРИМЛИЛИК, ШАҲВАТ ВА ЖАҲОЛАТ

Чўлдан келган бадавий, пайғамбар (с.а.в)га юзланиб “дин нима ё расулуллоҳ” - деб 3 марта сўради ҳар сафар “тўзал ахлоқ ” - деган жавобни олаверди. Чамаси, жавобдан қоникмаган бадавий яна такрорлашни ният қилди ва сўради. Пайғамбар (с.а.в) бу сафар “кечиримли бўлишлик ҳамдир,

тушундингми?” - деди. Уламолар бу ҳадисдан хулоса чиқариб диннинг 75% қисми гўзал ахлоқ дан ва 25% қисми кечиримли бўлишликдир, - деб хулоса қилганлар. Демак, биров бировни ҳафа қилиб қўйса ёки дилини оғритган бўлса, ўша одамни кечириб юбориш, ундан ўч олишдан минг бора яхши ҳислат экан. Кечиримлилик сифати билан безанган инсонни, у юксак маънавий мақомларга кўтаради.

Бировни авф этиш ҳам мард кишининг ишидир. Ўч олиш истаги эса ҳис-ҳаяжон билан боғланган. Ҳаяжон ва ҳиссиёт ҳолатида инсон ғазаб қилади. Бир одам қилган ишини бўйнига олиб, ўтиниб, кечирмоқликни сўраса, авф қилмоқ лозим бўлади. Авф ҳисси фақат ақл эгаси бўлган, ўзгаларнинг зулми ва озорларига чидамли бўлган, сабр қила оладиган инсонларнинг ишидир. Бизга ёки сизга душманликни қалбида сақлаб юрадиган киши қалбида ёмонлик жойлашиб олган одамдир. Қачондир (буни, ҳаёт дейдилар) биз ҳам кимларнидир кечиришига мухтож бўлиб қолишимиз мумкин. Биз бошқаларни кечирайлик, ўшанда ўзгалар бизларни ҳам кечирадилар. Биз мурувват кўрсатдик, бизга ҳам мурувват кўрсатадилар деган араб мақоли худди шу ҳолат учун айтилгандек. Ҳар доим ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш зарур, чунки яхшилик ўша ёмонликни ҳам, унинг соҳибини ҳам хайратга солиб қўяди, у ўз ишидан пушаймон бўлади, боз устига ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш ҳам авфдир. У душманни дўстга айлантиради, ёмонлик қилган одам сизни олийжаноблигингиздан ўзини қўярга жой топа олмайди. Бу ҳолатни бошида яратган зотнинг сифати бўлиб, у кечиримли инсонларни севади “Авф қилмоғингиз, кўнгилни кенг тутмоғингиз ва кечирмоғингиз яхшидир. Албатта Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир” (Тағибун, 14) - деган. Кечиримлиликда душманлик ўрнини муҳаббат эгаллайди, у одам дўстга айланади. Юкоридагилардан ислом кишисига ҳар қанча ёмонлик қилсангиз ҳам бўлаверади, гуноҳларни унга авф қилиш буюрилган, деб хулоса қилмаслик керак. (Шуаро, 40) “Ёмонликнинг жазоси, ўзига ўхшаган ёмонликдир. Ким авф қилса, унинг савобини Аллоҳнинг ўзи беради. Албатта Аллоҳ, золимларни ёқтирмайди.” дейилган. Наҳл сурасида

“сизга қандай азоб берилган бўлса, унга ҳам шундай қилинг”, - дейилган.(126) Америкалик шайхнинг фикрини шайх ҳазратлари ўзининг “нахл” китобида (106 бет) келтиради. Христиан дини раҳмлироқми ёки ислом диними, деган саволга шайх Муҳаммад Шол (АҚШ лик) “Ислом чақириғи ҳақийқий инсон чақириғидир, бизнингча ислом дини христиан динидан раҳмлироқдир. Ҳатто инжилда “ўнг бетингга уришса, чап бетингни тутиб бер”,”кийимингни тортиб олганга, бошқа кийимингни қўшиб бер” деб айтилган бўлса ҳам. Чунки ёмонликка учраган одамга қасос олиш ҳаққи берилса уни қалби тинчланади. У ҳақиқат юзага чиқиши учун бир ишни қилишга руҳсат олади, кейин қасос олиш имкони бўла туриб авф қилиш яхши, деб кўндирилса рози ҳам бўлади. Ҳеч шубҳа йўқки, бундай авф раҳмат ва иззатдан келиб чиққан авф бўлади. Аксинча, унга аввалдан авф ҳақида гапирсак қасос олиш ҳуқуқи берилмаса, у бунга рози бўлади. Лекин, барибир зулмдан ўша одамни ёмон кўриб, кўнади. Сабаби бу ноиложликдан авф қилишдир. Ислом динидаги авф қасос олиш имкони бор бўлган авфдир. Шундай қилиб авф яхши хулқларнинг афзали ва солиҳ инсонининг ахлоқидир. Бир биримизни айбимизни бўйнимизга олиб, кечирсак, олийжаноб инсонлар тоифасига ёзиламиз. Қусур ва қабохатни ўз бўйнига олмоқлик, кечирим сўрамоқлик мард инсонларнинг ишидир. Улуғворлик ва буюкликнинг лаззати ўч олмоқликда эмас, балки авф қилишлиқдадир. Бир талаба иккинчисига ёмонлик қилди, иккинчиси бунинг учун биринчи талабадан ўчини олди. Натижада ҳар иккисининг ҳам дили вайрон бўлди. Агар улар мардлик қилиб бир бирларини кечирганларида ҳар иккиси ҳам мағрур ва хурсанд бўлар эдилар. Тангри авф ва мағфират эгаси бўлгани боис авф қилувчиларни севади. Вазир Ануширавон: гуноҳкор дўстимни авф қилганимдаги лаззатни ҳеч кимга бермаган бўлар эдим, деган эди. Шаҳватга келсак уни Авлоний бобомиз: “Ҳикмати табиъя” қонунининг аҳкоми азлиясина қараганда, ҳиссиёти шахвония бақойи ҳаётга маҳсус бир қуввайи фатриядир. Шаҳват инсоннинг хазинайи жимо қувватини ўлдириш учун сурати машруада сарф қилинса, вужуднинг закоти, балки бани башар

наслини мадори ҳаётидир, - деб таъриф беради. Агар шаҳватни ғайримашруъ бир йўлда суистеъмол қилинса омонатга ҳиёнат бўлади. Масалан, емак учун яратилган нарсани кадр-қийматини билмасдан, хорлаб, ўринсиз ерларга ташланса, оёқ ости қилинса, куфрона неъмат бўлгани каби хиёнат бўлади. У инсон учун яратилиши бир салоҳдирки, ўрнида истеъмол қилинса вужудимизни кераксиз нарсалардан озод қилур. Акс ҳолда, инсоннинг ифратини барбод қилмоқ билан бирга ҳаётини ҳам ҳароб қилади. Афсус баъзи ёшларимиз шаҳват ғалабаси ила нафси аммораларига мубтало бўлиб сифилис, захм каби уятли касалликларга дучор бўлмоқда. Қанча меҳнат ва машаққат ила топган маблағларини даволашга сарфлаб, олтидан кадрли умрларини касалхонада ўтказадилар [ўша жой 42 б]. Агар шаҳват яратилмаса инсон зурриёти бўлмас эди. Демак шаҳватни иймондан келиб чиқиб, авайламоқ ва ишлатмоқ ҳам ахлоқ, ҳам ибодатдир.

Жаҳолат, аслида нодонликдир. Нодонлик, эса билимсизликдир. Барча ёмон хулқлар жаҳолатнинг болаларидир. Жаҳолат туфайли ширин ҳаёт мотамга айланиши мумкин. Халқ шоири Назирулло Ислоннинг “Рухлар исёни” номли поэмасида бир табибнинг кўр кишини кўзини очганлиги ҳикоя қилинади. Кейинчалик, табибни шаккокликда айблашиб, қози уни ўлимга ҳукм қилади. Катта майдонда табибни дарахт танасига боғлашиб, унинг оёғи остига ўтин қалаштирадилар. Шунда бир боғ ўтинни кўтариб келаётган собиқ, кўр инсон ҳам уни табиб пойига ташлайди. Кўр табибга бекорга кўзини очганидан зорланади. Бу кўриниш жаҳолат эди. Билимсизлик инсонни жаҳолатга етаклайди. Жаҳолат бор жойда, эзгуликка ўрин қолмайди. Маҳалла йигитларини кузатаман, бир бирларига дўст бўла туриб билимсиз билимсиз билан, ўқимишли ўқимишли билан, ўқимаган ўқимаган билан суҳбатлашганини кўриб ёқа ушлайсиз. Гап гаштакларда билимли инсон атрофида билимсизлар йиғилса, уларнинг билимларидан баҳраманд бўлса қандай яхши. Гап-гаштаклар ичкилик ичиш учун ёки пул йиғиш учун ташкил қилиниши жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Инсонга бешиқдан қабргача билим ўрганмоқлик фарз қилинганлиги ёинки “илмни Хитойдан бўлса ҳам ўрганиб

келинглар”, - деган хадисдаги ибратли хулосалар жаҳолатдан сақланишни тавсия қилади. Маориф, илм ва маданиятдан маҳрум халқ жаҳолатга юз ўгиради ва жаҳолат панжалари орасида ҳамр каби эзилади. Илм марифат кишилари эса ақли ва билими соясида ҳар бир ишни мантиқ ва тафаккур билан бажаради. Авлоний бобомиз ҳар бир нарсанинг ҳақиқати ақл ва ирфон, илм ва дониш эгаларига роҳат, жохил ва нодонларга азият бўлиб таъсир қилади деган фикрни берган. Жаҳолат эгаси қасрда бўлмасин, шараф ва иззатга нолайиқдир. Моддият жиҳатидан бой бўлса ҳам, маънавий жиҳатдан фақир ва залил ҳисобланади. Жаҳолат эгаси фақир ва мухтожликдан минг мартта кўрқинчлироқ ҳолатда қарор топган бўлади. Жаҳолатдан ёмонлик, балолар, хорликлар кетма-кет туғилаверади. Ҳазрат Али: “фазли камол соҳиблари жохилдан қанча жафо чекса, жохил ҳам ақл ва билим соҳибларидан шунча паст саналур”, деган. Суқрот эса “дунёда энг ёмон иллат жохилликдур, мен жохилга ачинганимдек кўрга ачинмайман”, - деган эди. Араблар “Ал-жохилу маййит ул ахё” яъни нодон киши тирик ўликдир, дейишади. Нодон дўстдан зийрак душман афзал, - дейди кексалар. Оқил душманнинг зарари нодон дўстнинг фойдасидан авфзалдир. Афлотун эса “жохилнинг яхши нияти фозилнинг хусуматидан зарарлироқдир” деган фикрни берган. Бизлар юқумли касалликлардан хазар қилганимиздек жохилликдан хазар қилсак дуруст бўлади. Фарзандларимиз, ҳонадонимиз зурриётларимизни жохиллик ва нодонлик балосидан кутқаришимиз зарур. Бу савобли ишни даъвоси илм-маърифат бўлиб, билимли инсон ҳеч қачон адашмаслигини эсда сақлаши лозим бўлади.

ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК (НИФОҚ) ВА МУНОФИҚЛИК.

Икки юзламачилик илмий тилда нифоқ, ислом таълимотида эса мунофиқлик дейилади.

Нифоқ деб, бир одамнинг олдида бир хил, бошқа пайтда унинг орқасидан бошқа хил сўзланадиган ҳолатга айтилади. Хийлакор, кўрнамак, ёлғончи одамлар борки, улар ўзларининг манфаати учун ҳеч нарсадан тоймайдилар. Сиздан фойда қилиб турганда, сизга дўстлик изҳор қилади ва миннатдорчилигини доим билдириб туради. Бошингизга муаммо келгандаёқ, биринчи бўлиб сизнинг гўрингизга ғишт ташийди. Мунофиқлик, албатта қалб хасталигидир. Унинг асосида нифоқ сўзи ётади. Муқаддас китобимизда мунофиқлик мўминлик ва куфр орасидаги ҳолат (ва албатта салбий ҳолат) сифатида қораланган. Сиртдан ўзини мўмин қилиб кўрсатади, ички жиҳат бўйича унга лойиқ бўлмаслигини нифоқ деб баҳоланади. Одамлар кўзида баъзи амалларни қилиб юриш, аслида эътиқоди бузуқ одамнинг хавfli томони шуки, унга ишониб қолинади ва бошқа инсонларга зарар қилади. Саҳобалардан Абу Саид Худрий: икки хил қалбнинг биринчиси тўғри қалб бўлиб, унда киши кўнглини ёритувчи қандил бордир. Бу қалб мўминнинг қалбидир. Иккинчиси майлли қалб бўлиб, унда иймон ҳам, нифоқ ҳам бордир. Бундаги иймон ниҳолга ўхшайди, чучук сув уни ўстириши ҳам мумкин, қуритиши ҳам мумкин. Нифоқни эса бир чипқонга ўхшатди: қонли йиринг уни тузатиши ҳам мумкин, баттар қилиши ҳам мумкин.

Расулulloҳ (с.а.в) айтди: тўрт нарса кимда бўлса, у ҳақиқий мунофиқдир. Ҳатто у рўза тутаётган, намоз ўқиётган ва ўзини мўмин ҳисоблаётган бўлса ҳам: 1) сўзига ёлғон аралаштирса; 2) сўз бериб, сўзида турмаса; 3) омонатга хиёнат қилса; 4) уришиб қолган кишисини айбларини ўртага тўкиб солса;

Юқорида зикр қилинган мунофиқлар дўстлик ва иттифоқликнинг душмани бўлганидан дунёда иззат, охиратда эса роҳат юзини кўрмайди. Начора, мунофиқликнинг сабабчиси дин илмини билмаслик, қилаётган қилиғи тўғри-нотўғрилигига ақли етмаслик бўлиб, қалбнинг мусаффо эмаслиги аломатидир. Уларга амри маъриф, ҳадис, ривоят ёқмайди. Гўёки, улар ўзини осмонда ҳис қилади. Мағрурлик ҳатони тан олишга йўл қўймайди. Одамлар орасидаги оқ кўнгиллилик, тўғри сўзлик билан бирга,

ёнма-ён мунофиқлик борлиги табиий ҳолатдир. Инсон доимо ақл ва тажриба соясида, эҳтиёткорлик билан оқ-қорани, яхши ва ёмонни, дўст ва душманни фарқини билсин. Доимо қалби пок,тоза ҳулқли, гўзал ахлоқ ли кишилар билан дўстлашсин. Икки юзлама, бадхулқ, ҳаром-ҳалолни ажратолмайдиган мунофиқлардан ҳазар қилсин.

Журжоний нифоқни: “тил билан иймонни изҳор қилиб, дилдан куфрни беркитишдир”, - деб таърифлаган. Нисо сурасининг 145-оятда; “Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг остки каватидадурлар ва ҳаргиз уларга бир ёрдамчини топа олмассан”, - деб Аллоҳ марҳамат қилган.

Қуйидаги сабабларга кўра мунофиқлар зарар тортувчилардир; уларнинг амали қабул эмас; у қалбидаги яра(мараз) туфайли бошқаларга етган мусибатдан хурсанд, худодан келувчи яхшиликлардан эса маҳзун бўлади; У бахил, молини риё учун сарфлайди. Мунофиқ, куфр кишидан-да хавфли; Мунофиқни сиртдан мусулмонлиги алдовчандир; У туфайли динга зарар етади. Шу боис Бақара сурасида аввал мусулмонлар, куфр эгалари, кейин мунофиқлар ҳақида гап кетади ҳамда мунофиқликнинг ҳукмлари баён қилиниб , уларга ҳаммадан ҳам (куфрдан ҳам) аламлироқ, қаттиқроқ азоб берилиши ҳамда уларнинг жойи жаҳаннамнинг энг қаърида эканлигидан огоҳлантирилган. Риёкорлик, алдамчилик, хиёнат, ёлғончилик, иккиюзламачилик, ваъдага хилоф ишларнинг келтириб чиқарувчи сабаб мунофиқликдир. Чин инсон нифоқдан ҳудди дахшатли оловдан кўрққандек кўрқиши керак. Ўша ҳолатга тушмасликнинг тараддудини кўриб бориши даркор.

Бунинг даъвоси Аллоҳнинг тез тез зикрини қилиб туришлик, чунки шунда унинг қалби поклана боради, ўзи эса мусулмонлашади. Қуръон маърифатидан узоқлашилса, инсон қалби моғорлашади. Унга эса зикр ҳам, маърифат ҳам таъсир этмайдиган бўлиб қолади. Баъзи мулоқотларда сизни тингламай бошқалар билан гаплашиб ёки ўз телефонидан телефон қилиб, гўёки айтилган масалани унга ҳеч қандай алоқаси йўқдай тутади. Чин инсон нифоқ ва унинг аломатларини яхши таниб олади ва улардан узоқлашади.

Мунофиқнинг қизиқ одати бор. Ҳонадонига, ўз ўз яқинларига мусибат етганда ҳам фикр қилмайди. Дарвоза олдида тўнларни кийиб, эл кўзига мусибат эгаси бўлиб кўринади-да, бирор ой, ҳафта, ўн кун ўтиши билан яна ўша маънавий жиноятлар денгизига шўнғийди. Фикриллоҳ, зикриллоҳ ва шукриллоҳ гўёки унга ёт нарса бўлиб кўринади.

Бир танишим ўзини оқлагандек деди: Менда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, бировни ўлдирмадим, тан жароҳати етказмадим, ҳаққини емадим, тез-тез ўзимни хурсанд қилиб тураман ҳолос. Яъни оз-моз ичиб юрибман. Аниқроғи, ўзимни пулимга ичиб юрибман, - деди. Албатта, бу унинг дунёқараши, “ҳаётий” хулосаси. Ичкилик барча гуноҳларнинг, маънавий жиноятларини онаси десангиз, тушунишни хоҳламайди. Ичган одамнинг атрофдагилар, оила аъзолари, қўшнилари ёқтирармикан? Набиралар, “ана қаранглар, оппоқим маст-аласт, демак, биз ҳам катта бўлсак оппоқимга ўхшаймиз-ми?”, - деб хулоса чиқариши керакми? Келинлар, турмуш ўртоғи, мастни кўрганда ичларидан зил кетиш, кўнглидан афсусланиш ҳолатлари юз бермасмикан? Маҳалла ахли орасида оила ҳақида гап кетганда “фалончи алкашнинг оиласи”, “ичувчининг оиласи” каби таъқи- лаънатни нима билан ўчириб ташлаш мумкин? Дин таъқиқладими, демак, ҳаром қилинган нарсани “йўқ мен учун ҳалол ”, яъни “мен ичмасам бўлмайди”, - дейишлик ё қайсарлик, ёки ҳайвонлик ёки беҳабарликдир. Шариат ҳукмлари кимнингдир фойдасини кўзлаб чиқарилмайди. Балки, Қуръони карим ва ҳадиси шарифга асосланади. Синфдош, қадрдонларимдан икки нафари шу ҳолатда эканлиги мени доим ўйлантиради. Улар ароқ туфайли баланд мартабага эришмадилар ва эришмайдилар ҳам. Ҳозир соғлиғи яхши эмас. Фақат, афсус-надомат иш бермай қолиши, кеч бўлганда ҳатони англамоқликдан фойда йўқ.

ЗИКР ВА АХЛОҚ .

Улуғлик шкаласи бўйича энг улуғ амал Қуръон тиловати бўлса, кейингиси зикрдир. Зикр тил ибодати саналади, нафсни поклайди ҳамда

ахлоқ ни сайқаллайди. Тилда турли нарсаларни зикр қилиш мумкин, лекин исломий зикр пайтида Аллоҳга дуо қилиниб, ундан хожатлар сўралади. Зикрнинг лисоний маъноси эслаш, сўзлаш, тилга олиш, хотирлаш, баён этиш, шарҳлаш кабилардир. Зикрнинг икки турга бўлишади: тил зикри ва дил зикри. Зикр инсоннинг ўз роббисини иккала тур билан эслашидир. Зикр пайтида тангри, унинг сифатлари, буюрганлари эсланади, ул зотга дуолар қилиниб хожатлари сўралади. Қуръон тиловати ҳам зикрдир, ул зотни улуғлаш ва сон саноксиз мақтовлар айтиш, шукрона айтиш ҳам зикрдир. Намоз, рўза, закот ва хаж вақтидан ибодатлари замирида ҳам зикр ётади. Зикр доимо фикриллоҳда, шукруллоҳда ул зотни эсламоқликдир. Қазои хожат ва хутба пайтида зикрни шариат маън қилган. Қуръони каримда “Зикриллаха – зикран касиро”, яъни Аллоҳни кўпроқ зикр қилинглари деб буюрилган, ҳамда зикр килувчилар мақталган. Зикрнинг мукофоти нажотдир. Айтишларича, зикрнинг буйруқ ва фазилатлари бир юз етмиш тўрт оятда эслатилган. Зикрни унутмоқлик ёки унинг ўрнига бошқа нарсалар билан ҳаётнинг сармоясини тугатмоқлик кораланган. “Тоҳа” сурасида кимки зикрдан юз ўгирса, унда ҳаётда торчилик етиб келиши ва кўр ҳолатда охиратни топишлиги ёки тақдир қилинишлиги айтилган. Тангрининг унутмоқлик, зикрни тўхтатмоқлик ила инсон ўз-ўзига душманлик қилган бўлади, ҳаёти дунёдаги насибаси танглик тўла умргузаронликдир. Баъзи инсонларни табиати қизиқ: ҳаётида одамларни қажшатади, ёмонликни кучайтиради, мен фалончиман деб кибрни кучайтиради, ҳамда бошқалар мени олдимда ожиз деган сурурда юраверади. Зикр билан бир пуллик ҳам иши йўқ. Бошига мусибат тушсагина одамлар кўзида яъни дарвоза олдида чопонлар кийиб ўзини бамисоли, “художўй” қилиб кўрсатади. Бир неча кун ўтказиб, гўё мусибат бўлмагандай яна ўз бадкирдорлигини давом эттираверади. Унинг дунёқарашича зикр ахли, ахли иймон, оддий одамлар қолақ одамлар эмиш. Бу нарсанинг номини залолат дейилади. Аслида бу ҳолатнинг ўзини мен ул зот билан ишим бўлмагани учун, уни ҳам мен билан иши йўқ (яъни у мендан юз ўгирган), дейиши тўғрироқдир. Нажотга

келмасликнинг ўзи ҳаёти дунёда аслида унга берилган жазолигини тушунмоқлик ва унинг учун ақл берилганлигини англамоқлик керакдир.

Зикрга йўғрилган ҳаёт, фикриллоҳдаги ҳаёт, шукруллоҳдаги ҳаёт бутунлай бошқа ирфон. Унинг замирида риё йўқ, сохталик йўқ, қибр йўқ. Зикр инсонни қалбан худо билан боғлайди ва ўша инсонда “мен тангрининг кузатувидаман”, - деган сергакликни ҳосил қилади. Бақара сураси 152-оятда: “Бас, мени эслангиз, сизни эслайман”, - дейилган. Ул зот фақат синамоқлик учун шундай демоқда, унинг бандаларда ҳожати йўқ (у беҳожатдир ва ҳамма муҳтожлик инсонларда). Бандани эслаши билан Аллоҳнинг эслаши тенгми? Яъни, ҳеч нарса эмас бўлган инсонни эслаши қаердаю, Аллоҳнинг бандани эслаши қаерда? Чунки у ўта меҳрибон ва тенги йўқдир. Одамларга ёқимли ва тангрига ҳам ёқимлилари гўзал ахлоқ соҳиблари эканлигининг хабари берилган. Ота-она ўз фарзандига чиройли тарбиядан-да буюкроқ нарсани совға қила олмайди. Қалам сурасида: “Албатта, сиз буюк хулқ узрадирсиз”, деб ўз расулини мақтаган. Хўш, буюк хулқ нима? Албатта гўзал ахлоқ дир. Ўтмиш мутафаккирларининг деярли кўпчилиги у ёки бу даражада ахлоққа муружат этганлар. Сабаби у комил инсон, художўй инсон, камтар инсоннинг сифати саналади. Ахлоқ сизлик бор жойда бизлар, унинг соҳиби қандайин чиройли, бой, мартаба соҳиби бўлмасин, уни қоралашга ўрганганмиз. Лекин ахлоқ қа унчалик катта аҳамият бермайдиган элатлар борлиги ҳам рост. Катта-кичик бир-бирини “сен” деб кетаверади. Ота-онага чиройли муносабат шарқ халқларида юқорироқ дейилса, рост сўзлаган бўламиз. Ғарбда эса бу ҳолатни қолюқлик деювчилар ҳам топилади. Бунинг сабаби ғарбдаги ҳаёт тарзи бўлган индивидуализмда. Жамоавийликни хуш кўрган Шарқ эса ахлоқни чиройли бўлишлигига, ота-фарзанд муносабатларини ахлоқ билан безашга эътибор берган. Яна бир муҳим томони, ахлоқни ислом дини юксак сифат деб эълон қилганида дейиш жоиздир. Гўзал ахлоқ, чиройли муомала, қариндошчиликни боғлаш, атрофдагиларга раҳм-шафқатни аямаслик, сендан яхшилиқни дариф тутганларга уни зиёда қилишинг, зулм қилганларни кечириб юборишингдир.

Муҳаммад (с.а.в.) ҳар куни масжидга борадиган йўлда жойлашган бир хонадонда кампир (яхудий) бўлар эди. Қачон у зот ўша жойдан ўтсалар челақда ювинди сепиб у кишига озор берар эди. Кунлардан бирида кампир кўринмай қўйди. У киши бу ҳолатни суриштирдилар. Айтишди, кампир бетоб бўлиб ётиб қолган экан. Ул зот ёнидагилар билан хонадонга ташриф буюриб, кампирни ҳол идан хабар олдилар, совға бердилар. Кампир шундан кейин калима келтириб мусулмон бўлди. Инсонни толесизлиги нима, деган саволга Расуллулох: “ёмон ахлоқ деб жавоб берган. “Ҳамма нарса мумкин” тамойилини маҳкам тутган халқлар эса бугун фарзандларнинг ахлоқсизлигидан нолимоқда. Лекин мустақил фикрлаш, ҳаёт чигаллигини мустақил ҳал этиш ғарбда устуворлиги ҳам рост гап. Шарқдаги ахлоқ қобиғи бунга йўл қўймайди, деювчилар ҳам бор. Нима бўлса ҳам эзгуликни, ахлоқ ни маҳкам тутмоқлик оила, миллат, халқни менталитетини белгилаб келаётгани юртимиз учун ғоят ижобий ҳолат эканлиги рост гап.

Кексаларимиз, гўзал ахлоқ ни ёшларимизга сингдириб келаётгани, оилавий мухитимиз ахлоқ маскани эканлиги бизларга мамнунят бағишлайди. Махалла институтлари ҳам ахлоқ тарбиясига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Баъзан, ёшларимизга катталар ўғити ёқмай қолиши мумкин. Шу қарияга нима зарур, ўзи? Қарияга ҳеч нарса, аслида керак эмас! Фақат ёшларимизни ахлоқ ни унутиб қўйишидан хавотирда. Ким ҳам ўз зурриётига, қариндошига, қўшниларига, биродарига ёмон ахлоқ ни раво кўради? Ҳеч ким! Демак, қариялар борки, тарбиямиз гўзал. Уларни эслатиб, огохлантириб турганлари яхши. Бугунги ўша ёш авлод қариянинг ёшига етганда, унинг қадрига етади. Ўзбекистонни гўзал ахлоқ ва гўзал маънавият устувор юртга айлантириш бош мақсадимиздир. Чунки жасадимизда буюк алломалар қони оқмоқда.

ИЛМ ИЗЛАШ ФАЗИЛАТИ

Илм ва илм излаш ҳамда ундан келиб чиқувчи хурсандчиликлар ва муаммолар ҳақида минглаб мутафаккирлар бош қотирганлар, ҳатто

масаланинг ечилишини ҳам баён қилганлар. Яна ушбу эски ва замонавий мавзуга қўл уришга ҳожат бормикан? Аслида бу мавзу яна минг йил кейин ҳам эскирмайди. Инсон бор экан ушбу мавзу долзарб бўлиб қолаверади. Деярли барча уламо ва алломалар илм олишни маънавий юксалишнинг ягона, тўғри йўли деб эътироф этганлар. Қадимий файласуфлардан бири бир инсонни иккинчисига берадиган ҳар қандай бойлигидан аъло совғаси сифатида илмдан қимматлироғини бера олмайди, – деб айтган эди. Имом Табароний ва Имом Байҳақийлар томонидан заиф иснод билан келтирилган ҳадисда “Қиёмат куни одамларнинг энг азоби қаттиғи Тангри илми билан манфаатланмаган олимдир” – деб Расулуллоҳ марҳамат қилган.

Билимли одам бамисоли кўзи очиқ инсондир. У йўлни аён кўради, чоҳга, чуқурга тушиб кетмайди. Унинг учун хавф йўқдур. Билимсиз баъмисоли кўзи кўр одам кабидир, ҳар қадамда уни қоқилиб кетишлик, шикастланиш хавфи таъкиб қилади. Ҳар қадамда уни кўрқув босади.

Ёш дўстим! Фарзандинг билим оляптику, - деб хотиржам бўлма. Билим фақат танага таъсир қилиб, инсонни ўзгартирмаса ортиқча юқдир. Билим кўнгилга ўрнашсагина инсонни кўнгил ахлларидан қилади. Билимсизлигидан сармаст инсонга билим ўргатаман, деб овора бўлма. Чунки унда истак йўқ. Истаги бор одам билим ахлларини дўст тутади ва улардан билим олишга киришади. Истакни эса тангри беради. Яъни билимга рағбат, майлни қуруқ сўзлар билан ҳосил қилиб бўлмайди. Фарзандимни билим ахлларидан қилгин, унинг дилида, қалбида билимга муҳаббатни зиёда қилгин – деб сўрамоқлик (дуолар қилмоқлик) керак бўлади. Ҳеч нарса ўз-ўзидан юз бермагани каби фарзанднинг солиҳ бўлишлиги ҳам еру-осмоннинг, коинот эгасининг қўлидадур.

Жалолиддин Румий: “билим Сулаймон мулкининг муҳридир, бутун олам жасаддур, илм эса жондур. Товус деҳқоннинг уйида яшамаганидек, ҳақиқат илми ҳам ҳар анойининг мулки бўла олмайди!”, - деб айтган эди. Румий ҳазратлари ҳаёт учун фойдали илмни илм деб атайди: “Не-не олимлар

хақиқий илмдан, ҳақиқий ирфондан бенасиблар. Бундай олим илмнинг хофизидур, ошиғи эмас”.

Ўтмишда ҳам ҳозир ҳам халқимизда, зар кадрили заргар билади, деган нақл бор. Илмнинг кадрили мактаб кўрмаган халқ билмайди, уни олим одам яхши тушунади. Имом Аъзам ўз шогирди Абу Юсуфга: “Илм кадрига унинг заргари бўлган олимлар етади, жохилларни маъзур тут. Сен илмни оламларни жонлантириш, тиклаш учун ўқи, ҳеч вақт моддий ҳаётинг учун ғам чекма, чунки илм инсонни икки жаҳонда азизу макаррам айлагувчи ягона омилдур” – деб насиҳат қилган эди.

Қадимги Хитойлик Конфуций “Туғма билим соҳибларига қобилият худо томонидан берилади. Саъи ҳаракат билан билим олувчилар у билан тенг бўла олмайди”, – деб таълим берган эди. Билим йўлидаги одам ҳар куни ва ҳар дам билим кетидан эргашмоғи лозим. Мантиқ доирасидаги илмлардан ташқари билимлар ҳақида сўзлаш қийин, чунки ўша билимларнинг асоси бизга қоронғу. Чала билим эгаси бўлгандан кўра, билимсизлик афзалроқ (Ибн Сино). Ибн Сино ақлий билишни ҳар қандай эмпирик билимдан юқори кўяди: Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ муҳимдир, - деб ёзади мутафаккир. [11,197]

“Қийин предмет”, “тушунарсиз фан” ибораларини талабалар тез-тез кўллаб турадилар. Шогирд устознинг дарсларида бўлиб, сабоқ ола бошлаганида ўша предмет тушунарсиз бўлиб кўринади. Ҳар бир сабоқ туманликларни тарқатади ва пировард натижада предмет тушунарлига айланади. Талаба ўзига ва фанга талабчан бўлмаса, билим устозидан унга оқиб ўтмайди. Билимни бир шахсдан иккинчисига самарали оқиб ўтиши савиялар ўзаро яқинлашаётганда кузатилади. “Устозим менга ҳамма нарсани ўргатади”, - деган талаба билимли бўла олмайди. “Мен, устозимдан кам билмаслигим, балки ўтиб кетишим зарур”, - деган талабагина билимни кўпроқ эгаллайди. Устоз аслида йўналтирувчи ва йўл кўрсатувчидир. Талабада фаол ҳаракат, изланиш, таҳлил, эски ва янги билимларни ўзаро боғлай олишлик қобилияти бўлмоғи жуда муҳим. Лоқайд, дангаса, бепарво

талабадан олим, замонавий мутахасис чикмайди. Дипломли бўлиш дегани хали том маънода олий маълумотли дегани эмас. Кези келганда, халқимиз орасида машхур иборани келтирамиз: билимли кўп, билимни ишлатган оз. Ёппасига, кўпчиликка амал-тақал усули билан диплом бериш диплом номли хужжатнинг обрўсини тўқади. Бунисиям майлия, ёшларни билимга интилишларини қисман сўндиради ҳам. 250-300 та талаба қатнашувчи талабалар жамоасида маъруза қилиш (60 кишилик гуруҳ маъқулроқ) талабанинг илмни қабул қилишини қийинлаштиради. Боз устига дарс ўтувчи профессор-ўқитувчини тез қартайишига сабаб бўлади. Лекин ўша профессор-ўқитувчи “тренер” усулида маърузани ташкил қилиб, аудиториянинг ҳамма жойида ҳозир-нозир бўлиб ва ниҳоят, ҳам билим берувчи, ҳам жазоловчи ролида “артист” бўлиб ўйнасагина мақсадга етиш мумкин. Маслаҳатимиз, ўша профессор қомусий билим соҳиби бўлса, адолат соҳиби бўлса, ўзига хос сиёсати ҳам бўлса аудитория тизгини унинг қўлида қолади. Бу сўзларни 46 йиллик маъруза ўқиш тажрибасига таяниб айтилмоқда.

Аввало, ижтимоий-услугий жумбоқ пайдо бўлган: нега талабанинг ўзи илм орқасидан юрмайди-ю, ўқитувчи уни мажбурлаб илм олишига даъват қилиши керак? Буюк ватандошимиз Имом Бухорий ҳазратлари қартайган пайтида ўз юрти Бухорога қайтиб келади. Унинг хабарини топган Бухоро амири ўз ўғлига ҳазратнинг келиб дарс беришини буюради. Бухорий эса “илм талабанинг ўзи устоз хузурига келсин. Устоз талабанинг уйига бормайди”, - деб айтади. Бу уни ўз шаҳридан қувилишига сабаб бўлади. Хоҳламаган талабанинг ҳам, иқтидорли ва ношуд талабанинг ҳам аудиторияда ушлаб туриш албатта таълим дастурининг талаби эканлигини биламиз. Нўноқ талаба қўлга киритган дипломнинг тақдири номаълумлигича (сандиқда) қолмоқда. Албатта бандлик дастури орқали талабаларни диний экстремизм ва терроризм хуружидан сақлаб қолинади. Ўтиш даврида банд бўлган талаба оқ-қорани ажратиш билан илм қадрига ета бошлайди. Самарасиз ўтган кунидан афсус чекади. Бизнингча, кўпчилик ота-оналарнинг бола тарбиясига вақти йўқ, ҳамма нарсани мактаб зиммасига ташлаб қўйган. Ота-она 6-16 ёш

оралиғида боласи билан энг камида кунига 1 соатдан ишлаш керак. Тарбия ишини ўз ҳол ига ташлаб қўйганларнинг бир кун келиб надоматда қолиши бор гап. Тарбия нафақат оила учун ўта зарур бўлибгина қолмай, балки социал ва сиёсий аҳамиятга молик долзарб масаладир. Ўз аҳамиятини ўтмишда ҳам, келажакда ҳам йўқотмайдиган савобли иш - тарбиядир. Лекин тарбия диний мутаасибликдан, жангари ғояларидан ҳол и ҳамда жамият ва давлат манфаатларига зид бўлмаслиги зарур. Фикр қилинг: таълим олишга, даволанишга, ҳалол меҳнат қилишга, тadbиркорлик қилишга, ихтиро ва кашфиётлар қилишга ёки бир сўз билан айтганда инсон ҳаёти ва камолоти учун ҳамма нарса муҳайё қилинган обод мамлакатда яшаётган ёшларга яна нима керак? Бу ёғи, энди тўқликка шўхлик-ми? Жангари оқимларга адашиб кириб қолди, - деган афсусларни эшитиб турибмиз. Хўш ақлинг, калланг, фаросатинг қаерда эди? Бу кўрнамакликдан бошқа нарса эмас. Тарбия покиза ва мусаффо бўлсин! Ахир, давлатимизнинг, сиёсатимизнинг, юртбошимизнинг мақсади ҳам халқ ва жамият манфаатининг ўзи-ку! Демак, бу мамлакатда шукроналик билан яшаш, фахрланиш ва унга содиқ бўлишдан бошқа йўл йўқ ва бўлмайди ҳам. Замондошим, кўзингни оч, ақлингни ишлат, билимли инсонларга, заковат эгаларига ҳасад қилма, ҳавас қил! Сен ҳам билимли бўлишинг, юксак заковатга эга бўлишинг мумкин! Бу ерда ҳамма муаммо сенинг ўзингда! Сендан ташқарида муаммо йўқ! Тестдан ўта олмаган абитуриент айбни олийгоҳга қўяётганига нима дейсиз? Абитуриент, “бизнинг оила камбағал ёки ўртаҳол бўлгани боис, мени ўтказишмади” – деб ота-онасига айтиб боряпти. Аслида мен дангасаман, мен тайёрланмаган эдим. Айб менда, деб айтса тўғри иш қилган бўлар эди. Чунки яхши тайёрланган абитуриент ўз кучи билан етарли бал тўплаб, олийгоҳ талабаси бўлмоқда. Бу ерда ижтимоий келиб чиқиши суриштирилмайди ва тестга алоқаси йўқ.

Қарангки, IX-XI асрларда ҳеч қандай шароит, илмий мактаблар бўлмагани ҳолда аль-Фарғоний, аль-Фаробий, аль-Хоразмий, ат-Термизий, Азизиддин Насафий, Ҳаким Термизий, Абу Лайс ас-Самарқандий каби алломалар илм излаб, бошқа юртларда бўлиб, юксак мартабага эришдилар.

Энди эса шароит ва имконият ўз юртимизда минг чандон бор. Фақат кунт ва илмсеварлик керак, ҳол ос. Албатта, яна бир вақтлар бўлиб ўтган, Марказий Осиё бешик бўлган тамаддун каби (ҳисоб-китобга қараганда XXII - жаҳон тамаддуни) янги тамаддунга яна юртимиз бешик бўлажак.

Халқимизда “бир оққан арик, яна бир кун келиб оқади”, - деган нақл бор. Ҳали келажакда ва ҳозир ҳам хорижликларнинг юртимизга қизиқиши минг марта ортмоқда. Айрим хорижликлар ўз жонини худога топшираётганларида “Ўзбекистонни кўра олмай, ўляпман” деб надомат билан кўзини юмади. Албатта, бу шунчаки фантазия, лекин XXI асрнинг 30-40-йилларида бу нарса ҳақиқатга айланади. Нихоят, замондош ёш дўстимга савол берадиган жойга ҳам етиб келдик. Ёш дўстим! Ҳаёт инсонга бир марта берилишини биласан. Сенинг энг қимматбаҳо сармоянг бор! Бу сенинг ёшлик йилларинг, сенинг вақтинг. Ўша бойликни беҳуда, фойдасиз, ҳатто зарарли ишларга сарфламоқчимисан? Ўтган кунларинг қайтмайди. Ёки 60-70 ёшда ўз йўлингни топиб олмоқчимисан? У ёшда билим олиб бўлармикан? У ёшда соғлигинг, тоқатинг қолмайди ва ҳеч нарса каллангга ҳам кирмайди. Хотираниг анча пасайган бўлади. Бу дунёга келибсан, сенга комил инсон бўлиб олиш имконияти, жамиятимиз ва давлатимизнинг корига яраш имконияти, қолаверса, жаннати бўлиб олиш имконияти берилган. Агар ўша имкониятлардан фойдаланмасанг, сен ҳеч ким эмассан! Сен йўқсан бу дунёда! Навоий ҳазратлари айтганидек, бу дунёдан ғамнак бўлиб кетиш сенга ярашмайди. Охирини ўйламаслик у зот айтганидек ҳаммомга, кириб нопок чиқиб кетаётган одамга сени айлантиради. Ҳаммомгаку бир неча бор кириш ва чиқиш мумкин. Ҳаёти дунёга-чи? Кўп марта келиш мумкин-ми? Агар мумкин бўлганда эди, яна келганимда комил инсон бўлиб оларман, дейиш мумкиндир. Тушунаман, насиҳат ҳеч кимга ёқмайди. Негаки қалб қорайган бўлса, маърифат ёқмайди. Боз устига Ҳақ таоло хоҳламаса ҳеч ким ҳидоятга келмайди. Агар шу маърифат ёқмаётган бўлса, бу сенинг донолигинг ёки “зўр”лигингдан нишона эмас. Агар шу маърифатнинг, илмнинг ёқмаётганини ўзи сенга берилган биринчи жазодир. Демак, Худо ёрлақаламаяптики, сенга

маърифат ёқмаяпти. Шайтон сени вас-васа қилиб турибди. Иккинчи жазонинг хабари эса Қуръони Каримда берилган.

Биринчидан, меҳрибонлигини, раҳмлилигининг, кечиримли эканлигининг, ҳидоятлилигининг, файзи марҳаматлилигининг, қахрли эканлигининг ҳам чеки йўқ зот, сабри ва нусрати чексиз зотни танимоқдан, унинг розилигини топмоқдан ҳам ортиқ бахт йўқ.

Иккинчидан, у икки дунё саодатининг эгаси, қимирлаган зотга ризқ берган Раззоқ зот. Макон ва замонда безавол зот, бошланиши ва охири йўқ зот. У одамларга муслимлик тожини ҳадя этди, исломни энг тўғри дин сифатида тортиқ этди. У буюк тарбиячи ва буларнинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмайди. Фақат иймон ҳаловатию, муттақийлик камарини бизларга совға қилди. Мутлоқ бахтни ҳам ваъда қилди. Юқоридагилардан маълум бўлдики, тарбия ахлоқ , ижтимоий қадриятлар, оилавий анъаналар, диний қадриятлар, мутафаккирлар мероси, маънавияти асосида, фуқаролик жамиятидан келиб чиқувчи ечимлар асосида ҳосил қилинади. Кўп тизимли, кўп компонентли таълим ва тарбияда барибир билим энг муҳим асос, энг мустаҳкам ечим сифатида намоён бўлаверади.

Замондошим! Мен жуда кўп ўзга юртларда бўлдим. Лекин, Ўзбекистондек юрт ер юзида йўқ. Уни жаннатдан бир чимдим деб таърифлашади. Балки жаннат ҳам ўз андозасини юртимиз табиатидан олгандир. Бу юртни бизга ватан қилиб берилиши ҳам тангрининг мурувватидир. Саҳий замин, саҳий қуёш, тиниқ сувлар, мўътадил иқлим фақат бизда бор. Шу боис сен ва мен Ўзбекистонсиз яшай олмаймиз. Лекин Ўзбекистон бизсиз ҳам яшайверади. У бизга мухтож эмас. Биз Ўзбекистонга мухтожмиз. Уни севмоқлик иймондандир. Уни асрамоқлик иймондандир. Ўз юртини қадрига етувчи ва эъзозловчи инсондан тангри ҳам рози бўлади. Бизнинг дуоларимизни ижобат бўлишининг сабаби бу юртта Аллоҳ назари тушганлигидир. Бу юртдан чиққан 3500 дан ортиқ алломалар руҳлари бизни кузатмоқда. Уларнинг заковати туфайли ислом дини юртимизда буюк таълимотга айланди. Ислом динининг бўртиб чиққан қуббаси IX-XI асрларда

жаҳон нигоҳида юртимизда шаклланди. Уларнинг асарлари хусронда, залолатда бўлган юртлар аҳолисининг кўзини очган эди.

Бугунги ер юзида 242 дан ортиқ давлатлар ва халқлар истиқомат қилмоқда. Лекин шундай зотларники етиштирган ва ўша зотлардан олдинга бирорта ҳам бошқа мурафаккирлар ўта олмаган юрт бизнинг юртимиздир. Уларнинг қайси бирини олиб кўрмайлик, ўз соҳасида ва ташқарида қомусий олим даражасини олган эди. Улардан кейин 5-6 асргача ҳам ўшандай зотлар етишиб чиқмаганининг ўзи билим қанчалик даражада инсонни улуғлаётганини кўрсатади. 1976 йилги физика фани бўйича Нобель мукофоти совриндори асли Покистонлик Абдус-Салом ўзи сўзлаган Нобель маърузасида, Швеция фанлар академиясининг катта залида: “Мен агар Муҳаммад ал-Хоразмий, аль-Фарғоний, Иби Синони, Фаробийни, имом Бухорийни танимаганимда, ўрганмаганимда бундай мукофотга етиб келмаган бўлар эдим. Мен уларнинг елкасида бўлганим боис бугунги мукофотни кўлга киритдим” – деб эътироф этган эди.

Билим ҳақида ҳадислар кўп. Расулulloҳ айтдилар: “Иймон яланғочдир, унинг либоси тақво, зийнати эса ҳаё, меваси эса илмдир” (Абу Дардодан, Имом Ҳаким Аффондан ривоят қилинган). Қиёмат куни уч тоифа кишида шафоат қилиш ҳуқуқи бўлади: пайғамбарлар, олимлар ва шаҳидлар. Шайтон учун битта олим мингта обиддан кўрқинчлироқдир. Олим ва обиднинг фарқи олимнинг обиддан етмиш даража устунлигидир. Илмли одамларни Аллоҳ ҳузуридаги мартабаси юқори бўлади. Имом Табароний ривоят қилган ҳадисда пайғамбаримиз (с.а.в): “Аллоҳ таоло олимларни қиёмат кунида ҳаммадан кейин тирилтиради ва уларга: Эй олимлар жамоаси сизларни билганим учун илмни сизга бердим, азоблаш учун илм бермадим. Боринг, сизларни мағфират қилдим” – дейди.

Али ибн Толиб ўз шогирди Кумайлга: илм молдан яхшидур, у сени муҳофаза қилади, молни эса сен кўриқлайсан. Илм хоким, мол эса маҳкумдир. Нафақа қилиш билан мол камаяди, илмни қанча бировга берилса илм зиёдалашади, асло камаймайди. Қисқаси илмни бой берган (ёшлик

вақтини бой берган) одам нимага эришди-ю, илмга етишган киши нимани йўқотди? Кейингиси ҳеч нарсани йўқотмади ва фақат ютди. У фаришталар ва тангри розилигини қўлга киритди. Ёшлик вақтини бой берган одам-чи? Қандай мартабага кўтарилди? Унинг эзгулик сармоясидан нималар бор? У кимнинг розилигини қўлга киритади? Бу саволларга ижобий жавоб йўқ, албатта. Бир синфдошим бор: Бизларга ўқиб нимага эришдиларинг! Мана мен илм ўрганмадим, лекин қорним тўқ, устим бут, еганим олдимда, емаганим кетимда. Қўш-қўш иморатларим, машинам бор. Ҳамма нарсани пул ҳал қилади бу дунёда деб айтаверади. Мен эса, дўстим ҳамма бойлигинг ўзингга сийлов. Саволим бор: нега алломалар пул, мол-дунё орқасидан қувмаганлар? Сабаби мол дунёнинг ортиқчаси инсонни тангридан чалғитади. Гойибона пайғамбар ва тангри-таоло билан суҳбат қурганмисан? Унинг гашти бутун оламни қўлга киритилганидаги шодликдан минг чандон тотлироқ ва ширинроқдир. Ҳақ таоло бир кутбда, мол-дунё иккинчи кутбда бўлса, қайсинисига яқинлашсанг бошқасидан шунча узоқлашасан. Тадбиркорлик, мулк эгаси бўлиш яхши. Имом Аъзам бой одам бўлган, тижоратчи бўлганлар. Лекин иймон-эътиқоди юксак даражада эди. Имом Шоъфий у ҳақда: фикҳ бобида барча олимлар Абу Ҳанифадан қарздордирлар, деб айтган. Сабаби у зот Сунний ақидани мукамал ва кўпчиликка ёқадиган ҳол га келтирди, 541 минг саволга ҳайратланарли тарзда жавоб топдилар. Ўзбекистон халқи Абу Ҳанифанинг ҳанафий мазҳабида эканликлари билан фахрландилар. Билимга эга бўлиш сирларидан воқиф бўлиш масаласида Р.Декарт шундай фикр билдиради: Барча фанлар бир-бирига алоқадор ва киришиб кетгани боис уларни алоҳида-алоҳида усулда эмас, балки бирворакайига ўрганмоқ керак, - дейди. [11,254]

Азиз ватандош! Сен балки гап дунёвий илм ёки диний илм ҳақида кетаётгани учун, тўғрироғи аралаш фикрлар келтираётганимдан ҳайрон бўлаётган бўлишинг мумкин. Қайси илм бўлса ҳам (инсонга зарар келтирувчи, инсонни ҳаётига ҳавф солувчи илм бундан мустасно) ўргансанг, фақат фойда! Сабаби, диний илм бамисоли қушинг битта қаноти, дунёвий

илм эса иккинчи қанотидир. Иккала илмни керакли даражада билган одам икки соғлом қанотли қуш каби баланд парвозга эга бўлади. Тавҳид (худони таниш) илмида Имом Мотрудий асос солган илм орқали худони англаш йўналиши жуда машхур бўлиб кетган. Унгача худодан кўрқиш орқали таниш (анъанавий ислом) ва худони севмоқ орқали таниш (тасаввуф) маълум эди. XX-XXI-асрлар нисбатан зиёлилик асрлари бўлиб қолмоқда.

Албатта, илмий-техникавий инқилоблар, маънавият юксалган асрларида кўплаб муаммоларни техника (айниқса ахборот технологиялари даврида) иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Зиёлилик, билимлилик бўлгани боис математика, информатика фанларининг бошқа фанларга (айниқса, тиббиётга) таъсири кучли сезилмоқда. Бошқарув илмида ҳам, назоратда ҳам ахборот технологиялари фани катта ўзгаришлар қилишга сабабчи бўлмоқда. Аввало, илм қанчалик юксалмасин, барча соҳаларга кириб бормасин, барибир инсон барча ўзгаришлар марказида қолаверади. Чунки, инсонни дунёга бошлиқ (ҳалифа) қилмоқчиман, деб Аллоҳ марҳамат этган заковатнинг чегараси йўқ, инсон амалий фаолиятига чегара йўқ, ҳамда у ҳаётнинг марказий нуқтаси бўлиб қолаверади. Барча нарса инсондан бошланади ва инсонга келиб барча нарса тугайди. Фақат инсонгина залолат ва ҳидоятни ажрата билиши керак. Оқ ва қорани фарқлай олсин. Нур ва зулматни ажрата олсин, олимлар олимлигини, дехқон дехқончилиги, ҳунарманд ҳунарини қилсин. Тарбиячи тарбия, таълим берувчи таълимини юксак даражага кўтарсин. Юртни ободлиги, халқ фаровонлигига камарбаста бўлсин. “Бир товукқа ҳам дон, ҳам сув керак” деган нақлга кўра минглаб касб эгалари юртимизга керак. Дину диёнат ва дунёвий тараққиёт бири иккинчисини тўлдирсин. Соф ота-боболардан мерос, мутафаккирлардан мерос бўлиб келган ислом дини асло одамларни жангариликка ўргатмаган, аксинча одам ўлдириш гуноҳи кабира деб, ҳисоблаган эди. Кейинги 30 йил ичида шаклланган жангари оқим ва мазҳаблар (замонавийлашган ислом) кўзиқориндай кўпайдики, улар туфайли планета тинчлиги бузилди. Кези келганда терроризм ва экстремизмнинг христианликдаги, яхудийликдаги, буддавийликдаги кўринишлари ҳам пайдо

бўлганлигини айтиб ўтиш жоиз. Наҳотки, залолат инсонларга нега бунчалик “меҳрибон” бўлиб қолди? Асло! Гап шундаки, диний экстремизм ва терроризм қайсидир ўзига ёқмаган давлатлардан ўч олиш қуролига айланди. Бу ерда ҳеч ким дин ҳомийси ёки уни ҳимоячисига айланмоқчи эмаслигини яхши биламиз, фақат шу усул билан бир сиёсий тизим (давлат) бошқа сиёсий тизимдан ўч олиши мумкин бўлмоқда. Очиқ агрессия қилишга БМТ, ЕХХТ, ОДКБ, ШОС каби халқаро ташкилотлар йўл қўймайди.

Аслида исломни жангари ва жангаримасга ажратиб ўрганиш саводсизлик. “Жангарилик” деган лафз ортидаги нарсалар ислом эмас, залолатдир. Чунки, ҳақиқий исломда ноҳақ одам ўлдириш, бир кишини бошқа бир кишига зулм қилиши, ёлғон гапириш, ғийбат, кибр, маъсулиятсизлик, икки юзламачилик, ватанфуришлик, одам савдоси каби иллатлар қаттиқ қораланади.

Ватандошим! Сен билимнинг аҳамиятини яхши тушуниб олдинг. Билим жуда кўп мушкулликларни бартараф этувчи очқич. Билимсиз одам фақат бой берувчи, ютказувчи, дангаса ва лоқайд одамдир. Ундан на оиласи, на у яшаётган жамият наф кўради. Форобий орзусидаги фозил одамлар шаҳри – бир идеал тушунча. Лекин, уни қуриш рецептлари Форобий томонидан қисман берилган. Уни мукаммаллаштириш зарур. Мен сенга ишонаман! Сенда 3500 дан ортиқ буюк мутафаккирларимиз қони томирингда оқмоқда. Демак сен юксак маънавият - энгилмас кучлигига қаттиқ ишонасан.

АДОЛАТПАРВАРЛИК ВА ЗОЛИМЛИК (А.НАВОИЙ МАМНУНИЯТИ ВА НАФРАТИ)

Устоз Алишер Навоий ҳақида гап кетганда, бамисоли тубсиз денгиз, тўғрироғи жавохир тўла сандиқ кўз олдимизга келади. Хўш, бу хазинадан ҳаммамиз ҳам самарали фойдаланяпмизми? Ёки мухтасар қилиб айтганда унга муносиб авлодмизми ёки уни қай даражада биз биламиз. Бугунги авлод

ичида Навоийни яхши билувчилар сони бир неча фоизни ташкил қилиши бизларни ўйлантиради.

У яхшилик, адолат, покиза ишқ, қалб мусаффолигини мамнуният билан қўйлади. Саҳий қалбли, юмшоқ ва меҳрибон олим ўз ижодида самимий инсонларнинг томонини олди. Шунингдек у зўравонлик ва зулмни, разолат ва риёкорликни, бадкирдорлик ва маразликни қоралади. Ўз асарларида золим подшо, талончилик ва фирибгарликни касб қилиб олган ҳаромхўрларни нафрат билан фош этди. Навоий ўзининг охириги асарларидан бири, “Маҳбуб-ул-қулуб”да адолатни бош мезон қилиб олди. Олимлар ва билимсизлар жамиятда ўз мавқеига кўра жой олиши адолатдир. Агар гумроҳ ёки билимсиз инсонлар олимлар устидан ҳукмрон бўлса олимлар хору-зор, жамият эса нодонлар қўлида қолади. У “хордир-олиму, жохил азиз” , “разолатга кўтарилиш билик аҳлига ранж” деб ўша ҳолатга муносабат билдиради. Қизиғи шундаки, тиканаклар баландда, тоғ тепасида ўсади, фойдали қазилма бойликлар эса тоғ ёки тепалик остидан жой олади [14, 66-67].

Илмни ким воситаи жоҳ этар,

Ўзинию халқини гумроҳ этар

Бир томондан шоир жохил-нодонларнинг амалдорлигини ёқтирмайди, кейинги томондан эса илм аҳлининг мансабдор бўлишига қарши эмас. Аслида илм аҳли мансабдалигида илм билан шуғулланишга вақти ҳам бўлмайди. Нодонни қаердадир мансабдор бўлишига чидаш мумкиндир, лекин, олимлар устидан бошлиқ бўлиб қолишига чидаб бўлмайди. Ана шу ҳолатда олимлар хору зор бўладилар. Зеро, илми қадрланмаган олимлар бошқа юртларга бош олиб кетадилар. Шу боис илм қадрини мансаб билан белгиламаслик керак. Илм аслида инсоннинг маънавий юксалиш воситаси, манбаи. Илм ҳақиқатни очиб бериш ва илмнинг инсон учун шараф воситаси дейилса, тўғрироқдир. Илмни яхши ва манфаатли мақсадларга, жамиятнинг оғирини енгил қилишга сарфлаш керак, дейди буюк мутафаккир. Шоир мансабни (ҳатто илмни ҳам) бойиш воситасига айлантиришга қарши, илмни

таъмага, жабр-зулм, талончиликка сарфлашни гумрохлик ва ҳамоқат, искиртлик деб билади. Шоҳ девонидаги мирзо ва котиблар бир қалам уриб, тўғрини нотўғрига чиқарадилар, нотўғри хужжатни ростга айлантирадилар. Натижада бу билан бошқалар молини ўзлаштириб оладилар. Уларнинг калами “улусин ўрташга ўтун”дир. Улар ҳатто Султонни ҳам алдайдилар. Сабаб бу ишлардан подшо беҳабар. Вазир амир ва ҳокимлар мамлакатни таъма ботқоғига ботирадилар, косибу дехқонга ҳам, Султонга ҳам натижада зулм қиладилар. Оддий халқ бу ишни султон қилмоқда, деб тушунади Давлат илдизига путур етади, улусни давлатга бўлган ишончи йўқолади.

Навоий амалдорлар найранги ва қилмишларини сўз билан “сурат”ларини аниқ чизиб берган. Нобакорлар шоҳ ортидан ўзаро яширин маразликлар қиладилар. Бинолар, ерлар, кентлар маҳфий тарзда бошқа бойларга сотиб юборилади, уларга сохта хужжатлар қилиб берадилар. “Сарҳад этиб бирга бешу ўн рақам” яъни қўшиб ёзиб, натижада “райят узра тавон” соладилар. Улар билимни гуноҳи аъзим ва гумрохлик учун сарфлайди. Адолат ва ҳақиқат томонида бўлган чин олим бу нарсалардан ор қилади, ўз илмини улуғ билади. Навоий ҳақида, ижоди ҳақида бир оғиз сўз билан ифода қилиш зарур бўлса унинг буюк хизмати миллатни яққалам қилиш ҳамда адолат ва комил инсонни куйлаш, деб жавоб берган бўлар эдик.

Адолат ғояси олимнинг шоҳ асарларига сингдириб юборилган. Айниқса Ҳамсанинг Лайли ва Мажнундан бошқа тўрт достони ва “Маҳбуб ул-қулуб”да бош ғоя сифатида келади. Садоқат, вафо ҳаё, хилм, саховат каби сифатлар бевосита адолат ғояси билан боғланган. Инсоннинг қонига илохий тарзда адолат туйғуси сингдирилган. Зеро адл Тангрининг исмларидан биридир. Барча адолатлар нисбий, мутлоқ адолат эса унинг адолатидир. Нақшбандийлик тариқатини хуш кўрган Навоий киши мутлоқ одил бўлиши учун ўз манфаатидан воз кечмоғи керак, - деб хулоса қилади. Ўзини ёрудўстларини, фарзандларини ва яқинларини ўйлаган инсон одилу мутлоқ

эмас.У кимларгадур ён босади, кимларнингдур ёнини олиш тарафдоридир.

Нақшбанд ҳақида Навоий:

Ҳақ сўзни элга қилурда адо,

Тенг кўринуб олдида шоҳу гадо.

дейди. Б.Нақшбанд ўз вақтида “бандаликка ҳожалик тўғри келмайди” деб ҳисоблаб ўз хизматкорларидан воз кечкан эди. [15, 120]

Илгари сурилган концепцияда инсонни тупроқдан яратилганлиги ва яна тупроқга айланишининг ўзи буюк адолат эканлиги уқтирилган. Афсус, одамлар бу асосни кўпинча унутиб қўядилар. Чункин бу асос тенгликни назарда тутди. Уни унутиб, мен фалонман дейишлик, Навоий фикрича залолатдур. Инсон зотининг ўзаро тенглиги ғояси, демак, исломда, аниқроғи тасаввуфда илгари сурилади. Ҳали вери жамиятда демократия шаклланмаган шароитда, айрим ҳукмдорлар ўзларини худонинг ердаги сояси, деб эълон қилаётган даврда бу нарса амалга оширилади. Навоийнинг ушбу қарашлари ҳозирги демократик жамиятда ҳам қадрли баланд, сабаби ўзининг аслини унутмаган инсон доим адолат тарафида бўлади. Кези келганда И.А.Каримовнинг “Халқимиз етишмовчиликларга чидаши мумкин лекин адолатсизликка чидай олмайди” -деган фикрини келтирмасак бўлмайди. Демак, ботинан юртимизда, халқимизда адолатга мойиллик кучлидир. Навоий ҳаётни кузатади, кўрган-кечирганларини таҳлил этиб, ҳадисларни, ҳамда асосий манба бўлган Қуръонни чуқур мушоҳада қилиб ғазаллар битди. Унда адолатни шунчаки баланд парвоз тушунча деб билмай йирик концептуал система деб қарайди. Унингча, кофир одил подшо мусулмон золим подшодан афзал. Адолат йўқсил ва мазлумга химоя, ёмон бой мусулмонга жабрдир. Олий адолат -Тангри адолатидир, у ўз адолатини барча яратган зотлар ўртасида бўлиб тақсимлади. Унингча подшо боғбон, халқ бир боғ (шоҳ чўпон, раият эса пода, поданинг тақдирига шоҳ жавобгардир). Шу боис шоҳ худодан кўрқсин, шунда адолат бўлади. Ўз ўлимини ўйлаган подшоғина адолатни амалга оширади.

У ёзади ; “Хусрави беоқибат хусри билоду кишвар аст” яъни ҳисоб китоб кунини ўйламаган подшо юрт учун фалокатдир [15, 23]. Яна зулм қилганга қарши зулум бўлиши керак, акс ҳол да раиятда осойишталик ўрнатилмайди. Боз устига золимга раҳм қилиш мазлумга жабр демакдир. Адолатпарвар, раиятпарвар шоҳдан халқ розидир. Халқ розилиги Ҳақнинг розилигига сабаб бўлади;

Гарчики Ҳақ амри фаровон эрур,

Барчаси бир ён, бу бир ён эрур

Ҳадисларда бир соатлик адолат олтмиш соатлик ибодатдан афзал дейилган.

Эронда VI асрда Маздак исмли аблах инсон чиқиб пайғамбарликни даъво қилади. Юрт подшосини қўлга олиб бойларни мулкларини тортиб олишга, камбағалларга бўлиб беришга кўндирди. Ҳатто, мол-мулк ва аёлларга ҳамма эгаллик қилсин, деди. Бу эса мамлакат тинчлигини бузди: Аёнлар, мансабдорлар, ўртаҳол лар исён кўтардилар. Подишо Ғубод тахтдан кетди ва ўғли Нўширавон унинг ўрнига ўтирди. Маздак ва унинг тарафдорлари қатл қилинди. Бу ҳам адолат эди. Расуллулоҳ Нўширавонни дўзахга тушмаганини хабарини берди. Ғубод аҳол ини бир-бирларини мол-давлати ва аёлига шерикликка руҳсат ҳам берган эди. Бу эса адолатсизлик эди.

Ғубод ва Маздак қилмиши барча тарихий асарларда қораланади. Хусусий мулкни тортиб олишлик – талончилик Ислом бу ишни қаттиқ қоралайди. Социалистик тузумда ҳам хусусий мулкка қарши “уруш” эълон қилинган эди ва йўқсилликни кўкларга кўтариб мақтадилар. Бошқаларни мулкни тортиб олиб, йўқсилларга бериш адолат эмас, балки ўша мулклардан ҳаммининг баҳрамандлигини йўлга қўйиш адолатдир.

Ўша одил подшо Нўширавон овга чиқади ва қўлга киритилган кийикни пишириб емоқчи бўлишади. Шоҳ хизматкорлардан бирини туз учун кишлокқа юборади. Аёнлар: Сиз шоҳсиз, тузни сўраб ўтирасизми, шундоқ олиб келаверсин, - дейди. Подшо: агар бугун тузни текинга олсак, эртага

аскарларим қишлоқ товукларини талаб халққа жабр етказадилар. Бу зулмга бошқалар ҳам қўшилиб зулм кучайгандан кучаяди. Подшо халқ молидан қўлини тортсагина, бошқалар бундай ишга қўл урушдан қўрқадилар. Навоий “Тарихи мулки ажам” асарида бу ҳақда “адл жўйборидин мулк боғида фароғат ашжори (ниҳоллари) шодоб бўлди ва инсофи тарбиятидин амният боғинда фароғат гуллари очилди ва осойиш мевалари етилди” – деб ёзади. “Ҳайратул аброр”да мутафаккир бир кампир ва Ҳусайн Байқаро ўртсидаги бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилади. Шоҳ тахтни қўлга киритиш йўлидаги курашларда қатнашган ва халок бўлган инсон бир кампирга ўғил эди. Кампир ўз ўғли учуни хун талаб қилади. Қози эса гувоҳларни талаб қилади. Иккита гувоҳ келтирилди. Қози кампир фойдасига ҳукм чиқаради. Хусайн Байқаро кампирга юзланиб, бир халта олгинни олишини ёки мана шу қилич билан ўз бошини кесишни таклиф қилади. Кампир адолатли ҳукмдан мамнун ва шоҳ мардлигини кўриб “сендай адолатли шоҳга ўғлим ҳам, ўзим ҳам фидо бўлсин”, - деб ўз даъвосидан воз кечади. Бу ҳикояларда Нўширавон ҳам, Байқаро ҳам қонун олдида ҳамма тенглигини исботлаганлар.

Қонун ҳаммага тенг бўлсагина адолат ҳақида гапириш мумкин. Энг аввало Султоннинг ўзи адолат тамойилига риоя қилмоғи зарур. Адолат йўқ жойда қонунлар мудрайди. Одил ҳукмдор учун қонун таянчиқ, золим ҳукмдор қўлида эса бир қўғирчоқ, деб ёзди Навоий. Раҳм-шафқат, кўнгилчанглик, ожизлик ҳамдир. Зулм қилган кишини, давлат ва жамиятга катта зарар келтирган кишини “бошини силаса”лар адолатсизликдан бошқа нарса эмас. Шоҳ вақти келса қаҳрли, маккор ва сиёсатчи ҳам бўлсин. Ҳукмронлик - кучлилик дегани ва у давлат учун асосдир. Инсофу-адолат химояга мухтож, уни залолат ва зулмдан ихота қилмоқ керак бўлади. Давлат - дейди Навоий ўз сиёсати билан каззоб, ўғри, золим ва бадкирдорларни қўрқувда ушлаб турса, зулмни йўли бекилади ва жабрдийдаларга тоза ҳаво етиб боради.

Бўлса керак фикр ила шоҳи замон -

Яхшига яхшию, ямонга ямон

Иккисидан бир киби олса ҳисоб -

Мамлакати ичра тушар инқилоб [14, 69].

“Маҳбуб-ул-қулубда”да адолат ва нафрат шоҳнинг балки вазир, амир, хоким, қозию - муфтийлар хуллас ҳаммасининг ахлоқ гавҳарига айланмоғи кераклигини баён этилади.

Навоий бозор олиб сотарлари косиблардан фириб ва найранг ишлатмасликларини, алдамасликлари, торозидан урмасликларини айтиб, уларга танбех беради. Навоий ўғитлари замонлар ўтса ҳам ўз таровати ва аҳамиятини йўқотмаган [16, 34-40].

Навоий ғоялари инсон дардига малҳам, юрагига қувват, бағишлайди. У комил инсонни орзу қилиб, ўз асарида дарвеш ва подшоҳ тимсолларини қиёслайди. Дарвеш маънавият тимсоли, подшо эса салтанат тимсолидир. Румий ва Саъдий меросида маънавият ва салтанат тушунчалари ўзаро муросада эмас. Лекин Навоий уларни келиштириб, бири иккинчисини қўлламоқлиги керак, дейди. Салтанат маънавият томон юз бурса ўзи ҳам бойийди, мустаҳкамланади. Маънавият шоҳ томон юз бурса ўзининг табиий ривожланиш йўналиши қолиб шахснинг хизматкорига айланади. Маънавият аслида подшога ҳам, оддий фуқарога ҳам зарурдир. Маънавият ҳеч қандай идеологиянинг исканжасида қолмаслиги маъқул ҳолат, чунки у билан ўша ҳолат юз берса ривожланишга путур етади. Навоий гулшанига кирган киши у ерда бетакрор санъатни, уйғунликни, олий руҳоний туйғуларни ва тангрига бўлган покиза ҳамда қайноқ мухаббатни учратади. Яхши кўришга Аллоҳ, унинг расули, пири устоз, комил инсон, эзгулик биринчи галда лойиқ хилқатлардир. Шоир, масалан

Улки улус қатлиға жаллод эрур,

Ўғлини ўлдирса, дағи шод эрур -

байти билан қотилни ички дунёсин суратини чизган. Қарангки, шу ерда ҳозирги ақидапарастлар кўз олдимизга келмоқда: улар учун фарзанд, ота-она ҳеч бир қадри йўқ нарса. Агар уларга катта шикаст етса, шаҳидлик деб қабул қиладилар. Ақидапараст одам инсонийлик сифатларини ҳам, илоҳий

сифатларини ҳам йўқотган шахс эканлигини Навоий ғазалларидан ҳам билиб оламиз.

Шу боис буюк мутафаккир ўз пири Абдурахмон Жомийни шоҳу-гадо тенглиги ғоясини давом эттириб ўзининг машхур форсий қасидаси “Тухфатул афкор”да ёзади.

Подшоҳе, к-аш гадои фақр гаштан орзуост,

Чун гадое бошад он, к-аш подшоҳи дар бар аст [17, 70].

яъни дарвешликни орзу қилган подшо худди шоҳлик тожисини кийган дарвешга ўхшайди. Нақшбандия тариқатининг мазмунида ҳам ушбу ғоя чиройли ҳол да сингдирилган. Шоҳлик бу таълимотга кўра бош оғриғидан бўлак нарса эмас. Шунингдек, шоҳлик тангрининг ўзи танланган инсонга қўйган маъсулиятли вазифасидир. Бу вазифанинг мушкуллиги ва хавфлилиги бор, яъни, ҳар қадамда адолатсизлик қилиб қўйиш эҳтимоли бор.

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,

Ахгаре баҳри ҳаёли хом пухтан дар сар аст. [15, 122]

(шоҳ тожининг безаги лаъл, унинг хом ҳаёлини пишириш учун чўғ).

Байтда шоҳни эмас, шоҳликни танқид қилинмоқда. Шоҳнинг миясидаги хом ҳаёл, нафс, хирс, амалдорликнинг, дунёнинг илинжи ва парастлигидир. Чўғ эса дарвешлик, худога иштиёқ ва хокисорлик. Юқоридаги хом ҳаёллик нафсга эргашилган хирсдир. Амалдорлик ва шоҳликдан кибрланиш хом ҳаёлликдир. Фақр-дарвешлик ила безанмаган шоҳлик ҳақиқий эмас. Илоҳ висолига етмоқ истасанг, боқий давлатга етмоқчи бўлсанг фано (фоний) бўлиш керак, чунки безавол давлат – бу тангри дийдоридир, қолгани абадий эмас. Шоҳга ботирлик, саркардалик ақл-заковат, қанча муҳим бўлса дарвешлик ҳам ўта муҳимдир. Яъни, зохиран шоҳ, ботинан дарвешлик назарда тутилмоқда. Дарвешлик ҳислати адолатпарварликни келтириб чиқаради. Бу шундай адолатпарварликки у нафақат қонунлар доирасида, балки Аллоҳ ҳузури ва иродаси қаршисидаги адолатпарварликдир. Навоий уни “Ҳақдин халойиққа раҳмат ва мамоликка мўъжиби амният” (“Маҳбубул-қуллуб”да) деб таърифлади ва Хусайн Бойқарога бағишлайди.

Кези келганда шўролар идеологияси буюк мутафаккирнинг ардоқли дўсти, шоир ва шоҳ Хусайн Бойқарони маишатпараст, адолатдан йироқ, бошқалар макрига учувчи кимса деб ифодалаган эди. Навоий фильмини эсланг. Ўша идеологияда шоҳ-ми, демак яхши одам эмас. Бойми демак ёмон одам деган хулоса бор. Яхши одамлар фақат йўқсиллар бўлиши мумкин, - деган хулоса қилинган. Энди бу чигалликнинг ечимини Навоийдан излаш вақти етди. Навоий ўз ҳаётининг сўнги йилларида яратган „Тарихи мулки ажам“ асари охиридаги маснавийда Султон ҳақида:

Демай айни инсонки, инсон айн -
Ҳам инсонун, ҳам айн, Султон Хусайн
Шаҳо келди шоҳлик мусаллам санга,
На шоҳлиқки, дарвешлик ҳам санга
Бўлиб салтанат тахтида фақржўй,
Шоҳ ўлса, вале бўлса дарвешхўй [15 , 123].

деб ёзади. Навоий шоҳга қаттиқ ишонади. Ундаги камбағалпарварлик (дарвешхўй) собит хусусиятдир. Шоҳ албатта заиф ва бечора хол кишилар арз-додини тинглаши ҳам керак.

Қарангки “Садди Искандарийда” буюк шоир масаланинг ирфоний-фалсафий жиҳатини бўрттириб ифодалайди. Жаҳонни забт этган Искандар оддий ожиз банда каби жон берди ва қўллари бўш, яъни ҳеч вақосиз қабрга кирди. Алал оқибат у гадой ҳолда дунёдан кетди. Аллоҳ меҳрининг гадойи бўлиб боқий оламга рихлат этди. Арзимаган, қисқа умр давомида дунё учун талашиниш, қон тўкиш, қирғинлар қилишга на ҳожат? Дунё бойликлари йиғилса ҳам дарвеш кўнглидаги хотиржамлик, умидворлик, осойишта ҳаёт олдида сариқ чақалик ҳам қадри йўқ. Лекин, қаноатли дарвешнинг шукроналикка тўла ҳаёти, қалбий хотиржамлиги ҳар қандай бойликдан афзал эмасми? Кези келганда шуни айтиш жойиз, агар Навоий сўфий бўлмаганида, исломий билим соҳиби бўлмаганида, ёки аксинча амал ва бойлик бандаси бўлганида эди ҳеч қачон бунчалик теран фикрловчи файласуф, бетакрор маънавият соҳибига айланмаган бўлар эди.

Низомий Ганжавий ҳамсасида ҳам, Хусрав Дехлавийда ҳам, Абдурахмон Жомийда ҳам Искандар шоҳу шахзодаларга ибрат, тарбия тимсолидир. Навоий чизгиларида шоҳ ва дарвеш қиёси, ўткинчилик ва боқийлик, жаҳонга эгалик ва фақрлик, огоҳлик ва шоҳлик, шоҳлик ва художўйлик, қудрат ва ожизлик, футувват ва давлат масалалари заргарлик билан ечимини топган. [14, 124]

Дунёни эгалламоқлик, жаҳонгирлик ва шу мақсаддаги ҳарбий юришлар раият учун зулм ва азобдир. Юртни бойитишни, ободончилиқни бошқа халқларни қул қилиш ҳисобига амалга оширилишини Навоий қоралайди. Қалбида одиллигу инсоф, илм-ҳикмат жўш урган шоҳ жаҳонгир бўлса ҳам дарвеш мартабасига эга бўлиши мумкин, - дейди. Бу Концепцияни дostonда исботлаб берган Навоийда зиддиятли ҳолат пайдо бўлди. Бир томондан жаҳонгирликка қарши, иккинчи томондан унинг тарафдори. Унинг фикрича жаҳонда адолат ўрнатиш учун дунёни забт этишни зиёни йўқ. Яъни, жаҳонда адолат ўрнатиш, ҳикмат ва билим ҳукмронлигини ёки идеал салтанатни ўрнатишни у орзу қилди. Искандарнинг нияти ҳам бутун дунёда эзгулик салтанатини ўрнатиш ва у билан илоҳий адолатни қарор топтириш бўлган эди.

Навоийда дарвешлик ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш ва унинг учун саъи-ҳаракат Искандар шахсига сингдириб бориш орқали интилишни кузатамиз. Шоҳ-орифлар ҳикмати ва кароматларини ўзида намоён қилиб боради. Искандар илоҳий мўъжиза, кароматларини мушоҳада қила бошлади ва жаҳонгашта дарвешдай унда дунёвийлик ҳамда илоҳийлик бирлашади, уйғунлашади. У бамисоли тахтда ўтирган дарвеш, шоҳликни эса хокисорликдек қабул қилган. Искандар образи Навоийда ҳам, Жомийда ҳам, Низомийда ва Амир Хусрав Дехлавийда ҳам шунинг учун келтириладики, шоҳлик - абадий эмас, гадолик эса бутун умр давом этиши мумкин. Тинчлик ва хотиржамлик фақат гадода бор, шоҳда эса йўқ. Шоҳ ва гадо мулоқатлари турли ривоятларда берилган. Навоийда Искандар гадо билан учрашади ва гадо фалсафасидан хушнуд бўлади (икки калла суяги ҳақидаги ҳикоя).

Лекин, сенинг насибанг фақирлик оламини эгаллаш, менинг насибам эса дунёни эгаллаш деб айтади. Аслида, бу тақсимот барча нарсалардан пок бўлган буюк тангрининг фалсафасидир. (“Аллоҳ ўз беҳисоб неъматини ўзи хоҳлаган инсонга мўл-кўл қилиб беради” - деган оят). Ушбу мазмундаги ҳикоят Низомий Ганжавийнинг “Иқболнома”сида Искандар ва Суқрот мулоқоти тарзида берилса, Хусрав Дехлавийда эса Искандар Афлотун мулоқоти ул зотнинг “Ойнаи Искандарий” асарида берилган. Абдурахмон Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий” асарида Суқротнинг олдига Искандар эмас, бошқа шоҳлардан бири боради. Суқрот узлатга чекинган эди. Подшо Суқрот олдига ташриф буюрганда у офтобда исиниб ўтирган эди, Подшо берган янги кийим бошни Суқрот олмайди. Суқротдан нимани истайсан мендан – дейилганда “офтобни мендан тўсма” деб айтади, яъни бу дунёда ҳеч ким бошқалардан дунёни қизғанишга ҳаққи йўқ. Жомий асарида юқоридаги ҳикоядан ташқари бошқа ҳикоялар ҳам келтирилади. Бир подшо Суқротга мол дунё берай, қашшоқликдан, бечоралиқдан қутқарай, дейди. Сен берганинг билан ўлим уни қайтариб олади-ку, демак фойдаси йўқ! – деб жавоб беради. Шунингдек, сотиб олган еридан хазина чиқиб қолса, у меники эмас, деган ҳалол одам ҳикояси ҳам бор. Хотинларга ўхшаб безанган йигит (мол-дунё маккорлиги) ҳикояси, подшо ва девона ҳикоятлари ҳам келтирилган. Бу ҳолатларни проф. Н.Комилов тасаввуф нуқтаи назаридан ҳикматли хулосалар билан баён қилган.

Искандарнинг кўрган ва бошидан ўтказган воқеалар ибратдир. Инсоний фазилат шоҳликдан афзал, мол дунё эса ўткинчи бир бевафо матохдир. Навоийда нафс тарбияси, ризқдан ташқари мол дунё йиғишнинг бефойдалиги, қаноатнинг фазилати, таъма - инсонни хор қилиши, таваккулнинг бениҳоят зарурлигини учратамиз. Афлотун подшо Искандарга 10 та насиҳат қилади;

1. Тоат- ибодатда бўл;
2. Шукр қил;
3. Саҳоватпеша бўл;

4. Дунёни ҳеч кимдан қизғанма;
5. Симу-зар йиғишдан қоч;
6. Ризқ Аллоҳдан, уни кўпайтира олмайсан;
7. Дунёпрастлик олов ўтинни егани каби иймонингни еб тамом қилади;
8. Яхшиларни суя, эргаш;
9. Кечиримли бўл;
10. Илмга ва илми аҳлга меҳр қўй;

Искандар ҳиндлар юртида Буддавий авлиёларни учратади; улар билимдан бошқа бойлигимиз йўқ ва шунга ҳаммамиз розимиз – дейдилар. Сизларга нима керак, дейилганда “Абадий ҳаёт” деб айтадилар. Искандар бу нарса мумкин эмаслигини айтганларида улар; шундай экан, нега дунё ортидан, бойлик ортидан югурасан, деб изза қилмоқчи бўладилар. Искандар барча фуқаро қаноатда яшайдиган шаҳарга боради, барча пешвоз чиқади. Лекин бир тикувчи чиқмайди. Уни келтириб сабабини сўраганларида мен подшоҳга мухтож эмасман, шу боис унга таъзим қилмайман, деб айтади ва ҳикоя қилади: Шоҳ ва гадо бир йили, бир вақтда вафот этдилар, шоҳни ипакка ўраб, гадони жандасига ўраб кўмишди. Бир йилдан кейин уларни суяклари аралашиб кетибди ва уларни ажратиб бўлмади. Яъни у ҳам, бу ҳам худонинг бандаси, бир биридан аълолиги йўқ, деб ҳикоя қилади Жомий. Тикувчи жавобидан хайратланган Искандар уни подшоҳ қилиб кўтармоқчи бўлди. Аммо тикувчи; шоҳликка менда рағбат йўқ. Шу касбим менинг учун шоҳликдан афзал, - дейди.

Жомий учун ҳам, Навоий учун ҳам шоҳни олдига гадо келадими ёки гадо олдига шоҳ келадими фарқи йўқ. Барча ҳикояларда Искандар олдида гадо ёки касб эгаси, файласуф ўзини дадил тутди. Уларни Искандар олдида йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ. Шу боис рост сўзлайди. Йўқотадиган нарсаси бор одам маккорлик қилиши, ёлғон сўзлаши, хушомад қилиши, лаганбардорлик қилиши эҳтимоли бор. Искандар тахтдан воз кечай деса, отасининг “Мамлакатимга бегона оёқ қўймасин”, деган васияти йўл

кўймайди. Дарвешликни ташлаб шоҳликни танласа ҳар қадамда, ҳар соатда гуноҳга ботиш эҳтимоли бор. Боз устига Искандарни тахтга чиқишини конуний деб ҳисоблаб, Навоий шоҳнинг қалб огоҳлигини, маънавий етуклигини, ҳикмат ва адолатпарварлигини, жаҳолат, зулм, хасисликдан, бузғунчиликдан халқни ҳимоя қилувчи, деб таърифлайди. Адолатли давлат, адолатли шоҳ, комил инсон ғоялари Навоийда юксак даражада ўз ечимини топган. Ҳамсада икки нурли чизик шоҳ ва дарвеш чизиғи бошдан охиригача ўтиб асар қадрини осмон қадар кўтарган, деб айтсак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

ХУЛОСА

Ниҳоят, рисолаи ҳам ўқиб чиқдингиз. Рисола ҳеч кимни хайрон қолдирмайди. Ҳаётда бор нарсаларнинг жуда оз қисми ҳақидагина гапирилди. Кимгадир эриш туюлиши, кимнидир мамнун қилиши табиий ҳолат. Беш қўл баробар эмас дейди халқимиз. Келтирилган важ-карсонлар барча маънавий хасталикларга шифо бўлади, деган фикрлардан йироқмиз. Фақат, сиз билан суҳбатлашмоқчи бўлдик, ҳолос. Агар сизни нимагадир йўллаб, нимадандир қайтарган бўлсак, танловни ўзингизга, қалбингизга, виждонингизга қолдирамиз. Зеро, бу дунё яхлит тузилган ва бизлар ҳаммамиз уни ташкил этувчиларимиз. Ўшалар бир-бирига шу даражада алоқадорки, уларни алоҳиди-алоҳида олиб бўлмайди. Ўзаро тақазовий хилқатлар уммонидамиз, уммонга шўнғиган инсон ё марварид, ё кераксиз тошни олиб чиқиши мумкин. Илтимосимиз шуки барча муаммоларни қалбингиз (руҳингиз), виждонингизга қулоқ солиб ҳал этинг. Шоядки, сиз-биз ҳам комил инсонлардан, жаннат аҳлларидан бўлсак! Шу ерда хулосани ёзишга ўйналиб қолдик: ҳамма нарсани фақат бир томонлама яъни муаллиф ирода ва тақазоси билан ечиш адолатдан эмас. Унинг зинхор тахсинга лойиқ эмаслигини ҳам биласиз. Фақат, ўқиб чиқиб тафаккур қилсак: салбийларидан қанчаси бизда бор? Улардан қутилмоқчилигимизни ният қилсак бўлди!

Ижобийларни кўпайтирсак, ўз ўз-ўзимизни тафаккур қилсак, эзгуликни кўпайтирсак, қандай яхши! - Яхши ният, ўз-ўзингизни тафтиш қила бошлаганингиз муборак бўлсин!

Келинг, дўстим, хулоса чиқаришга шошилмайлик. Уни ҳар бир ўқувчини ўзига қолдирайлик. Маънавий хасталик ва ноқисликларга ўз дилимиз, руҳимиз, руҳониятимиздангина даъво топмасак бўлмайди. Улар бизни мукамаллик ва комилликдан йироқроқда тўхтатиб турибди. Орага солинадиган кўприкгача, яъни залолатимиздан эзгулигимиз томон олиб ўтувчи йўлакгача ярайдиган унсурни топмоқлик ҳам сизга қолдириляпти. Омонлик ва фикрий тиниқлик сизга ёр бўлсин.

ГЛОССАРИЙ

АХЛОҚ (араб. хулқнинг кўплиги; лот. моралис — хулқ-атвор) — ижтимоий онг шаклларида бири, маънавий ҳаёт ҳодисаси, маънавият соҳасига оид тушунча. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси. А. нормалари кишиларнинг хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Бунда баъзи хатти-ҳаракатлар, хулқ-атворлар А.ий, баъзилари А.сизлик деб баҳоланади. А. ижтимоий онгнинг энг қад. шаклларида биридир. Давр ўзгара борган сари ҳар қандай ҳодиса каби А. ҳам ўзгаради, ривожланиб, такомиллашиб, маънавий маданиятнинг кўринишларидан бирига айланиб боради. А.ни алоҳида фал-ий фан – “Етика” ёки “Ахлоқшунослик” ўрганади. Илм, билим, дунёқараш, идрок ва иймон инсоннинг хулқ-атворида ўзига хос тарзда акс этади. Инсонийлик маданияти эса ахлоқий фазилатлар орқали намоён бўлади. А. ижтимоий муносабатлар заминиде алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёри, ўзаро мулоқот ва муносабатларда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасининг намоён бўлиши ҳамдир.

АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР-кишиларнинг хулқ-атворида асрлар давомида шаклланган ўзаро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари: хушхулқлик, хушмуомалалик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳалоллик, покизалик, эзгулик, меҳнаСеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик.

АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ-ахлоқ -меъёрларининг юксак, орзу қилинган даражадаги тасаввуфи, барча энг яхши хислатларга эга, ҳар томонлама тарбияланган инсон образи.

АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ-ахлоқий тарбияга доир асарлар, қарашлар, ғоялар, кўникмалар ва уларга амал қилиниш.

АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАР-жамиятда ўрнатилган хуқ-атвор қоидалари, улар урф-одат, кўникма, маросим қоидалари сифатида намоён бўлади, ахлоқий кадриятлар сифатида қаралади, уларга амал қилмаслик жамоатчилик томонидан қораланади.

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ-инсон тарбиясининг муҳим қисми ҳисобланиб, одамга ёшлигидан бошлаб тўғрилиқ, ҳалоллик, иззат ҳурмат, бурч-масъулият, соғлом турмуш тарзи, ор-номус, шарм-ҳаё, Ватан азизлиги, оила муқаддаслиги, эътиқод мустаҳкамлиги хислатларининг сингдириб борилиш жараёнидир.

АХЛОҚИЙ ТАФАККУР-ахлоқ масалаларига бағишланган фикрлар, қарашлар ғоялар, ҳар бир инсоннинг ахлоқий меъёрлар ва кадриятларни англаш, илмий мушоҳада қилиш жараёни.

АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР-инсон хуқ-атвори, юриш-туришидаги энг юксак, ижобий ҳатти-ҳаракатлар, ўй-фикрлар ва эзгу амаллар мажмуаси: эзгуликка интилиш, яхшилик қилиш, иззат-ҳурматли бўлиш, меҳнаСеварлик, ор-номусли бўлиш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, саховатлилик, ҳалоллик, покизалик каби хислатларнинг намоён бўлиши

АХЛОҚСИЗЛИК-жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрлардан четга чиқиш: боқимандалик, ёлғончилик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, ўғрилиқ, ҳасад, ғийбат, тухмат, ватанфурушлиқ, эътиқодсизлик ва шулар каби барча салбий хислатларнинг намоён бўлиши.

АДОЛАТ — юксак маънавий тушунча бўлиб, унинг э. ва Ё. ҳамда Я. ва Ё. дан асосий асосий фарқи шундаки, А. нинг ўзи бирор бир кадриятни англамайди, лекин кадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш мақомига эга. Шу боис унда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор; А. да икки маънавий жиҳат – ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужассамлашган. Уни маълум маънода ахлоқ соҳасидаги миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин: у талаб б-н тақдирлашни ўлчаб турадиган тарозидир. А. бор жойда ижтимоий жабрга, бебошликка йўл йўқ. Энг оддий, ибтидоий фазилатлар, м., меҳрибонлик, шафқат, мурувват ҳайвонларда ҳам

мавжуд, лекин ҳайвонларда улар ўз гуруҳига, энг аввало, ўз зурриётига қаратилган бўлади.

АНДИША —юксак маънавиятга хос, ахлоқий тарбия натижасида шаклланадиган маънавий-ахлоқий тушунча, этика фанининг меърий тушунчаси, “Маънавиятшунослик”, “Маънавият асослари” фанларининг асосий категорияларидан бири. Кишилар б-н бўлган муносабатда оқибатини атрофлича ўйлаб муносабатда бўлиш, мулоҳаза қилиш А.нинг ўзига хос хусусиятларидандир. А.ли инсон ўз хатти-ҳаракати, маънавий-руҳий қарашларида юксак ахлоқий тамойиллардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритади. Бундай инсон ўзгаларни олижаноб ахлоқий меъёрларга асосланган ҳолда қадрлайди.

БАХТ- маънавий ахлоқий тушунча. Киши ўз фаолияти натижаларидан ҳаётда қўлга киритилган ютуқларидан тўла қониқиш, яшаш тарзидан мамнунлик, муайян мақсадга етганлик, орзу-умиднинг ушалиши, беармонлик ҳолати сифатида намоён бўлади. Бахт нисбий тушунча, мутлоқ бахт йўқ. Бахтни қандай маънода тушунишнинг шахснинг ижтимоий ўрнига, билими, ёши, дунёқарашига боғлиқ. Бахт ҳақидаги кишиларнинг тасаввурлари ижтимоий тузим ва ундаги ижтимоий муносабатлар мажмуаси б-н узвий боғлиқ.

БАҒРИКЕНГЛИК– меҳр-мурувват, ғамхўрлик, ҳимоя, паноҳ, макон, саҳий, эшиги ҳамма учун очик, даргоҳи кенг; кенгфеъллик. Бағрикенглик – ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана-маросимларига ҳурмат-еҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситишлар, таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-қуйда бунга риоя этиш. Хуллас, турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, осойишта яшашидир. Бағрикенглик айрим шахсларга ёки бутун бир халққа хос хусусият бўлиши мумкин. Бағрикенглик – ўзбек халқининг энг олижаноб фазилатидир.

БАРКАМОЛЛИК– камолот, балоғатга эришган, бекаму кўст, етук, мукамал, нуқ-сонсиз, камоли хирад – ақл комиллиги, камоли маърифат – илму маърифатда мукамаллик, камол аҳли – илму ҳикмат эгалари, олимлар. Баркамоллик инсоннинг ақлий ахлоқий ва билимдонлик жиҳатидан етуклиги, ўзи танлаган касбу ҳунарнинг устаси бўлиши, шахс сифатида шаклланиб, ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон куйдириши, эзгу ғоя ва ниятлар б-н бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилятига эга бўлиши.

БИОЭТИКА –ҳозирги замон этикасининг муҳим йўналишларидан бири. Б. инсон ҳаётини энг олий ахлоқий қадрият сифатида қарайди, шу билан бирга, инсон ҳаётини сақлаш муаммосини – яхшилик ва ёмонликни фарқлашнинг муҳим мезони, деб ҳисоблайди. Ҳоз. замон фанида Б. тирик мавжудотлар, шу б-н бирга, инсонга ҳам бўлган муносабатларнинг маънавий-ахлоқий регулятиви, деб қаралади. Инсоннинг табиат б-н узлуксиз алоқасини маънавий таҳлил этиш асосида, табиатни муҳофаза этишда ахлоқий жавобгарлик Б.нинг маданий негизини ташкил этади. Б., соСиал масалалалар б-н биргаликда, қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади. Б. мақсадларидан бири - шахсни турли ҳолатларга солиш имкониятларини яратувчи, инсон хатти–ҳаракати, руҳиятини ўзгартириш мумкин бўлган, унинг устидан ўтказилаётган хилма-хил тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқади.

БОТИНИЙЛИК ВА ЗОҲИРИЙЛИК — маънавий ҳодисалар бўлиб, инсоннинг ички, қалб, кўнглидаги ҳиссиётлар ва уларни сиртқи томондан, ташқи кўринишда ифодаланиши. Инсон ташқи томонидан қандай кўринишидан қатъий назар, унинг Б. ҳиссиёти, қалби, кўнгли ниҳоятда нозик ва маънавий бой бўлиши мумкин. Сиртдан қараганда кам-кўсСиз, салобатли кўринган киши ҳиссиёСиз, қалби кўр бўлиши ҳам мумкин. Б. инсонга бахш этилган неъмат, у буюк кишиларнинг зоҳирий фаолиятларида ёрқин ифодасини топган.

БУРЧ — жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбурият. У виждон, эътиқод, масъулият каби

тушунчалар б-н мустаҳкам боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хаттиқҳаракати замирида Б. га садоқат ёки хиёнат ётади. Б. нинг инсонлик Б.и, мусулмонлик Б.и, насронийлик Б.и, фуқаролик Б.и, оталик Б.и, оналик Б.и, фарзандлик Б.и сингари барча даврлар учун умумий бўлган тушунчалари ҳам, журналистлик Б.и, шифокорлик Б.и, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуд. Б. тушунчасининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – унинг вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусияти. ВИЖДОН — маънавиятдаги таъсир доираси ниҳоятда кенг тушунчалардан бири. В. – З. Фройд таъбири б-н айтганда, ало мен, мен устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи бир, юқори даражадаги мен. Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи, жамиятга боғлиқлигидан келиб чиқса, В. унинг ички ўз-ўзига боғлиқлигини намоён этади. Бу ички боғлиқлик ташқи боғлиқликка нисбатан теран ва доимийдир: уят маълум бир вақт ичида одамнинг ўз ножўя ҳаракати туфайли юзага келган ўнғайсизлиги бўлса, В. азоби, бу оддий ўнғайсизлик эмас, балки қалбдаги, одамдаги одамийликка эътиқоднинг фарёди, талаби; уни қондирмас экансиз, ҳеч қачон азоб тўхтамайди.

ВАТАНПАРВАРЛИК -бир ижтимоий гуруҳга мансуб бўлган инсонларнинг ўз тарихини, тили, маданияти, урф – одатларини, миллий обрўси, қадр – қимматини билиш, ҳурмат қилиши, уларга таяниши, бошқа халқларнинг ҳам обрў – эътиборини, манфаатларини ҳурмат қила билишини ифодаловчи маънавий фазилатдир. В. инсоннинг ўз Ватанига муҳаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини англатувчи ахлоқий тушунча.

ВРАЧЛИК ОДОБИ - врач маънавияти ва хулқ-атвор меъёрларининг мажмуи. В.о. умумий одобнинг таркибий қисми ҳисобланади, бунда врачнинг фаолияти хусусиятларига мувофиқ ҳолда хулқ-атвори ва ижтимоий ўзига хосликлари ўрганилади. У врачликнинг маънавий-ахлоқий масалаларини қамраб олади, унинг хулқ-атвори, маънавияти, касбий бурчини ҳис этиши, номуси, виждони ва қадр-қиммати меъёрларини, беморлар, уларнинг қариндош-уруғлари, ўз ҳамкасблари, жамоаси ва уму-ман жамият

билан ўзаро муносабати масалаларини ўз ичига олади. В.о. тамойиллари ижтимоий-иқтисодий шароитлар, соғлиқни сақлаш ва жамиятнинг унга бўлган муносабати ҳолати, тиббиёт фанининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ.

ДИЁНАТ– (араб. диндорлик, тўғрилиқ, инсоф) Худодан кўрқиш, гуноҳ қилмаслик, савоб ишларни амалга ошириш, имонли-еътиқодли, софдил ва мард бўлиш, диний қонун-қоидаларга қаттиқ риоя этиш, диндорлик, тақводорлик, виждон, инсофлиқ. Диёнатли одам тўғрисида, ҳақгўй бўлади, ҳаромдан ҳазар қилади, бировнинг зарарига иш қилмайди, ҳамиятли, номусли, ориятли бўлади

ДЎСТЛИК — ахлоқий тушунча; ўзаро боғлиқлик, маънавий яқинлик, манфаатлар умумийлиги ва ҳ.к.га асосланган инсонлар ўртасидаги ижобий муносабатни ифодалайди. Д.га қуйидаги хислатлар: шахсий характер, кўнгилчанлик ва индивидуал танлаш, ички яқинлик, барқарорлик хосдир. Д. мазмуни тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб боради. Фал. тарихида Д.ни кўпроқ ахлоқий жиҳатдан таҳлил қилган баъзи мутафаккирлар унинг эмоционал жиҳатини алоҳида таъкидлаганлар, бошқалари эса уни манфаатлар умумийлиги ва оқилона эгоизмдан келтириб чиқарганлар. 19-а.нинг охирида Д. психолог ва сосиологлар томонидан илк эмпирик тадқиқ этила бошланди. Д.нинг мазмуни ва функсиялари ёш ўтиб бориши б-н сезиларли даражада ўзгариб боради. Болалар дўстлиги, ўртоқлик, ҳамкорлик фаолиятига асосланган эмоционал-ҳиссий яқинликни ўзида акс эттиради.

ИМПЕРАТИВ АХЛОҚ -(лот.императивус -фармон) Кант этикасида ахлоқий қонунни тавсифловчи асосий тушунча. Кант фалсафий таълимотида амалий ақлни назарий ақлга нисбатан устун қўйилади. “Амалий ақл” деганда, кенг маънода у этика, давлат ва ҳуқуқ назариясини, тарих фалсафаси ва динни, антропологияни; тор маънода эса, ахлоқий хулқ атвор тамойиллари ва қоидаларини яратувчи ақлни тушунади. Кант “Амалий ақл танқиди” асарида инсон яхшилик ва ёмонлик ҳақида қалбининг ҳиссий иштиёқи ва

интилишларига асосланиб эмас, ақл заковати ёрдамида хулоса чиқариш керак, деган назарияни ўртага ташлайди.

КАСБИЙ ОДОБ - жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ қилувчи аниқ касбий бурч, шаън, ор-номус, кадр-қиммат каби хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўринишидир. Одоб (араб. адаб сўзининг кўплиги) – жамиятда эътироф этилган хулқ нормаси. Шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар б-н муносабат (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. Одоб негизида ахлоқнинг баъзи тамойил ва меъёрлари, шунингдек, мақсадга мувофиқлик ва гўзаллик (эстетика) талаблари ётади. Одоб кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар б-н қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига тегишли қоидалар (масалан, шарм-ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик кабилар)ни ўз ичига олади.

КАМТАРЛИК – аввало ўз – ўзига талабчанлик, ўз ҳаракатларига, ишига, билимига танқидий қараш, ўзига, куч – қувватига ортиқча баҳо бермасликдир. Камтарлик кишиларга бўлган муносабатда намоён бўлади. Инсон одобли бўлса, у кишилар билан шунчалик содда камтарона муомала қилади, ўз ишларига ва ҳаракатларига камтарлик билан баҳо беради. Бошқаларга нисбатан ширинсуҳан бўлади. Камтар инсон бошқалардан ўзини устун қўймайди, ўзига бино қўйиб, сохта шухрат кетидан қувмайди, ютуқлардан эсанкирамайди. Камтарлик - тортинчоқлик ва ҳаддан ташқари андишалиликдан фарқ қилади. Улар орқасидан инсон ўз кадр – қимматини тушириб қўйиш мумкин. Камтарлик табиийликдан келиб чиқади. У кишиларга бўлган муносабатда ҳам яққол кўринади. Камтарлик инсон ички маънавий дунёсининг ташқи ифодаси ҳисобланади.

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ. М.а.т. - юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган тарбия жараёни. Маънавият — тарбиянинг энг таъсирчан қуроли ва айна пайтда унинг натижаси. Ахлоқ

— маънавиятнинг ўзаги. Ахлоқ — бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани. Қадимги аجدодларимиз комил инсон тарбияси ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айСак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. М.а.т.да ахлоқ б-н маънавият мезонларига асосланиб, инсонда маънавият ҳамда ахлоқни шакллантириш ва ривожлантириш, такомиллаштириш учун таъсирни кучайтиришга эътибор қилинади.

МАҲАЛЛА (араб тилидан, маъноси – жамоат, жой, макон, қишничилик) – Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон қудудида Х асрлардан бошлаб мавжуд билганлиги тўғрисида тарихий манбалар гувоҳлик беради. Маҳалла - бу жамиятшунослар таъбири б-н айтганда, тайёр андозага эга билган, «маҳаллий бошқарувда халқчил демократия институти» номини олган ташкилотдир. У ўзининг асосий вазифаси, «бирдамлик», «жамоавийлик», «ҳамкорлик» асосида маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи, уюштирувчи ташкилот билганлиги боис, ҳамма даврларнинг бошқарув органлари унга нисбатан алоҳида муносабатда бўлиб келганлар.

МАҲР – (турк. тенг ҳуқуқли никоҳ тузилган пайтда хотинига ажратиб бериладиган мулк) никоҳнинг асосий шарти, никоҳ пайтида куёв томонидан келинга совға қилинадиган, кейинчалик фақат хотинга тегишли бўлган мулк. Маҳр фақат исломга хос, қалин ташқи томондан маҳрга ўхшаса ҳам, қадимдан қолган урф-одатдир

МУҲАББАТ ВА НАФРАТ — М. ва Н. кўпгина маънавий ахлоқий тушунчалар каби жуфтлик хусусиятига эга. М. инсоний моҳиятнинг эркин тарзда намоён бўлиши, зўравонлик ёки зўрмақзўракилик б-н чиқиша олмайдиган ҳодиса. У меъёрлар, анъаналар, қонунларга бўйсунмайди, лекин юксак ахлоқийлик ифодаси тарзида инсонга улкан масъулият юклайди, уни жасоратга чорлайди, у – инсонни ташқи ва трансцендентал олам б-н боғлайдиган, уни ёлғизликдан олиб чиқадиган буюк маънавий куч. М. нинг объекти доимо гўзаллик, манфааСиз гўзаллик. У – Аллоҳми, Ватанми, ёрми – М. Эгасига унданда гўзалроқ нарса йўқ. Айни пайтда бир объектни севган

киши бошқа объектларни ҳам севиши табиий. Дейлик, ёрга бўлган ҳақиқий М. Ватанга, инсониятга М.ни инкор этмайди, аксинча, барқарор қилади. Зеро, «ўз-ўзича», «якка», «худбин» М.нинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўзи ўзгага айланганида, ўзгани ўзига айлантира олганида ҳақиқий М. Эгаси ҳисобланади. Мана шу объект б-н субъект орасидаги фарқнинг «йўқолиши» энг буюк, энг мукаммал маънавий лаззатдир.

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ -инсонлар, халқлар, миллат ва элатлар, қавмлар орасида ўзаро маънавий алоқа, саломлашув, сўзлашув, келишув ва бошқа инсоний муносабатлардир. Мухим алоқа воситаси-М.м. икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро суҳбатини, муносабатини кўрсатувчи омил. М.м. нафақат кишилар орасидаги алоқа воситаси, балки шу б-н бирга дунёнинг, оламнинг маънавий инструменти ҳамдир. Сизнинг қандай шахс эканингизни, ўзаро мулоқотда ўз ифодасини топади.

МУРУВВАТ – инсонпарварлик, бирор кимсага қилинган инсоний ёрдам, яхшилик, саҳоват, лутф. Мурувват саҳоват б-н уйғун сифат, инсоний ахлоқий фазилат бўлиб, халқимизга хос бўлган хусусият, миллий қадриятдир.

МИЛЛАТПАРВАРЛИК - бу ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро, миллатни севиш кенг маънода Ватанни севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки расмана эркин ва бахтли яшаши мумкин эмас. Асл миллатпарвар - миллий ўзлигини англаб етган инсон. У ўз миллати б-н фахрланади, ўз миллати б-н бутун жаҳоннинг фахрланишини истайди. Миллатпарварлик тамойили асосида миллий ғоя ётади, у миллатни севиш амалиётининг - миллатпарварликнинг илмий-назарий асоси сифатида майдонга чиқади.

НОМУС - моҳиятан шахснинг ўз қадр - қимматини англаб етиши, шу қадр - қимматнинг жамият томонидан тан олинishi ёки олинмаслигига нисбатан бўладиган муносабатидир. Бироқ, бу - номус қадр - қиммат тушунчаси билан бир хил маънога эга, дегани эмас. Чунки қадр-қиммат шахсдан ўзининг бошқа одамларга нисбатан камситилмаслигини, атрофдагилардан барча инсоннинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилини ўзига

нисбатан қўллашларини талаб қилади. Номус эса ўз кадр-қимматини билишдан ташқари, ҳар бир шахснинг жамиятда алоҳида, ўзига хос тарзда эгаллаган мавқеи ва шу мавқени доғ туширмай сақлаш-сақламаслиги билан боғлиқ. Бу мавқе эса, шубҳасиз, ўша шахснинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, касби, ёши ва унга нисбатан бериладиган ахлоқий даража билан муайянлашади.

ОДОБЛИЛИК – Кундалик ҳаётдаги ахлоқий қоидаларига риоя қилиш – одоб ҳисобланади. Одоб ахлоқий фазилатлар инсоннинг кундалик фаолиятига сингиб бораётганини кўрсатувчи мезондир. Одоб – жамият қабул қилган ахлоқ нормаларини инсон фаолиятида, хатти – ҳаракатида, муомала ва мулоқотида намоён бўлишидир. Муайян одоб доирасида бўлиш, яхши ном қолдиришга интилиш инсоният пайдо бўлибдики, мавжуд. Инсоннинг энг яхши фазилатлари насл – насаби, билими билан эмас, балки одоби билан белгиланади.

ОИЛА – кишилиқ жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Унда жисмонан соғлом, маънан баркамол, ахлоқан пок ва юксак маданиятли инсонни вояга етказилади. Оила ҳаётининг асосий мақсади аҳолини қайта тиклаш ва болалар тарбиясидир.

ОИЛАНИНГ МУСТАХКАМЛИГИ – оиладаги тинчлик, хотиржамлик, бир- бирига бўлган самимий муносабат ҳисобланади. У оила аъзоларининг ахлоқий тарбиясига ҳам боғлиқ. Халқимизда бежиз “Соғлом турмуш тарзи мустахкам оиланинг гаровидир” деб айтилмаган. Соғлом турмуш тарзи деганда биз нафақат оиладаги эр ва хотиннинг бир – бирига бўлган муносабати балки, улардаги ахлоқий фазилатлар, имонлилик, поклик, ҳалоллик, ростгўйлик, ширинсўзлик, каби ахлоқий меъёрларга амал қилган ҳолда урф – одатларга асосланган, замонавий оиладаги иқлимни тушунамиз. Бундай иқлимда тарбия топган бола маънавий ва ахлоқан етук инсон бўлиб шакилланади.

ОИЛА МАДАНИЯТИ – жамиятнинг муҳим ижтимоий институти бўлган оиланинг тўлақонли ва мукамал фаолият юритиши учун унинг

аъзолари (ер ва хотин, ота-она ва фарзандлар) ўртасида биргаликда ҳаёт кечириш ва зарур муносабатлар ўрнатиш кўникмаларининг мажмуаси.

Оила маданияти - Оиланинг тарбия муҳити сифатидаги хусусияти, унинг ўзига ҳослиги ва тамойилан муҳимлиги, ундаги муносабатларнинг бевоситалиги ва мустаҳкамлигини умумий муҳитнинг эмосионаллиги б-н уйғунликда эканлиги б-н шартланади. Фақат оилада фарзандлар катталардан малака, билимларни ўзлаштирадилар, катталар эса ўз ҳаётларида босиб ўтган йўллари фарзандлари орқали қайта барпо этадилар. Оилавий муҳит ўзига хос, уникал бўлиб, унинг ҳар бир аъзоси янги авлодда мустаҳкам ва барқарор соғлом оилани барпо этишга масъулдир.

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ – оиланинг тўлақонли ва баркамол ривожланиши ва фаолият юритишини белгилаб берувчи ахлоқий, руҳий, психологик ва ғоявий омилларнинг бирлиги, оила аъзолари ички дунёсининг уйғун тарзда намоён бўлиши.

Оила маънавияти - Жамиятнинг асосий ижтимоий вазифаларидан бири бўлган соғлом авлодни тарбиялаш, оиланинг фаолияти б-н чамбарчас боғлиқдир. Жисмонан соғлом, маънан кучли ва ақлан етук соғлом авлодни яратиш – оиланинг энг асосий ижтимоий вазифаларидан биридир.

САМИМИЙЛИК - “бошқалар гапини тинглайдиган, ҳамфикр бўла оладиган, хабардор” деган маънони англатади. Самимийлик - тўғрилигига ўзи ишонган, бу ҳақда ўзига ва бошқаларга иқроор бўла оладиган нарсаларни қиладиган одамнинг маънавий ижобий сифати. Самимий - самимият б-н иш тутувчи, муомала қилувчи, сидқидиллик б-н чин қалбдан қилинган, дилдан чиққан. Самимият - кишиларга қалбан ҳайрихоҳлик, покдиллик, самимийлик, сидқидиллик. С. инсондаги энг яхши хислат, олий инсоний фазилатлардан бири бўлиб, ахлоқнинг муҳим меъёрларидан ҳисобланади.

ТАКАББУР(ЛИК). Такаббур – ўзини катта оладиган, кибр-ҳаволи. Такаббурлик - 1. Такаббур бўлиш. 2. Такаббур одамларга хос хатти-ҳаракат. Т.лик - салбий ахлоқий сифат бўлиб, бошқаларга кибр-ҳаволик б-н муносабатда бўлиш, уларнинг тажрибаси ва маънавий бойликларни

менсимаслик, ўзининг жамиятда тутган ўрнидан, миллатидан мағрурланишни англатади. Т.лик - манманликнинг бир кўриниши бўлиб, кишининг ўзини яхши кўриш ва имкониятларига ортиқча ишониши асосида бошқаларга беҳурматликда бўлишини ифодаловчи салбий ахлоқий сифат. Т.лик - иллат. Т.лик камтарлик ва одамларга ҳурмат сифатларига зиддир. Т.лик кибр, манманлик, мағрурлик, мақтанчоқлик, кеккайиш, калтабинлик, жамоадан ўзини юқори кўйиш, бошқалардан устунлигини намоён этиш каби иллатлар йиғиндисидан иборат.

ТАРБИЯ – инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Гўзал фазилатлар инсонга хос нарса, фақат унинг мулки эмас. Яхши фазилат жамиятнинг бойлиги, умуминсоний маънога эга. Ижобий фазилатга эга бўлган кишилар жамиятга таъсир қилади, унинг ривожланишини тезлаштиради. Инсон боласи ҳам бу ёруғ оламга шунчаки келмайди. Ҳазрат Навоий таъбирича, инсон оламга камолотга эришиш учун келади. Инсон тўғри тарбия топмаса, унинг хатти–ҳаракатлари жамиятга зарар келтиради.

ЗИНО– бузуклик, фаҳш. Шаръий никоҳда бўлмаган эркак ва аёлнинг жинсий алоқада бўлиши, исломда катта гуноҳ саналади. Зинокор одам жамият ахлоқини бузадиган одам қаралган ва тегишли жазо белгиланган. Шариатда зино ҳақида ҳукм чиқариш учун шу иш б-н шуғулланган ҳар икки томоннинг иқоро бўлиши талаб қилинган. Тухмат ва ёлғон гувоҳликка қараб ҳукм чиқарилмаган

СЕВГИ – 1) эмоционал жиҳатдан ижобий бўлган муносабатнинг юксак кўриниши бўлиб, бунда субъект ўз объектини бошқалардан ажратиб олади ва ўз ҳаётини эҳтиёжларининг диққат марказига қўяди; 2) субъектнинг турғун, интенсив ва кучайган ҳиссиёт бўлиб, бунда организмнинг физиологик жараёнларида ва хусусан шахснинг жинсий майлида фаоллик кузатилади. С.да бир шахс бошқа инсоннинг ҳаётида ўзлигини бутунлай намоён қилиш ва бу орқали унда ўзига нисбатан худди шундай ҳисларни

уйғотиш ниятида бўлади. Бу ҳислар ҳам ўзиники сингари турғун, интенсив ва кучайган бўлишни хоҳлайди. С. ҳисси ўта интим мазмунга эга бўлади.

ШАХСНИНГ АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИ – Индивид томонидан ахлоқий онг оркали жамият маданиятини идрок этиш даражаси; ахлоқ талаблари инсон хатти-ҳаракатлари жамиятнинг шакллантирувчи таъсири остида қай даражада чуқур ва уйғун эканлиги кўрсаткичидир. Турли омиллар таъсири остида: ҳаётий тажриба ва тарбия; билим ва санъат шахс жамиятнинг ахлоқий маданияти ютуқларини турли даражада ўз онги ва хатти-ҳаракатларида жамлайди. Ш.а.м. мураккаб дастур бўлиб, ўз ичига инсониятнинг шундай тажрибасини оладик, унга кўра инсон анъанавий вазиятларда ахлоқан иш юритади, ҳамда онгнинг ижодий элементларини – ахлоқий ақл, интуицияни ҳам ўз ичига олади ва улар ёрдамида муаммоли вазиятларда ахлоқий қарорлар қабул қила олади.

ШАРҚОНА АХЛОҚ – хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия, хушахлоқлилик, боадаблилик, ота-онага, устозларга хурмат-еҳтиром, хушмуомалалик, очиқ юзлилик, вазминлик, камтарлик, ваъдага вафодорлик, тўғрисўзлик ва ҳ.к.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МАЪНАВИЙ АХЛОҚИЙ НЕГИЗИ -Фуқаролик жамияти – ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий тазйиқлардан ҳоли бўлган ҳамда инсонларининг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир. Фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қилади, яъни инсон бениҳоя даражада улуғланади, умумисоний қадриятлар эъзозланади, улар мўътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг кадр – қиммати, меҳр – оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий қадриятлар инсонлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи мезондир.

ҲАЛОЛЛИК - соф, покиза бўлишни талаб қиладиган ахлоқий меъёрдир. Даставвал у диний тушунча сифатида вужудга келиб, ҳар бир

мусулмоннинг емак-ичмаги, жинсий ва иқтисодий хатти-ҳаракатлари сифатини белгилаб берувчи шаръий меъёр бўлиб амал қилган. Инсонни маънавий, ахлоқий жиҳатдан безайдиган ажойиб фазилатлардан бири - ҳалол, покиза яшаш, бировларнинг ҳақиға заррача бўлсада ҳиёнат қилмасликдан иборатдир.

ҲАЁ – шахснинг ахлоқий ўзини-ўзи англаши кўринишларидан бири; ҳаё туйғусида инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини, ахлоқий сифатлари ва мотивларини англаши тушунилади. Инсон ўз хатти-ҳаракатларининг ахлоққа зид эканлигини мустақил равишда ёки бўлсамаса атрофдагиларнинг қоралаши натижасида англаб етиши мумкин. Ҳаё виждон б-н бевосита боғлиқ бўлади. Виждонсиз одамларда ҳаё бўлмайди. Шу б-н бирга, ҳаёнинг виждондан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам мавжуд. Ҳаё қўпроқ ташқи муҳит б-н боғлиқ бўлади. Ҳаё туйғуси инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини бошқалар нуқати назаридан баҳолаши б-н боғлиқ бўлади. Ҳаё туйғуси маънавийли ва маънавий юксак инсонларга хос ахлоқий фазилатдир.

ҲАСАД - ўзида йўқ бўлган нарсанинг бошқаларда бўлишини истамаслик, ўзгаларнинг ютуқлари ва муваффақиятларини кўра олмаслик. Ҳасад туйғуси мавжуд бўлган одам бошқаларнинг яхши турмуш кечиришидан, ўқишда, меҳнат фаолиятида эришган ютуқларидан қийин аҳволга тушади. Ҳасад турли оламшумул динларда қораланади. Масалан христиан динида ҳасад етгита гуноҳи кабиралардан бири ҳисобланади. Чунки бу динда айтилишича, ҳасад қилиш худо томонидан ўрнатилган тартибдан норозиликни билдиради.

ЕЗГУЛИК ВА ЁВУЗЛИК — маънавий ахлоқий тушунчалар орасидаги энг муҳим жуфтликларидир. Э. инсонни фаолиятнинг асл моҳиятини англатади – Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади. «Езгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмол» учлиги «Авесто» дан тортиб барча муқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллаши ҳам шундан. Э. инсонга энг кучли маънавий лаззат бағишлайдиган, уни ижтимоий шахсга айлантириб, ҳақиқий бахтга олиб борувчи фазилат; шахсни комилликка,

жамиятни эса юксак тараққийетга етказувчи юксак кадрият. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади.

ЭТИКЕТ - тақаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муносабат ҳодисасидир. Этикетнинг қамрови кенг, у маълум маънода халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзни тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақазо этади.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК — асосий маънавий ахлоқий жуфт тушунчалардан. У яқин яқингача э. ва Ё. нинг синоними тарзида қўлланиб келинар эди, аслида улар асос эътибори б-н бирқбиридан фарқ қилади. Э. ва Ё. ўзини чексизликда, Я. ва Ё. ўзини чегараланганликда ифода этади. Э. ижтимоийлик хусусиятига эга, Я. Эса асосан шахснинг одобига, хулқиға боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса; унда мардлик, очикқўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Бироқ унга асос бўлган амалий хаттиқҳаракатлар қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби ахлоқий тамойиллар даражасига кўтарила олмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Абдулла Авлоний, Туркий гулистон ёхуд ахлоқ, Т., “Ўқитувчи”, 1992
2. Абу Лайс Самарқандий, Танбеҳ ул-ғофилийн, Т., “Мавороуннаҳр”, 2007
3. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Рухий тарбия, Т., “Шарқ”, 2010, 241-бет
4. Абу Хомид Ғаззолий, Мукошафат ул-қулуб, I том Т., “Янги аср авлоди”, 2004, 275-бет
5. Н.Макиавелли, Избранные сочинения, М., ИХЛ, 1982, с 384
6. Машриқ замин-ҳикмат бўстони, Т., “Шарқ”, 1997, 161-бет
7. Ахмад Яссавий, Девони ҳикмат, “Ғофур Ғулом”, 1992, 35 бет
8. Абдулла Шер, Ахлоқ шунослик, Т., “Янги аср авлоди”, 2003, 141-бет
9. Маҳмуд Асъад Жўшон, Тасаввуф ва нафс тарбияси, Т., “Чўлпон”, 1998, 79-бет
10. Абу Хомид Ғаззолий, Кимиёи саодат, II- Т., “Минхож”, 2004
11. 100 мумтоз файласуф, Т., “Янги аср авлоди”, 2007, 197б
12. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Имон, Т., “Камалак”, 1991, 160-бет
13. Н.Комилов, Хизр чашмаси, Т., “Маънавият”, 2005, 320-бет
14. А.Навоий, “Маҳбубул қулуб”, Асарлар, 13-жилд, Т., 66-67-бет
15. Н.Комилов, Хизр чашмаси, Т., “Маънавият”, 2005
16. А.Навоий, Асарлар, 17-жилд: “Нисоимул муҳаббат”, Т., 2001
17. А.Навоий, Асарлар, 5-жилд: “Тухфатул афкор”, Т., 1965 ёки А.Навоий, Девони Фоний, Душанбе, “Ирфон”, 1993

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Олийжаноблик, ширинсўзлик, заҳархандалик.....	5
Исёнкор қалб ва мусаффо қалб.....	8
Мағрурланиш ва виқор.....	13
Илм талаб қилмоқлик ва илмига амал қилмоқлик.....	18
Ихлос ва тилга эҳтиёткорлик.....	21
Ичкилик, қиморбозлик ва ўғрилиқ.....	25
Чақимчилик ва адоват.....	29
Ёлғончилик ва ростгўйлик.....	35
Тил ва дил номувофиқлиги.....	38
Ҳаё ва ҳаёсизлик, ифбат.....	42
Кибрланиш ва хокисорлик.....	47
Риёкорлик ва риёсизлик.....	53
Ҳасад гўйлик ва ичиқоралиқ.....	58
Ҳалол ва ҳаром.....	62
Сабрлилик ва сабрсизлик.....	66
Омонатга хиёнат ва омонатга садоқат.....	73
Раҳмат ва шафқат.....	77
Фосиқлик ва бахиллик.....	79
Ғийбатчилик ва иғвогарлик.....	84
Олийҳимматлилик ва хасислик (зиқналиқ).....	87
Тафаккур ва ғафлат.....	92
Иймон халовати ва таваккул.....	97
Тама, ҳақорат, диёнат.....	104
Шукр, ғазаб, қаноат.....	107
Кечиримлилик, шахват ва жаҳолат.....	112
Иккиюзламачилиқ (нифоқ) ва мунофиқлик.....	117
Зикр ва ахлоқ.....	120
Илм излаш фазилати.....	123
Адолатпарварлик ва золимлик (А.Навоий мамнунияти ва нафрати).....	133
Хулоса.....	145
Глоссарий.....	146
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	163

Оглавление

Введение	3
Великодушие, приветливость, злословие	5
Бунтарность и добродушие	9
Гордыня и гордость	13
Склонность и осторожность к языку	18
Любознательность и следование знаниям	21
Пьянство, тяга к азартным играм и воровство	25
Доносительство и неприязнь	29
Лживость и правдивость	34
Несоответствие слова и дело	37
Блогочестие и пощлость	41
Высокомерие и скромность	46
«Халол» и «харом»	62
Терпиливость и нетерпимость	66
Измена сбережениям и верность к сбережениям	73
Благодарность и милосердие	77
Скупость и зависть	79
Осуждение и сплетня	84
Щедрость и жадность	88
Мышление и беспечность	93
Спокойство души и опора	98
Коррупция, оскорбление, честность	105
Признательность, злость, терпимость	108
Прощение и невежество	113
Двуличие и лицемерие	118
Благоверие и мораль	121
Качество любознательности	124
Праведность и жестокость	134
Заключение	145
Глоссарий	146
Список использованной литературы	163

